ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАъЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ВА ТУРИЗМ СЕРВИС кафедра

И.С.Тухлиев, Г.Р.Турсунова, А.П.Махмудова

«МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ»

(Маъруза курси)

САМАРҚАНД 2017

И.С.Тухлиев, Г.Р.Турсунова, А.П.Махмудовалар «Мутахассисликка кириш» Маъруза курси. Самарқанд. СамИСИ. 2017 йил.

Лойиҳа муҳаррири:

И.С.Тухлиев “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедраси мудири, и.ф.д., профессор

Тақризчи:

О. Маматқулов “Сартепо туризм ва маиший хизмат касб-ҳунар” коллежи директори

Ф.У. Турсунов “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедраси катта ўқитувчи, и.ф.н.

Ушбу маъруза курси Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институтининг «Халқаро туризм ва туризм сервиси» кафедрасида ишлаб чиқилди. Ушбу маъруза курсида талабалар «Мутахассисликка кириш» фанини мустақил ўрганишлари учун барча ўқув-услубий материаллар мавжуд.

Мазкур маъруза курси олий ўқув юртлари «Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)» ва «Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш» каби таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабаларга мўлжалланган. Ундан туризм бўйича касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари ва туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассислар ҳам фойдаланиши мумкин.

Маъруза курси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ўқув-услубий Кенгашида муҳокама этилган ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш ҳамда нашр учун тавсия этилган. (2017 йил Баённома №)

1-Мавзу: «МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ» ФАНИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа:

1. Ўзбекистонда туризм сервисининг ривожланиш хусусиятлари
2. «Мутахассисликка кириш» фанининг мақсад ва вазифалари

1. Ўзбекистонда туризм сервисининг ривожланиш хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан устувор йўналиш қилиб, аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида хизмат кўрсатиш соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш белгиланди.

Агар бу жараёнинг қисқа ривожланиш тарихига назар солсак собиқ Иттифоқ даврида ҳам ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улуши **60 - 80%** гача етган бўлса,бу кўрсатгич республикамизда атаги **10 - 15 %** ни ташкил қилган эди.

Бунинг сабаби мустақилликка қадар собиқ Иттифоқ даврида ҳам хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш масаласи ишлаб чиқаришга нисбатан иккинчи даражали масала деб қаралган. Ушбу сиёсатнинг натижасини мана энди куриб турибмиз...

Мустақиллик йилларида бу соҳада ҳам таркибий ўзгаришлар содир бўлган.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички махсулотдаги улуши (% ҳисобида)



Жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички махсулотдаги улуши 2000 йилда 30 фоизни, 2005 йилда 38,3 фоизни, 2006 йилда эса 39,5, 2007 йилда 42 фоизни ташкил қилди.

2008 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 45% га, 2010 йилда эса бу кўрсаткич 49% ни ташкил қилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида катта тарихий воқеа бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори хисобланади. Ушбу қарор асосида барча хизмат кўрсатиш тармоқларида 2006-2010 йилларга мўлжалланган хизмат кўрсатиш соҳаси ва сервисни ривожлантириш **Дастурлари** қабул қилинди.

Хизматларнинг янги, замонавий турларини кенг жорий этишни алохида кўрсатилган. Юртбошимиз таъкидлагандек, 2008 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 45% га 2010 йилга бориб эса 49 фоизни ташкил қилганлиги учун бугун бизда барча асослар бор.

Дархақиқат, ушбу соҳани чуқур таҳлил қиладиган бўлсак хақиқатда ҳали фойдаланмаган талайгина имкониятлар борлиги анқланади.

Бугунги кунда туризм кўпгина мамлакатларда шиддат билан ривожланаётган индустриянинг ижтимоий-иқтисодий тармоғи бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда жаҳонда ташкил этилган ҳар 16 ишчи ўриндан бири туристик бизнесга тўғри келади. Яқин ун йил ичида Европа мамлакатларида ва бошқа катор мамлакатларда ҳам туризм соҳаси янги ишчи жойларни ташкил қилишнинг йирик манбаи бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон Республикаси бутун жаҳонга юз тутди ва халқаро алоқаларга киришиб кетди. Ўзбекистон халқаро алоқаларининг ривожланишида туризм соҳаси алоҳида ажралиб туради. Мустақилликдан олдин Ўзбекистон аҳолиси собиқ Марказ рухсати билангина чет элларда саёҳат қилиб келар эди, хорижий туристлар ҳам аввал Москвага келиб, сўнг Ўзбекистонга ташриф буюра олишар эди. Бунинг устига, туризмдан олинадиган барча даромадларни (шунингдек, валюта даромадларининг ҳам ҳаммасини) тўғридан-тўғри собиқ Марказга жўнатиш мажбурий эди. Хорижий туристларга кўрсатилган хизматлар таннархи Ўзбекистон бюджетидан қопланар, бунинг эвазига марказдан ҳеч нима олинмас эди. Натижада халқаро туризмдан Ўзбекистон фақатгина зарар кўрар эди.

Мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон ҳукумати туризм соҳасининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратди ва бунинг учун масъул бўлган ягона ташкилотни тузди. Ўзбекистон Республикасида туризмнинг ривожланиши учун масъул бўлган ташкилот - «Ўзбектуризм» Миллий

Компаниясидир. **Компания Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июлдаги УП-447 ракамли «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг ташкил этилиши» тўғрисидаги Фармони асосида ташкил этилди.** «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг таркибига алоҳида-алоҳида хўжалик фаолияти юритган «Интурист», «Спутник» ва Касаба иттифоқларининг туризм ва экскурсиялар бўйича Кенгаши каби ташкилотларнинг минтақавий таркибий бўлинмалари бирлаштирилди.

Миллий компаниянинг фаолият юритиши давомида республикамиз туризмида катта ўзгартишлар амалга оширилди. Олдинлари меҳмонхоналар, дам олиш уйлари, туристлик базалар, кемпинглар умуман замонавий талабларга жавоб бера олмас эди. Чунки уларни таъмирлаш, қайта қуриш ва жиҳозлаш масалалари собиқ Марказ томонидан кўриб чиқилган. Мустақилликка эришилиши билан бу ҳолга, шунингдек, туризм соҳасидан олинган даромаднинг барчасини республика ташқарисига олиб чиқиб кетилишига чек қўйилди. Ўзбекистон туризм соҳасида бозор муносабатлари амал қила бошлади, давлатнинг кўплаб туристлик корхоналари хусусийлаштирилди, туристлик маҳсулот яратиш ҳамда шу туристлик маҳсулотга мустақил нарх белгилаш эркинлиги яратиб берилди. Натижада туристлик хизмат бозорида корхоналар орасида рақобат юзага келди. Рақобат Ўзбекистон туристлик корхоналарининг ўз фаолиятини янада ривожлантириш учун янада сифатли турмаҳсулот ишлаб чиқариш ва бу билан умумий ривожланишни таъминлашга ундади.

«Ўзбектуризм» Миллий Компаниясининг вужудга келиши ва бу ташкилотнинг 1993 йили Бутунжаҳон туризм ташкилотига аъзо бўлиб кириши Ўзбекистон туризми тараққиётида қўйилган ўлкан қадам бўлди. Республикада халқаро туризмни янги босқичга кўтариш ва самарали фаолият кўрсатишига мос келадиган янги шарт-шароит ва механизмлар вужудга келди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмни ривожлантириш борасида ишлаб чиқилган муҳим ҳужжатлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларини ҳамда мазкур фармонларни амалга ошириш мақсадида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қатор карорларини киритиш мумкин.

Ўзбекистон туризмнинг ривожланишида **«Буюк Ипак Йўли»** нинг тутган ўрни ва моҳияти ниҳоятда чексиз. Бир неча асрлар давомида ушбу заминнинг Ғарб ва Шарқида истиқомат қилган халқларни Жанубий-Шарқий Осиёдан то Ўрта ер денгизи мамлакатларигача чўзилган ва «Буюк Ипак Йўли» деб ном олган савдо-сотиқ йўли бир-бири билан боғлаб турар эди. Бу

йўлга «Ипак Йўли» деб ном берилишининг асосий сабаби, бу ерда ташиладиган маҳсулотларнинг асосий қисми ипак матолари ва маҳсулотлари бўлганлигидандир. Ипак тайёрлаш билан боғлиқ бўлган сир-асрорларни Хитой усталари минг йиллар давомида бошқа одамлардан яшириб келган. Аммо «Буюк Ипак Йўли» орқали ташилган маҳсулотлар фақат ипакдангина иборат бўлмай, балки бу йўл орқали бронза, чинни, жун, хом ашёлар ва улардан тайёрланган буюмлар ҳам эди. «Буюк Ипак Йўли» қарийиб икки минг йиллик тарихга эга бўлиб, бу йўл асосан Италиядан тортиб Туркия орқали Ироқ ва Эронга борган. У ердан эса Марказий Осиё ҳамда Шимолий Помир орқали ўтиб Қашқар ва Ёркентгача етган. Бу ерда йўл иккига ажралган ҳамда шимол томондан Такла-Макон саҳросини айланиб ўтиб, Лобнор кўли яқинида яна қўшилган ва Хитойгача борган.

Буюк Ипак Йўлида Туркистон ҳудуди етакчи ролни бажариб келган. Ушбу ҳудуддаги Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Хўжанд, Чоржуй каби қатор шаҳарлар ипак йўлидаги асосий манзиллар бўлган. Ўзбекистон ўзининг қўлай географик ўрни туфайли бу тарихий йўлда марказий ўринни эгаллаган. «Буюк Ипак Йўли» кўп асрлар давомида кишилик маданиятининг вужудга келишида катта ўрин эгаллаган.

Унинг тарихда тутган ўрни ҳамда аҳамиятини тиклаш, бу йўлда туризмни ривожлантириш каби мақсадларни мўлжаллаб, 1994 йилнинг октябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг нуфузли ташкилоти ЮНЕСКО иштирокида Ўзбекистонда Жахон туристлик ташкилотининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш аъзолари Ипак йўли бўйлаб туризм фаолиятини тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган Самарканд Декларациясини қабул қилди.

1995 йил октябрида Тошкент шаҳрида «Ипак Йулида туризм» номи билан биринчи туристлик ярмарка ўтказилди. Шундан бери бундай ярмарка ҳар йили узлуксиз равишда ўтказилиб келинмокда. Бу ярмаркаларда тузилган шартнома ва битимлар туризмни янада ривожлантириш, Республиканинг туризмга оид имкониятларини ишга солиш ҳамда «Буюк Ипак Йули»га хос бўлган қадимий анъаналарни тиклашга кенг йўл очиб берди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бозор иқтисодиётига асосланган жамият куришни ўзининг асосий мақсади қилиб белгилаб олди. Бу ишда туризм соҳаси ҳам етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Туризм нафақат ўтмишни ўрганиш, ўзга халқлар ва элатлар билан танишиш, уларнинг маданий ёдгорликларидан бахраманд бўлиш, шунингдек, у катта бизнес ҳамдир. Мазкур фаолиятни йулга қўйиш эса мутахассисларга боғлиқ.

Бунинг учун малакали кадрларни тайёрлаш ҳозирги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Республикамизда жойлашган қатор олий

ўқув юртларида айнан “Туризм (фаолият турлари бўйича)” ва “Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” таълим йўналишлари бўйича Тошкент Давлат иқтисодиёт университети,Самарканд иқтисодиёт ва сервис институти, Сингапур Менежментни ривожлантириш Институти, Урганч Давлат Университети, Бухоро Давлат Университети, қолаверса, қатор Туризм касб-хунар коллежлари бу ишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмокдалар. Бу ўқув масканларида қатор фанлар, жумладан, мутахассислик фанлари ҳам бўлиб, уларда касб илмига таълуқли муаммолар ўз ечимини топади.

Шундай фанлар ичида «Мутахассисликка кириш» фани ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, талабаларга Ўзбекистонда узлуксиз таълимнинг Давлат таълим стандартлари асосий қоидаларига мувофиқ ўқув жараёнини олиб боришнинг илмий асослари ва туризмга таълуқли фанларнинг умумий мазмуни тўғрисида маълумот беради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришга ҳукуматимизнинг эътибори янада кучаймоқда. Фикримизнинг тасдиғи сифатида 1999 йил 20 августида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонунини келтиришимиз мумкин. Ушбу Қонунга мувофиқ «туризм» ва «турист» тушунчаларига қўйидагича таъриф берилган:

Туризм – жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан 1 йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши).

Турист – Ўзбекистон Республикаси худуди бўйлаб ёки бошқа мамлакатга саёҳат қилувчи (доимий истиқомат жойидан туризм мақсадида жўнаб кетган) жисмоний шахс.

Тур – муайян йўналиш бўйича туристик хужжатлар мажмуи (жой бандлаш, жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, рекреация, экскурсия хизматлари ва бошқа хизматлар) билан таъминланган аниқ муддатлардаги туристик саёҳатдир.

«Туризм» французча «Тоурисме» сўзидан олинган бўлиб, “сайр”, “саёҳат”, “сафарларга чиқиш”, “фаол дам олиш” деган маъноларни англатади.

Халқаро туризм тарихидан ва ҳозирги босқичдаги ривожланишдан шу нарса маълумки, баъзи давлатлар мавқеи айнан халқаро туризм ривожланиши билан боғлиқ, масалан Испаниянинг Канар ороллари, Барселона, Австрия, Галлесия, Мадрид ва Европанинг туристик марказлари, Венеция, Лондон, Париж, Рим, Афина каби ҳудудларда туристларга хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланган ҳамда ушбу мамлакатларда туризм соҳаси

иқтисодий ривожланишга эришган. Туризмдан келадиган даромадлар Швейцарияда ялпи ички даромаднинг 80% ини, Испанияда 60% ини, Австрияда 40% ини ташкил этади. Шу боисдан барча давлатлар ўз мамлакатларини туризм марказларидан бири бўлишини истайди.

Туризм ҳозирги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатларида етакчи соҳалардан бирига айланган. 2000 йилдан бошлаб туристларни жўнатиш ва қабул қилиш даражасига қараб давлатлар 2 гуруҳга бўлинди. Туристларни жўнатиш бўйича Россия, Украина, Туркия ва Марказий Осиё давлатлари устунлик қилган бўлса, иккинчи йўналиш бўйича яъни туристларни қабул қилиш бўйича АҚШ, Франция, Италия, Япония, Германия давлатлари дунё миқёсида асосий ўринларни эгаллади.

Халқаро туризм жаҳон экспортида 8% ва жаҳон савдо хизматининг 30-35% ни ўз ичига олади. ЯММ 12% ички ва халқаро туризмнинг умумий ҳаражатларидан ташкил топади. БТТ берган баҳосига кўра, туристик хизмати яхши ривожланган шаҳарда ҳар бир турист 200 АҚШ доллари ҳаражат қилса, унда 100 та туристдан олинадиган даромад 20 минг АҚШ долларини ташкил этади. Буни бошқа кўрсаткичлар билан солиштирадиган бўлсак, бундай фойда олиш учун жаҳон бозорига 1 тоннага яқин пахта ёки 2 тонна буғдой олиб чиқиш лозим бўлади. Туризмни ривожи яна бир муаммони ечишга ёрдам беради, бу янги ишчи жойларини ташкил этиш билан боғлиқ. Статистика маълумотларига қараганда, ҳар 20 та туристнинг мамлакатга ташриф буюриши туризм соҳасида 1 та янги иш ўрнини ва туризм индустриясига боғлиқ бўлган тармоқларда 2 та янги иш ўрнини яратади.

Туризм ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий тараққиётининг кучли катализатори бўлиб, чет эл валютаси ва сармоялар оқимини таъминлайди, унга яқин соҳаларнинг тез ўсишига кўмак беради, аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этишда ёрдам беради ва мамлакатнинг дунё ҳамжамиятидаги обрўсини оширади. Бошқа соҳалар билан қиёслаганда анча кам сарф – ҳаражат билан туризм соҳасида катта валюта миқдори келиб тушишини таъминлаши мумкин.

1-жадвал

Бутунжаҳон туристик оқими динамикаси ва туризмдан келадиган валюта тушуми

Йиллар	Келган туристлар сони (млн. киши)	Халқаро туризмдан келадиган тушум (млрд. $)
1995	534	405
1996	567	436
1997	593	448
1998	610	440
1999	632	455
2000	682	475
2001	682	463
2002	702	480
2003	691	523
2004	762	620
2005	802	680
2006	847	742
2007	901	856
2008	913	940
2009	877	852
2010	935	950

Манбаа: Бутунжаҳон Туристлик Ташкилоти маълумотлари асосида

Жадвалдан кўриниб турибдики, охирги ўн йилликда бутундунё туристик оқимининг ўсиши:1995-2010 йиллар оралиғида келган туристлар сони 534 млн.дан 935 млн. гача яъни 1,8 мартага ўсди.Туризмдан тушган фойда эса 2010 йилга келиб 405 млрд $ дан 950 млрд $ гача яъни 2.3 марта ошди. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, туризм дунё иқтисодиётига катта таъсир кўрсатадиган соҳа ҳисобланади.

Бутунжаҳон туризм ташкилотининг (БТТ) маълумотларига кўра, ҳар йили туристлар сонининг 7% га ўсишини ҳисобга олганда, 2010 йилда туристлар сони бир миллиардга етиши белгиланган эди. Дунё аҳолиси 7 миллиард кишини ташкил этганлиги сабабли, ички туризмни ҳам ҳисобга олган ҳолда сайёрамиз аҳолисининг қарийб ярми ҳар йили бевосита туризм бизнесига жалб этилади. БТТ тахминларига кўра, яқин ўн йилликларда туризм ҳажмининг ўсиш суръатлари сақланиб қолиб, 2020 йилга келиб, халқаро туристик ташрифлар сони 1,5 миллиардни ташкил этиши керак.

Ўзбекистондаги сиёсий барқарорлик ва иқтисодий моделнинг афзаллиги туфайли ҳозирги пайтда хизмат кўрсатилган туристлар сони ва шундан хорижий туристлар сони ҳам ўсиб бормоқда. Ўзбекистондаги туризм соҳасининг 2001-2010 йиллар давомидаги ривожланиш динамикасини «Ўзбектуризм» Миллий компаниянинг статистик маълумотлари кўрсатиб турибди (1-расм).



	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
Жами хизмат кўрсатилган туристлар сони	712,8	709,1	719,9	720,2	608,9	656,7	723,9	791,4	870,9	1300
Шундан, хорижий туристлар	231,4	198,2	230,4	261,6	241,9	272,6	343,5	370,1	383,8	410,5

1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2001-2010 йиллар давомидаги туристларга кўрсатилган хизматларнинг ўзгариш динамикаси (минг киши)[1]

Шундай қилиб, туризм соҳаси нафақат хорижий мамлакатларда ривожланиши, балки Ўзбекистон худудидаги ривожи аҳолининг турмуш даражаси, ишсизлар сонининг камайиши ва бошқа омилларга ўз таъсирини кўрсатади.

Ҳукуматимиз томонидан хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда, жумладан 2006 йил 17 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини келтириш мумкин.

Ушбу қарор хизматлар ва сервис соҳасини республикамизда қисқа муддат ичида жадал суръатлар билан ривожлантиришга туртки бўлади.

[1] Манба: “Ўзбектуризм” Миллий Компаниясининг 2001-2010 йиллардаги статистик маълумотлари.

Турли хилдаги хизмат турлари ва хизмат кўрсатишнинг жозибали шакллари ижтимоий-моддий тизими соҳасида пайдо бўлмоқда. Сервис хизматлари бозорида юқори сифат даражасидаги хизмат кўрсатишнинг янги йўналишлари вужудга келмоқда.

Сервис фаолияти якка тартибдаги хизматларни кўрсатиш орқали инсонлар талабини қондиришга йўналтирилган фаолият турини тушуниш лозим. Ушбу турдаги фаолият билан турли хилдаги ташкилотлар шуғулланади. Улар жумласига якка тартибдаги тадбиркорлар ва турли мулк шаклига эга бўлган сервис корхоналари киради. Улар меҳнатининг натижаси бўлиб хизмат ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти «Сервис ва туризм» факультетида **5610300 – "Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)"** ва **5610200 –"Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш"** таълим йўналишлари бўйича талабалар тайёрланмокда.

5610200 –"Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш" таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар сервис ва хизмат соҳаси обьектларида иқтисодчи, меҳнат ва иш ҳақи бўйича иқтисодчи, режа-иқтисодий ёки ташкилий бўлим иқтисодчиси вазифасида, турфирмаларда сервис хизматларининг ривожланишини таҳлил қилиш,туризм соҳасидаги турли хил ташкилотлар, туристлик фирмалар, меҳмонхоналар ва бошқа корхоналарларда иқтисодчи, менежер, тадбиркор, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жамоалари ишларини ташкил қилиш, илмий-тадқиқот муассасаларида тадқиқотчи сифатида туризм соҳасида ишлаш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш мумкин. Бундан ташқари касб ҳунар коллежлари ва ўрта мактабларда туризм ва хизмат кўрсатиш фанлари ўқитувчиси бўлиб ишлаши мумкин.

5610300 – "Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)" ҳамда **5610200 –"Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш"** таълим йўналишлари талабалари келгусида қуйидаги магистратура таълим йўналишларида ўқишларини давом эттириши мумкин:

- 5А610301 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича);
- 5А610302 – Туроператорлик хизматини ташкил этиш;
- 5А610201 - Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш
- 5А610101 – Хизматлар соҳаси (турлари ва йўналишлар фаолияти бўйича)

2. «Мутахассисликка кириш» фанининг мақсад ва вазифалари

«Мутахассисликка кириш» фанининг асосий мақсади “Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” ва “Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)” таълим йўналишлари бўйича талабаларга биринчи босқичда олий ўқув юртидаги ўқув жараёнининг хусусиятларини очиб бериш ва замонавий педагогика технологиялари бўйича тегишли кўникмалар беришдан иборат.

«Мутахассисликка кириш» курсининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

- Ўзбекистонда туризм сервисининг ривожланиш хусусиятларини аниқлаш;
- “Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш”, “Туризм (фаолият йуналишлари бўйича)” таълим йўналишларининг моҳияти ва мазмунини ёритиб бериш;
- Таълим технологияларига асосланган ўқитишнинг усуллари;
- Таълим технологиясининг модели ва харитаси;
- Талабалар тамонидан реферат тайёрлаш жараёнлари;
- Талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими;
- Маълумотларни таҳлил қилиш, солиштириш ва таққослаш усул ва воситалари;
- Талабаларнинг малакавий амалиётини ташкил этиш
- Талабанинг мустақил ишини ташкил этиш ва уни баҳолаш
- Талабаларнинг курс ишини ташкил этиш
- Бакалаврларнинг битирув малакавий ишини ташкил қилиш.

Мазкур фан «Туризм асослари», «Туризмни режалаштириш», «Халқаро туризм», “Туризм инфратузилмаси”, «Ўзбекистоннинг туристик ресурслари», «Туризм операторлик хизматини ташкиллаштиришнинг асослари», «Туристик маршрутларни ишлаб чиқиш технологияси» каби фанлар билан узвий алоқада ҳисобланади.

Шу муносабат билан асосий ўқув курслари бошланишидан олдин биринчи босқич талабалари қуйидаги кўникма ва маҳоратларни эгаллаб олишлари зарур бўлади:

-маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш, иқтисодий муносабатларнинг мазмун ва моҳиятини билиш, улардан фойдала олиш, илғор замонавий педагогик ва ахборот технологияларни эгаллаш ва қўллай олишни **билиши керак.**

-қўйилган муоммоларга ўз фикрини эркин баён этиш, талабанинг маълумотларни тизимлаштириш, таҳлил қилиш, қиёслаш, ўрганилаётган

тушунчалар (воқеалар, ҳодисалар, мавзулар ва бошқалар) ўртасидаги алоқалар ва ўзаро алоқаларга СВОТ-таҳлилидан фойдаланган ҳолда муаммони ҳал этишни режалаштириши бўйича **кўникмаларга эга бўлиши керак.**

-компьютер ва ахборот технологиялардан фойдалана олишнинг амалий кўникмалари ҳақида, интернет тармоғидан фойдаланиш ҳақида, тақдимотлар тайёрлаш ҳақида, реферат тайёрлаш ҳақида, СВОТ-таҳлили ҳақида, талабларни рейтинг баҳолаш тизими ҳақида, курс иши ва мустақил иш ҳақида **малакаларига эга бўлиши керак.**

Тақдимот кўникмалари: сўзга чиқиш вақтида, шу жумладан ўқув топшириғи бажарилиши натижалари бўйича, сиз ўзингизни ўқитувчи ва бошқа талабалар олдида ишончли тута олиш ва бунда ҳар хил электрон воситалардан фойдалана оласиз;

Коммуникатив кўникмалар: ўқитувчи ва талабалар ўртасида ўқув муносабатларини ярата олиш хусусияти, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила олиш ва муросага келиш, мунозарага қўшилиш, моҳияти бўйича савол бериш, асосланган жавобларни бериш, қоидага риоя қилган ҳолда баҳслашиш, музокаралар ва давра суҳбатларида қатнашиш;

Ҳамкорликда ишлаш кўникмалари: гуруҳ билан ҳаракат қилишга тайёр бўлиш – ўқув топшириғини бажариш бўйича қўшма фаолиятни жамоа билан режалаштириш, умумий масалаларни ечишда ҳамкорлик қилиш, ишбилармон шерикчилик ва ўзаро алоқада бўлиш;

Маълумотларни қидириш, йиғиш, ишлов бериш ва сақлаш учун замонавий компьютер ва ахборот технологиялардан фойдалана олишнинг амалий кўникмалари: мустақил иш натижаларини безаш бўйича ўқув топшириқларини бажариш (нутқлар, рефератлар, тақдимотлар, ўқув лойиҳалари ва бошқалар).

2- Мавзу: ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСКИЧЛАРИ

Режа:

1. Ўзбекистонда туризм соҳасининг ривожланиш босқичлари, туризм-стратегик сектор сифатида.
2. «Туризм» тўғрисидаги Қонун.
3. Туризм соҳасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорларнинг моҳияти.
4. Туризм соҳасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган минтақавий дастурлар

1. Ўзбекистонда туризм соҳасининг ривожланиш босқичлари, туризм- стратегик сектор сифатида.

2016 йил 2 декабрда Президент Шавкат Мирзиёев «Узбекистон Республикасининг туризм сохасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тугрисида”ги фармонга имзо чекди. Хужжат туризм тармогини жадал ривожлантиришни таъминлаш, **туризмга иктисодиётнинг стратегик сектори макомини бериш** , уни мамлакат иктисодиётини баркарор устиришнинг, минтакаларда туризм салохиятидан самарали фойдаланишнинг, ахоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда туризм ролини кучайтиришнинг кудратли воситасига айлантиришга каратилгандир.

Мамлакат улкан туристик салохиятга эга булишига карамай, туризм инфратузилмаси, туризм хизматлари сифати ва унинг даражаси, шунингдек тармокни бошкариш тизими глобаллашув ва кескин ракобат шароитида замонавий талабларга мос келмайди. Туризмнинг мамлакат иктисодиётига кушаётган хиссаси, хизмат курсатиш сохасини ривожлантириш ва ахолини иш билан таъминлаш жахондаги уртача курсаткичлардан оркада колмокда, дейилади фармонга берилган расмий шархда.

Фармонда **туризм сохасида давлат сиёсатининг сифат жихатдан янги боскичга утишини** белгилаб берадиган ушбу тармокни тубдан ислох килиш буйича мисли курилмаган чора-тадбирлар назарда тутилади, куйидаги асосий максадли вазифалар ва устувор йуналишлар белгиланади:

туризм индустрияси субъектлари фаолияти учун кулай шарт-шароитларни шакллантириш, туризмни ривожлантиришдаги барча тусик ва говларга бархам бериш, виза ва руйхатдан утказиш тартиб-таомилларини, паспорт ва божхона назоратини соддалаштириш;туризм хизматларини ташкил этишда туристлар ва экскурсантларнинг хаёти ва соглиги хавфсизлигини таъминлаш буйича комплекс чора-тадбирларни амалга

ошириш;туризмнинг янги салохиятли турлари — зиёрат килиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-согломлаштириш, кишлок, саноат, ишбилармонлик, болалар, ёшлар ва оилавий туризмни жадал ривожлантириш;туризм сохасида халкаро ва миллий ташкилотлар, йирик хорижий брендлар ва компаниялар билан хамкорликни кенгайтириш, туризм хизмати курсатишнинг илгор жахон сифат стандартларини жорий этиш;республика минтакаларида туризм инфратузилмасининг замонавий объектлари, энг аввало мехмонхоналар, транспорт-логистика тузилмалари, мухандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, ушбу максадлар учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш;ракобатбардош туризм махсулотларини ишлаб чикиш, минтакаларда янги туризм йуналишларини яратиш, уларни жахон туризм бозорларига олиб чикиш;туризм тармоги учун малакали кадрларни сифатли тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш.

Давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, юкорида курсатиб утилган максадли вазифалар хамда устувор йуналишларни ташкил килиш ва мувофиклаштириш максадида Узбекстон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кумитаси ташкил этилди, унинг минтакаларда булимлари ва ваколатли вакиллари фаолият олиб боради.

Шуни алохида кайд этиб утиш керакки, Туризмни ривожлантириш давлат кумитасининг фаолияти энг аввало назорат ва маъмуриятчилик вазифаларини амалга оширишга эмас, балки туризм сохасидаги тадбиркорлик фаоллигини кучайтиришга бутун чоралар билан кумаклашишга, туризмни ривожлантиришга тускинлик килаётган барча говлар ва тусикларни бартараф этишга, туризм хизматлари бозорида ракобатни ривожлантиришга йуналтирилади.

Фармонда туризм сохасида лицензия бериш, сертификатлаштириш хамда бошка рухсатномалар бериш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга каратилган давлат томонидан бошкариладиган бир катор принципиал янги механизмлар белгилаб куйилди.

Жумладан, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб туризм фаолиятига лицензия бериш вазифаси Вазирлар Махкамасидан янги ташкил килинган давлат кумитасига утказилади, бунда мехмонхоналар ва одамлар яшайдиган бошка жойларнинг лицензия олишлари тугрисидаги талаб бекор килинади. Уз навбатида 2018 йилдан бошлаб **хорижий туристларга хизмат курсатишга ихтисослашган умумий овкатланиш корхоналари ва автотранспорт корхоналарини** хорижий туристларнинг хаёти ва соглиги хавфсизлигини таъминлаш максадида **мажбурий сертификатлаш жорий этилади .**

Хорижий туристлар учун мамлакатимиз жозибадорлигини ошириш максадида давлатнинг виза сиёсатини тубдан либераллаштиришни назарда тутувчи Фармоннинг энг мухим жихати куйидагилардан иборатдир:

2017 йилнинг 1 апрелидан бошлаб 15 та давлат, шу жумладан Австралия, Австрия, Буюк Британия, Германия, Дания, Испания, Италия, Канада, Люксембург, Нидерландия, Корея Республикаси, Сингапур, Финляндия, Швейцария ва Япония каби давлатларнинг туристлари, шунингдек **55 ёшга тулган ва туризм максадида 30 кундан ортик булмаган муддатга келувчи** 12 давлат, шу жумладан Бельгия, Индонезия, ХХР (туристлар гурухлари таркибида), Малайзия, АКШ, Франция, Вьетнам, Исроил, Польша, Венгрия, Португалия ва Чехиянинг **фукаролари учун виза режими бутунлай бекор килинади**;барча мамлакатлар учун 30 кун муддатга бериладиган ягона туризм визалари жорий этилади, визалар олиш, шу жумладан виза олиш суровномаларини тулдиришнинг онлайн тизимидан фойдаланган холда олиш тартиби сезиларли равишда соддалаштирилади, шунингдек **2018 йилдан бошлаб электрон визалар тизими жорий этилади .**

Мазкур тартиб-коидалар Узбекистоннинг туризм сохасидаги ижобий киёфасини юкори даражага кутариш, мамлакатга туристлар окимини талай даражада купайтириш, шунингдек, мазкур сохадаги ишбилармонлик фаолиятини кучайтириш имконини беради.

Аэропортлар, вокзаллар хамда давлат чегараси оркали бошка утиш пунктларида хизмат курсатиш сифати ва савиясини тубдан ошириш хорижий туристларнинг мамлакатга келишларида кулай шарт-шароитлар яратилишининг мухим омили хисобланади. Фармонда шу максадларда куйидагилар назарда тутилади:

2017 йилнинг 1 апрелигача **Тошкент**, Самарканд, Бухоро ва Урганч шахарларининг халкаро аэропортларида **хорижий туристлар учун «яшил йулак» божхона назорати тизимин и**, паспорт ва божхона назоратидан утишнинг, багажни олишнинг соддалаштирилган тартиб-таомилини жорий этиш хамда транспорт хизмати курсатишни яхшилаш юзасидан зарур чора-тадбирлар куриш;аэропортлар ва вокзалларда **резидентлар ва норезидентларнинг паспорт назоратидан алохида-алохида утишларини** ташкил килиш;аэропортлар ва темир йул вокзалларида **кулай туризм ахборот маконини**, шу жумладан туризм-ахборот пунктлари фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш.

Юкорида курсатиб утилган тадбирларни амалга ошириш асосий транспорт узелларида хизматлар курсатиш сифатининг энг илгор жахон

стандартларига мос келишини таъминлашга, **мамлакат халкаро аэропортлари ва вокзалларининг рейтингини оширишга** каратилгандир.

Туризм сохасидаги тадбиркорлик фаоллигини янада рагбатлантириш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, туризм ташкилотларига кушимча имтиёз ва преференциялар бериш Фармоннинг яна бир мухим хусусиятидир. Жумладан:

туризм операторлари улар томонидан курсатиладиган туризм хизматлари учун тушадиган **хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотишдан озод килинади** ;мехмонхоналар хорижий валютадаги тушумнинг факат 25 фоизини белгиланган тартибда мажбурий сотадилар;хорижий фукаролар томонидан мехмонхоналар хизматига хак тулаш **эркин айирбошланадиган валютада** амалга оширилади, улар учун тулов республиканинг давлат ва бюджет ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган холлар бундан мустасно;юридик шахслар **камида 4 юлдузли даражадаги мехмонхона ва мотелларни фойдаланишга топширганда** улар юридик шахсларнинг фойда солиги, ер солиги ва мол-мулк солигидан, шунингдек ягона солик туловидан 5 йил муддатга озод килинади; туризм фаолияти субъектлари томонидан сигими 9 кишидан ортик булган янги автотранспорт воситалари сотиб олинганлиги учун Республика йул жамгармасига йигим автотранспорт воситалари кийматининг максимал даражадаги 20 фоизи эмас, балки 3 фоизигача микдорда ундирилади.

Фармонда Туризмни ривожлантириш давлат кумитасига манфаатдор идоралар билан биргаликда 3 ой муддатда Узбекистон Республикасининг туризм сохасини урта муддатли истикболда ривожлантириш Концепциясини, шунингдек 2017−2021 йилларда Концепцияни амалга ошириш юзасидан аник чора-тадбирлар Дастурини Вазирлар Махкамасига такдим этиш вазифаси топширилган.

Фармонни бажариш юзасидан Узбекистон Республикаси Президентининг Туризмни ривожлантириш давлат кумитаси фаолиятини ташкил этиш тугрисидаги карори кабул килинди. Карорда давлат кумитаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йуналишлари белгилаб берилган, давлат кумитасининг ташкилий тузилмаси ва Низоми тасдикланди, шунингдек миллий туризм махсулотини хорижга намойиш килиш, туризм сохасида кадрлар тайёрлаш ва туризм хизматларини сертификатлаш буйича бир катор идоравий ташкилотлар тузилди.

Мазкур Фармонни амалга ошириш иктисодиётни баркарор ривожлантиришга, таркибий узгартиришлар ва диверсификация килишга, барча минтакаларни ва турдош тармокларни комплекс равишда илдам ривожлантиришнинг етакчи кучи булиш имкониятига эга мамлакат

иқтисодиётининг стратегик тармоги сифатида туризмни жадал ривожлантиришни таъминлашга, шунингдек Узбекистоннинг жозибадор туризм маркази сифатидаги ижобий киёфасини шакллантиришга бутун чоралар билан кумаклашади.

2017-2020 йиллар учун туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси"нинг дастлабки режаси тақдим этилди

Янги қўмита раҳбарияти билан танишув, соҳа тараққиётининг дастлабки 5 йиллик концепцияси ва хорижда туризм салоҳиятини юксалтириш дастури тақдимоти, шунингдек долзарб масалалар ва уларнинг ечимини топиш бўйича қизғин мунозаралар - Давлат Туризм қўмитасининг мажлиси ана шундай шаклда бўлиб ўтди.

Эслатиб ўтамиз, бундан аввал "Ўзбектуризм" миллий компанияси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига айлантирилгани ҳақида хабар берилган эди.

Мажлис аввалида Қўмита раҳбари Анвар Шарапов сўзга чиқди.

Тармоқлараро мувофиқлаштириш ва маркетинг тадқиқотлари бошқармаси раҳбари Абдулазиз Аккулов "2017-2020 йиллар учун туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси"нинг дастлабки режасини тақдим этди. Унда туризмни иқтисодиёт соҳаси сифатида янги даражага олиб чиқувчи фаолиятнинг асосий йўналишлари ўз аксини топган. Тадбир давомида таъкидланганидек, бугунги кунда соҳанинг Ўзбекистон ЯИМдаги улуши атиги 3 фоизни ташкил қилади - мамлакатдаги салоҳиятни инобатга оладиган бўлсак, бу жуда кичик кўрсаткич.

Иккинчи тақдимот хорижда сайёҳлик салоҳиятини тарғиб қилишга қаратилди. У "Ипак йўли" реклама агентлигининг раҳбари Фарангиз Абдуллаева томонидан тақдим этилди. Келаси йилдан сони ва сифатини кенгайтириш режалаштирилаётган қатор тадбирлар мажмуи таклиф қилинди.

Давлат туризм раҳбарияти, шунингдек, ТИВ, Сенат, Меҳнат вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бир қатор бошқа идоралар вакиллари учрашув иштирокчиларини киритилган таклифларнинг ҳеч бири эътиборсиз қолмаслигига ишонтиришди ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишга чақиришди.

2. «Туризм» тўғрисидаги Қонун

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм» тўғрисидаги Қонуни 1999 йил 20 август Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 830-И-сонли қарорига асосан қабул қилинган бўлиб, унинг мазмуни қуйида келтириб ўтилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ТУРИЗМ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, туристик хизматлар бозорини ривожлантириш, шунингдек туристлар ва туристик фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

2-модда. Туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида туризм соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

- туризм - жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши);
- турист - Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ёки бошқа мамлакатга саёҳат қилувчи (доимий истиқомат жойидан туризм мақсадида жўнаб кетган) жисмоний шахс;
- туристик фаолият - ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ саёҳатларни ва улар билан боғлиқ хизматларни ташкил этиш борасидаги фаолият;
- экскурсия фаолияти - туристик фаолиятнинг тарихий ёдгорликлар, диққатга сазовор жойлар ва бошқа объектлар билан таништириш мақсадида

олдиндан тузилган йўналишлар бўйича экскурсия етакчиси ҳамроҳлигидаги 24 соатдан ошмайдиган экскурсияларни ташкил этишга доир қисми;

- туристик ресурслар - тегишли ҳудуднинг табиий-иқлим, соғломлаштириш, тарихий-маданий, маърифий ва ижтимоий-маиший объектлари мажмуи;
- туристик фаолият субъектлари - белгиланган тартибда рўйхатга олинган ва туристик хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун лицензияси бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар;
- туристик индустрия - туристик фаолиятнинг туристларга хизмат кўрсатишни таъминловчи турли субъектлари (меҳмонхоналар, туристик комплекслар, кемпинглар, мотеллар, пансионатлар, умумий овқатланиш, транспорт корхоналари, маданият, спорт муассасалари ва бошқалар) мажмуи;
- тур - муайян йўналиш бўйича туристик хизматлар мажмуи (жой бандлаш, жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, рекреация, экскурсия хизматлари ва бошқа хизматлар) билан таъминланган аниқ муддатлардаги туристик саёҳат;
- туристик хизматлар - туристик фаолият субъектларининг жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, ахборот-реклама хизматлари кўрсатиш борасидаги, шунингдек туристларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бошқа хизматлари;
- туристик гуруҳ раҳбари - туристик фаолият субъектининг вакили бўлган ва унинг номидан иш кўриб, туристларга ҳамроҳлик қилувчи, туристик хизматлар кўрсатиш шартномаси шартларининг бажарилишини таъминловчи жисмоний шахс;
- гид (экскурсия етакчиси) - тур қатнашчиларига туристик хизматлар кўрсатиш шартномаси доирасида экскурсия-ахборот, ташкилий йўсиндаги хизматлар ва малакали ёрдам кўрсатувчи жисмоний шахс;
- туристик фаолиятни амалга ошириш учун лицензия - туристик фаолиятни амалга оширишга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи махсус рухсатнома;
- сертификат - туристик хизматлар сифатини ва уларнинг муайян стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат.

4-модда. Туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- туризм ва туристик индустрияни ривожлантириш;

- фуқароларнинг саёҳат қилиш пайтидаги дам олиш, эркин ҳаракатланиш ва бошқа ҳуқуқларини таъминлаш;
- туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни сақлаш;
- туризм соҳасидаги норматив базани такомиллаштириш;
- болалар, ёшлар, ногиронлар ва аҳолининг кам таъминланган қатламлари туризми (экскурсиялари) учун шароит яратиш;
- туристик индустрияни ривожлантириш учун инвестициялар жалб этиш;
- тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун туристик хизматлар бозорида тенг имкониятлар яратиш;
- туристларнинг хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва мол-мулки муҳофаза қилинишини таъминлаш;
- туризм соҳасининг илмий таъминотини ташкил этиш ва ривожлантириш;
- кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- чет мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг туризм соҳасидаги ваколатлари

Туризм соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

- туризмни ривожлантириш давлат дастурини тасдиқлайди;
- туристик фаолиятни лицензиялаш тартибини белгилайди;
- туристларнинг бориши тақиқланадиган объектлар ва ҳудудларни белгилайди;
- туристларнинг айрим тоифаларига имтиёзлар бериш тартибини белгилайди;
- ҳукуматлараро шартномалар тузади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилади.

6-модда. Ваколатли давлат органининг туризм соҳасидаги ваколатлари

Туризм соҳасида ваколатли давлат органи:

- туризмни ривожлантириш давлат дастурлари амалга оширилишини таъминлайди;
- туристик хизматлар инфратузилмасини шакллантиради;
- тарихий-маданий меросни тарғиб қилишни, туристик салоҳиятни сақлаш ва ривожлантиришни ташкил этади;

- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бажарилишини таъминлайди;
- халқаро туристик ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ифодалайди;
- туристик фаолият субъектларига уларнинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларда услубий ва бошқа йўсинда ёрдам кўрсатади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилади.

7-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг туризм соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари туризм соҳасида туризмни ривожлантиришнинг минтақавий дастурларини ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қиладилар.

8-модда. Туристик фаолиятни лицензиялаш

Туристик фаолият лицензия асосида амалга оширилади.

Туристик фаолиятни лицензиялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

9-модда. Туристик фаолиятни молиялаш манбалари

Туристик фаолият:

- туристик фаолият субъектларининг ўз маблағлари;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг пул бадаллари;
- заём маблағлари (облигация заёмлари ва бошқа заёмлар, банк кредитлари ва бошқа кредитлар);
- чет эл инвестициялари;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

10-модда. Туристик хизматларни сертификатлаштириш

Туристик хизматлар мажбурий сертификатлаштирилиши лозим.

Туристик хизматларни сертификатлаштириш ва сертификат бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

11-модда. Туристик саёҳат ва туристик хизматлар мажмуи

Туристик саёҳат якка тартибда ёки туристлар гуруҳи таркибида амалга оширилади.

Туристик хизматлар мажмуи транспорт хизмати кўрсатишни, яшаш, овқатлантириш, экскурсия хизмати кўрсатиш, маданий, спорт дастурларини ташкил этиш ва бошқа хизматларни ўз ичига олади.

12-модда. Туристик хизматлар кўрсатиш шартномаси

Туристик хизматлар шартнома асосида кўрсатилади.

Шартнома кўрсатиладиган хизматларнинг кўлами ва сифатини, тарафларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини, ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоблар тартибини, шартноманинг амал қилиш муддатини ва уни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликни, шунингдек тарафларнинг келишувига кўра бошқа шартларни белгилайди.

13-модда. Туристик йўлланма (ваучер)

Туристик йўлланма (ваучер) - туристнинг ёки туристлар гуруҳининг тур таркибига кирувчи туристик хизматларга бўлган ҳуқуқини белгиловчи ва бундай хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Туристик йўлланманинг (ваучернинг) шакли туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

14-модда. Туристнинг ҳуқуқлари

Турист:

- шартномада назарда тутилган туристик хизматлар мажмуидан тўла фойдаланиш;
- саёҳатга тааллуқли тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;
- шахсий хавфсизлик, ўз ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, шунингдек ўз мол-мулкининиг асралиши;
- шошилинч тиббий ёрдам олиш;
- шартнома бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда моддий зарарнинг тўланиши, шунингдек маънавий зиённинг ўрни қопланиши;
- агар турнинг умумий қиймати ошиши унинг шартлашилган қийматидан ортиб кетса, шунингдек форс-мажор ҳолатлари рўй берган тақдирда туристик фаолият субъектига етказилган зарарнинг ўрнини қопламасдан шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Турист қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

15-модда. Туристнинг мажбуриятлари

Турист:

- шартнома шартларига;
- божхона ва чегара назорати қоидаларига;
- борилган мамлакатнинг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши шарт.
- Турист қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

16-модда. Туристик фаолият субъектининг ҳуқуқлари

Туристик фаолият субъекти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристларга хизматлар кўрсатиш пайтида:

- турнинг муддати ва йўналишини, хизмат кўрсатиш даражасини, транспорт хизмати кўрсатиш турини, туристнинг хавфсизлигини таъминлаш ва унинг мол-мулкини қўриқлаш усулини туристнинг розилиги ва хоҳиши билангина ўзгартириш;
- туристнинг розилиги билан ҳамда бу хусусда тур бошланишидан камида йигирма кун олдин туристни хабардор қилиш шарти билан турнинг шартлашилган қийматини ошириш;
- хизматлар кўрсатиш мумкин бўлмаган форс-мажор ҳолатлари рўй берганда, шунингдек гуруҳни тузиш учун зарур миқдорда туристлар йиғилмаган тақдирда туристларни бу ҳақда тур бошланишидан камида йигирма кун олдин хабардор қилган ҳолда туристик хизматлар кўрсатиш шартномасини бекор қилиш;
- туристлар ёки туристларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича шериклар томонидан етказилган зарарнинг ўрни қопланишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Туристик фаолият субъекти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

17-модда. Туристик фаолият субъектининг мажбуриятлари

Туристик фаолият субъекти:

- туристларга шартномада шартлашилган хизматларни кўрсатиши;
- туристик хизматлар кўрсатилмаган ёки тўла ҳажмда ёхуд лозим даражада сифатли кўрсатилмаган тақдирда туристларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши;
- туристларга турни ташкил қилиш, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида тўлиқ ахборот бериши;
- туристик ресурслар, кўрсатиладиган объектларнинг (тарихий-архитектура ёдгорликлари, табиат объектлари ва бошқаларнинг) сақланишига кўмаклашиши;
- туристларнинг борилган жой (мамлакат) қонун ҳужжатларига риоя этишлари устидан назоратни амалга ошириши шарт.

Туристик фаолият субъекти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

18-модда. Туристларнинг хавфсизлиги кафолати

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристларнинг хавфсизлиги давлат томонидан кафолатланади.

Туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда туристларнинг ҳимоя қилинишини ҳамда хавфсизлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқади ва унинг бажарилишини ташкил этади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари туризм соҳасида барча туристик йўналишлар бўйича туристларнинг ҳимоя қилинишини ва хавфсизлигини таъминлаш минтақавий дастурларини ишлаб чиқадилар ва уларнинг бажарилишини ташкил этадилар.

Туристик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, улар жароҳатланганда, касалланганда ва бошқа ҳолларда тиббий ва ўзга хил ёрдам кўрсатиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқадилар.

19-модда. Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари

Туристик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

- туристларнинг сафарда хавф-хатардан холи бўлишлари учун шарт-шароитни, сафар, сайр, экскурсия йўллари, мусобақалар ўтказиладиган жойларнинг ободлигини таъминлашлари;
- туристларга жароҳатланиш ва бахтсиз ҳодисалардан сақланиш ҳамда уларнинг олдини олиш усулларини ўргатишлари, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан йўл-йўриқ беришлари, шунингдек белгиланган йўналишнинг хусусияти ва туристларнинг хатти-ҳаракатига боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган хавф манбалари ҳақида уларнинг ўзини хабардор қилишлари;
- туристларнинг саёҳатлар, сафарлар, мусобақалар, бошқа туристик тадбирларга тайёргарлиги устидан назоратни амалга оширишлари;
- фалокатга учраган туристларга тезкор ёрдам кўрсатишлари;
- автомобиль, тоғ чанғи, велосипед, сув, мотоцикл, пиёда сафар, ғор туризми ва туризмнинг бошқа махсус турларини ташкил этиш ва ўтказишда хавфсизликнинг алоҳида талабларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари шарт.

Туристик саёҳатларни туристлар ҳаракатланишининг фаол шаклларидан фойдаланган ҳолда ташкил этишга ихтисослашган туристик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, экстремал вазиятларда уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида хизмат кўрсатишни кўзлаб қидирув-қутқарув хизматлари билан шартномалар тузадилар. Қидирув-қутқарув хизматлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади.

20-модда. Туристларни суғурта қилиш

Туристларни суғурта қилиш мажбурийдир ва у туристик фаолият субъектлари томонидан суғурта фаолияти олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган тегишли суғурта ташкилотлари билан тузиладиган битимлар асосида амалга оширилади.

21-модда. Низоларни ҳал этиш

Туризм соҳасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

22-модда. Туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

3. Туризм соҳасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорларнинг моҳияти

Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисида 2003 йил 11 ноябрдаги 497-сон қарорига мувофиқ НИЗОМ қабул қилинди. 2014 йилда ушбу Низомга айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ўзбекистонда туризм фаолияти лицензияланади, ҳамда бу жараённи ўтказиш механизми тегишли меъёрий ҳужжатлар ва қонун билан белгиланади. Туризм бизнесини ташкил этиш учун расмиятчиликни ўзига хос хусусиятларини билиш зарур, жумладан, лицензиялаш соҳасини ва бошқа рухсатнома хилидаги ҳужжатларни мукаммал билиш талаб этилади. Қонунга кўра лицензия бериш ва уни бекор қилиш ёки унинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш, каби ҳаракатлар Вазирлар Маҳкамасининг Комиссияси томонидан қарор қабул қилинади, унинг бу борадаги ишчи органи функциясини «Ўзбектуризм» М.К бажаради. Бунда асосий талаб–лицензия тадқиқотчилари фақатгина юридик шахс бўлиши шарт. Туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи доимий муддатга берилиши мумкин.

Лицензия олиш учун давлат томонидан ўрнатилган талаблар қўйилган бўлиб, улар қаторига қўйидагилар киради:

- туризм тўғрисидаги қонунга, туризм соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси стандартлари ва халқаро стандартларга мажбурий равишда риоя қилиш;
- ҳуқуқий шахс штатида туризм соҳасида махсус таълим олган ёки туризм соҳасида 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган, камида битта

ходимнинг бўлиши. Шу тарзда туризм корхонаси тегишли билим, малака, кўникмага эга бўлган соҳа мутахассислари билан акс эттирилиши зарур;

- янги технологияни ва бошқарув тажрибасини жорий этиш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли саёҳатларни, экскурсияларни ташкил этиш ва улар билан боғлиқ хизматлар билан бевосита банд бўлган ҳуқуқий шахс ходимлари ҳар 3 йилда камида 1 марта малакасини ошириш зарур;
- шаклланган низом жамғармасида оилавий тадбиркорлик учун фақат меҳмонхона хизматларини кўрсатишда энг кам иш хақининг 10 баробар миқдорида, ички туризмда туроператорлик хизматини кўрсатиш учун энг кам иш хақининг 50 баробар миқдорида ва барча турдаги туризм фаолият билан шуғулланувчиларга энг кам иш хақининг 400 баробаридан кам бўлмаган миқдорида бўлиши керак;
- мижозлар билан ишлаш ва турмаҳсулотни ишлаб чиқиш мос равишдаги ишчанлик муҳитини талаб этиши сабабли хусусий ёки ижарага олинган хизмат биносида тегишли жиҳозларнинг мавжудлиги;
- тақдим этиладиган туризм хизматларига мувофиқлик сертификатларининг мавжудлиги, чунки бу ҳар қандай турга қонуний тус бериш ва хавфсизлик талаблари билан боғлиқдир;
- туризм хизматларини фақатгина мижоз билан Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларига мос равишда шартнома тузилгандан кейингина кўрсатиш мумкин.Бошқа ҳолатларда шартнома ҳуқуқий кучга эга бўлмайди ва суд орқали бекор қилиниши мумкин;
- чет эл давлатларига ташриф буюриш, чиқиш, киришни ўзига хос хусусиятлари тўғрисида, туристик ташриф вақтида ва ҳар бир аниқ давлатга ташриф буюришни бошқа қоидаларини ўзига хос хусусиятлари тўғрисида мукаммал маълумотларни белгиланган тартибда ҳар бир туристга етказиш;
- мижозга иш тартиби тўғрисида, унинг ҳуқуқий манзили, лицензиянинг мавжудлиги, мажбурий сертификатлашга тортиладиган хизматлар учун сертификатларнинг мавжудлиги, туризм фаолиятини аниқ йўналишларини юритиш учун жавобгор бўлган лавозимли шахсларнинг фамилияси, исми, шарифи ҳақида тўла маълумот бериш;
- туристлар хавфсизлигини таъминлаш, жароҳатланганда, бетоб бўлганда ва бошқа ҳолатларда тиббий ҳамда бошқа биринчи ёрдам кўрсатиш тизимининг мавжудлиги.

Лицензия олиш учун тегишли зарурий ҳужжатларни тайёрлашга тўғри келади уларга қўйидаги маълумотлар киради:

- ҳуқуқий шахсни ташкилий – ҳуқуқий шакллари ҳамда номи унинг жойлашган манзили (почта манзили), ҳуқуқий шахснинг амалга оширишни

мўлжаллаган фаолият турини лицензияланадиган банк муассасасининг ҳисоб – китоб рақами ва банк муассасининг номи, кўрсатилган фаолият турини амалга ошириш муддатлари кўрсатилган лицензия бериш тўғрисидаги **аризаси**;

- ҳуқуқий шахсни давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳноманинг нотариусдан тасдиқланган нусхаси;
- лицензия тадқиқотчиси томонидан лицензия тадқиқотчисининг аризасини кўриб чиқиш учун 5 карра минимал иш ҳаққи миқдорида лицензия йиғимларини ўтказганлигини тасдиқловчи **ҳужжат.** Агар тадқиқотчи томонидан берилган ариза рад қилинган ҳолатларда тўланган сумма қайтарилмайди;
- лицензия тадқиқотчисининг бинодан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда «Ўзбектуризм» МК вакиллари томонидан тузилган комиссиянинг бинони, моддий – техникавий жиҳозлангани, фаолият турини лицензиялаш талабларига жавоб беришини тасдиқловчи ва уни кўздан кечирганлиги ҳақидаги **ҳужжати;**
- шакиллантирилган низом жамғармаси миқдори тўғрисида **банк маълумотномаси;**
- мутахассисларга туризм соҳасидаги иш стажи ёки махсус таълимнинг мавжудлигини тасдиқловчи **ҳужжат** (диплом ёки меҳнат дафтарчасининг нусхаси, ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ);
- раҳбарнинг исми, шарифи, фамилияси, туғилган йили, паспорт маълумотлари, уй манзили, маълумоти, телефон рақамлари тўғрисидаги **маълумотлар.**

«Ўзбектуризм» МК томонидан қарорларни қабул қилиш жараёни қатъий аниқ белгиланган вақтда амалга оширилади, лекин амалиётда баъзан айрим кечикишлар ҳам кузатилади. Шунга қарамасдан лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарори лицензия тадқиқотчиси томонидан барча зарурий ҳужжатларни ариза билан биргаликда тақдим этгандан сўнг 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Экспертларни фикрига қараганда, бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, молиявий ва солиқ хизматларининг ўз соҳалари бўйича зарурий текширишлари билан боғликдир. Масалан, туризм соҳасидаги фаолият учун лицензия фирма – эгалари (раҳбарлари) тўғрисида маълумотлар жўнатиладиган муассасалар рўйхатига Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар Вазирлиги (ИИБ), Ташқи ишлар Вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигилари киради.

Ҳар қандай ҳолатда «Ўзбектуризм» МК 15 кун муддат ичида, тақдим этилган ҳужжатлар бўйича эксперт хулосаларини тайёрлайди, ҳужжатларни

кўриб чиқади ҳамда лицензияни бериш ёки (бермаслик) уни рад этиш тўғрисидаги таклифларини комиссияга тасдиқлаш учун тегишли қарор қилинганлиги ҳақида қарор баённомасини тасдиқлайди.

Ундан сўнг натижалар тўғрисида Миллий компания уч кун муддат ичида тадқиқотчини хабардор қилади, яъни унга банк реквизитлари кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда бевосита тақдим этади ёки жўнатади (унда давлат божини тўлаш муддати ва ҳисоб рақамлари акс этиши керак). Бир вақтнинг ўзида тадқиқотчига лицензион келишувни имзолаш учун жўнатади. Шуни қайд қилиш керакки, агар 3 ойлик муддат ичида юқорида қайд қилинган лицензиат келишуви тузилмаса ва давлат божи тўланмаган ҳолатларда ҳукумат комиссияси лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Хоразм вилоятида туристик инфратузилманинг қўшимча объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Хоразм вилоятида туристик инфратузилманинг қўшимча объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида 2013 йил 39-сонли қарори қабул қилинди.

Хоразм вилоятида туризм соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш, ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш ва реконструкция қилишга йўналтирилган қўшимча лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси, «Ўзбектуризм» миллий компанияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хоразм вилоятининг саноат салоҳиятини, инфратузилмаси ва туризм соҳасини ривожлантириш, ободончиликни ва аҳоли сув таъминотини тубдан яхшилаш бўйича комплекс дастурий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш тўғрисида» 2012 йил 25 октябрдаги Ф–3921-сон фармойиши билан тузилган Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури бўйича ишчи гуруҳ тузилган бўлиб, унга инвесторлар жаҳон стандартларига мувофиқ бўлган, камида уч юлдузли меҳмонхона даражасида муносиб хизмат кўрсатиш сифатига эга бўлган замонавий меҳмонхоналар, шунингдек давлат мулки

объектлари базасида хизматлар соҳасининг бошқа объектларини барпо этиш бўйича инвестиция мажбуриятларини ўз зиммасига оладилар;

2. Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури доирасида бузиладиган кўчмас мулк объектларини бузиш харажатларини қоплаш учун Хоразм вилояти ҳокимлигининг махсус ҳисоб рақамига йўналтириш йўли билан тақсимланади.

4. Туризм соҳасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган минтақавий дастурлар

а. Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш Дастури

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1 ноябрь 294-сонли қарори билан «2013-2015 йиллар даврида Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш» дастури қабул қилинди.

Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятини янада ошириш, минтақанинг ноёб тарихий-маданий меросидан самарали фойдаланиш, меъморчиликнинг тарихий архитектура ансамбллари ва ёдгорликлари ҳолатини яхшилаш, сайёҳлар учун меҳмонхоналар ва хизмат кўрсатиш объектлари қуриш, диққатга сазовор маданий-тарихий ёдгорликлар бўйича замонавий сайёҳлик йўналишларини шакллантириш ва жорий этиш, минтақанинг табиий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, шу асосида янги иш ўринларини ташкил этиш ва вилоят аҳолисининг даромадларини ўстириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қарор қабул қилинди.

Дастурга мувофиқ Қашқадарёда амалга оширилиши кутилаётган чора-тадбирлар:

- Ноёб тарихий-маданий мерослардан самарали фойдаланиш учун қулай шароит яратиш, тарихий архитектура ёдгорликларини сақлаш ва реставрация қилиш, қўшимча хизмат кўрсатиш объектларини қуриш, мавжудларини янгилаш, транспорт инфраструктурасини ривожлантириш, сайёҳлар ва меҳмонларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш;
- Сайёҳларни жалб қилиш тадбирларини фаоллаштириш, янги меҳмонхоналар, ресторан ва умумий овқатланиш пунктларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш, туризм соҳасида кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

- 20 дан зиёд сайёҳлик автобусларини сотиб олиш, Қашқадарё аэровокзалида йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун бизнес-зал ташкил қилиш, шунингдек, «Китоб» темирйўл станцияси биносини таъмирлаш;

- Вилоятнинг турли нуқталарида 30 дан зиёд янги отелларни қуриш, мавжудларини таъмирлаш орқали мехмонлар учун жойларни икки бараварга ошириш;

- Қашқадарёнинг асосий сайёҳлик масканлари – Шахрисабз ва унга туташ тоғли районларда (Яккабоғ, Китоб ва Шахрисабз), тарихий туризмдан ташқари, экологик ва қишлоқ туризмларини ривожлантириш, Қарши шаҳри ва Қарши туманида маданий-маърифий туризм салоҳиятидан кенгроқ фойдаланиш;

- Туристларга банк хизматини кўрсатишни яхшилаш мақсадида аэропорт, темирйўл вокзали, меҳмонхона, ресторан ва бошқа туристик объектларга банкоматлар ва терминалларни ўрнатиш;

- Яратилаётган «ВиситКашкадаря» портали орқали вилоят сайёҳлик брендини оммавийлаштириш ва тарғиб қилиш;

- Экотуризмни кенгайтириш мақсадида Миришкор туманидаги Ачинкўл қирғоғида ноёб объект - «Биологик қўриқхона» ташкил этиш;

- Яккаобод тумани Хўжаилғор қишлоғида Амир Темур оиласи тарихи ва унинг болалик даврларидан сўзловчи ноёб экспонатлар музейини ташкил этиш, Самарқанд-Шахрисабз автомагистралида оромгоҳлар, қишлоқ туризми объектлари, ҳунармандчилик устахоналаридан иборат сайёҳлик мажмуаларини қуриш;

- Мингчинор қишлоғида тоғ-чанғи базаси ва осмайўл барпо этиш, Ҳисор ва Китоб давлат геология қўриқхоналарига сайёҳларни таклиф қилишни ўрганиб чиқиш;

- Шахрисабзга келган туристларни электромобилда машҳур сайёҳлик объектлари бўйлаб саёҳатга олиб чиқиш, 2014 йилнинг июнь ойига қадар Оқ Сарой, Дорус-Саодат ва Дор-ут Тиловат тарихий ёдгорликлари бўйлаб 4та электромобил ҳаракатини йўлга қўйиш;

- 2014 йил охиригача Хўжақудуқ қишлоғида даволаш ва соғломлаштириш мажмуасини қуришни тугатиш, сайёҳларни туяларда ушбу ҳудуд бўйлаб экскурсияга олиб чиқиш;

«Ўзбектуризм» МК прогнозларига кўра, Дастурни амалга ошириш билан 2016 йилга бориб (2012 йил билан солиштирганда) хорижий сайёҳларнинг оқими 1,4 мартага кўпаяди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра дастур ижросини таъминлаш учун $101 млн.дан зиёд маблағ сарфланади.

Ўзбекистон минтақаларидаги туризм соҳсидаги инвестицион дастурларнинг молиялаш манбаларини Ўзбекистон Республикаси

Президенти томонидан қабул қилинган қарори асосида 2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастурида кўриш мумкин. Дастурга асосан, 2013-2015 йилларда жами 204 та чора-тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилиб, вилоят иқтисодиётига 97,4 млн АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб қилинди. Жумладан, унинг 11,9 млн АҚШ доллари давлат бюджети, 1,5 млн АҚШ доллари маҳаллий бюджет, 29,3 млн АҚШ доллари банк кредитларидан, 12,5 млн АҚШ доллари хорижий инвестициялар, 4,2 млн АҚШ доллари республика йўл жамғармаси маблағлари, 2,9 млн АҚШ доллари грант ва 34,9 млн АҚШ доллари тадбиркорларнинг ўз маблағларидан иборат бўлди.

Ўзбекистонда жами 2011-2014 йиллар мобайнида хукумат томонидан Хоразм, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида умумий инвестиция қиймати 260 млн. АҚШ долларига тенг бўлган туризм соҳасини ривожлантириш минтақавий дастурлари қабул қилинган ва жойларда уларнинг ижроси амалга оширилмоқда.

Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил, 39-сонли қарори билан «2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш» дастури тўғрисида қарори қабул қилинди.

Ушбу дастурда Тошкент вилоятининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, мамлакатимиз ва чет эл туристларини минтақанинг тарихий-маданий мероси билан кенг таништириш, транспорт-коммунал инфратузилма объектлари комплекси билан Чимён-Чорвоқ рекреацион зонасида янги лойиҳаларни амалга ошириш йўли билан аҳолининг дам олиши ва туризми учун шарт-шароитларни яхшилаш ҳамда янги туризм йўналишларини шакллантириш, шунингдек туризм хизматлари сифатини ошириш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш ва вилоят аҳолиси даромадлари ўсишини таъминлаш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 8 апрелдаги Ф-4038-сон фармойиши билан Ишчи гуруҳ тузилган бўлиб, унга 2013 - 2015 йиллар даврида Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастурини бажариш, 2014-2015 йиллар даврида Тошкент вилоятидаги тарихий-маданий мерос объектларини тадқиқ қилиш, консервациялаш, реставрация қилиш ва уларнинг ҳолатини яхшилаш, 2013 - 2015 йиллар даврида Тошкент вилоятида меҳмонхоналарни ҳамда бошқа туризм

инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш каби вазифалар юклатилган.

Сирдарё вилоятининг саноат салоҳиятини янада ривожлантириш, замонавий хизмат кўрсатиш ва экотуризм объектларини барпо этиш дастури

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 32-сонли “2015-2017 йилларда Сирдарё вилоятининг саноат салоҳиятини янада ривожлантириш, замонавий хизмат кўрсатиш ва экотуризм объектларини барпо этиш дастури” тўғрисида қарори қабул қилинган.

Сирдарё вилоятининг саноат салоҳиятини, биринчи навбатда, илғор юқори технологияли янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаб турганларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, мавжуд хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, вилоятда замонавий хизмат кўрсатиш ва экотуризм объектларини барпо қилиш асосида уни янада ривожлантириш, аҳолининг бандлигини таъминлаш, даромадлари ва турмуш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар Сирдарё вилоятининг саноат салоҳиятини янада ривожлантириш ва вилоятда хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилашнинг энг муҳим йўналишлари этиб белгиланган:

магистраль автомобиль йўллари бўйида йўловчиларга хизмат кўрсатувчи замонавий сервис объектларини барпо қилиш, уларда кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, вилоятда экотуризм зоналарини, Сирдарё ва мавжуд сув ҳавзалари бўйида аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши учун замонавий дам олиш масканларини ташкил этиш.

2. 2015 - 2017 йилларда Сирдарё вилоятининг саноат салоҳиятини янада ривожлантириш, замонавий хизмат кўрсатиш ва экотуризм объектларини барпо этиш дастури маъқулланган. Дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

2015 - 2017 йилларда Сирдарё вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг асосий мақсадли параметрлари;

2015 - 2017 йилларда Сирдарё вилоятининг саноат салоҳиятини янада ривожлантириш бўйича амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳаларнинг манзилли дастури;

Сирдарё вилоятида тадбиркорлик субъектларига янги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис объектларини барпо қилиш учун кичик саноат зоналари ташкил этиш мўлжалланган, кейинчалик ўлчови ўртача 0,2-0,3 гектардан ажратиб бериладиган ер участкаларининг манзилли рўйхати мувофиқ;

Сирдарё вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган лойиҳаларнинг, шу жумладан вилоят ҳудудидан ўтувчи магистраль автомобиль йўллари, Сирдарё ва мавжуд сув ҳавзалари бўйида истиқболли замонавий хизмат кўрсатиш объектларини барпо қилиш ва экотуризм зоналарини ташкил этишнинг манзилли дастурлари;

3. 2015 - 2017 йилларда Сирдарё вилоятининг саноат салоҳиятини янада ривожлантириш, замонавий хизмат кўрсатиш ва экотуризм объектларини барпо этиш дастурининг амалга оширилишини мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи таркиби тузилган.

4. Сирдарё вилоятида кичик тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи замонавий инфратузилмани ташкил қилиш бўйича 2015 йил охирига қадар қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши белгилаб қўйилган:

уч ой муддатда ушбу қарор билан амалга оширилиши режалаштирилган, шу жумладан вилоят ҳудудидан ўтувчи магистраль автомобиль йўллари, Сирдарё ва мавжуд сув ҳавзалари бўйида замонавий хизмат кўрсатиш объектларини барпо қилиш ва экотуризм зоналарини ташкил этиш лойиҳаларига ер майдонларини ажратиш чораларини кўрсин.

Сирдарё вилояти ҳудудидан ўтувчи магистрал автомобиль йўллари, Сирдарё ва мавжуд сув ҳавзалари бўйида истиқболли замонавий хизмат кўрсатиш объектларини барпо қилиш ва экотуризм зоналарини ташкил этишнинг

МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИ

Т/р	**Лойиҳанинг номи**	**Лойиҳа амалга оширилиши мўлжалланган объектлар ва ер майдонлари манзили**
Сирдарё тумани		
1.	Замонавий дам олиш масканини ташкил этиш	Сирдарё бўйида жойлашган вилоят «Ногиронлар жамияти»га қарашли фаолият юритмаётган дам олиш маскани негизида
2.	Дарёда ҳаракатланувчи ресторанга	Сирдарё бўйида вилоят «Ногиронлар жамияти»га қарашли фаолият юритмаётган

	мослаштирилган махсус катерлар тўхтайдиган жой (причал) ташкил этиш	дам олиш маскани ҳудудида
3.	Дарёда ҳаракатланувчи ресторанга мослаштирилган махсус катерлар келтириш ва ресторан хизматини йўлга қўйиш	Сирдарё бўйида вилоят «Ногиронлар жамияти»га қарашли фаолият юритмаётган дам олиш маскани ҳудудида
4.	Балиқ таомлари марказини ташкил этиш	Тошкент вилоятининг Чиноз туманидан Сирдарё устидан Сирдарё вилояти ҳудудига ўтадиган автомобиль йўли кўприги олдидаги (дарё оқимининг чап томони) бўш ер майдони
5.	Дарёда ҳаракатланувчи ресторанга мослаштирилган махсус катерлар тўхтайдиган жой (причал) ташкил этиш	Тошкент вилоятининг Чиноз туманидан Сирдарё устидан Сирдарё вилояти ҳудудига ўтадиган автомобиль йўли кўприги олдидаги (дарё оқимининг чап томони) бўш ер майдони
6.	Замонавий дам олиш масканини ташкил этиш	Сирдарё бўйида жойлашган «Тошкентметрополитени» ДУКга қарашли фаолият юритмаётган дам олиш маскани ҳудудида
7.	Дарёда ҳаракатланувчи ресторанга мослаштирилган махсус катерлар тўхтайдиган жой (причал) ташкил этиш	Сирдарё бўйида жойлашган «Тошкентметрополитени» ДУКга қарашли фаолият юритмаётган дам олиш маскани ҳудудида
8.	Йўловчиларга хизмат кўрсатувчи мажмуа (кемпинг) ташкил этиш	«2513-сон автокорхона» МЧЖ ҳудудидаги фойдаланилмаётган бўш ер майдони ҳудудида
9.	Балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан савдо қилиш марказини ташкил этиш	Сирдарё тумани «Чолтўқай» ҚФЙ, «Зиёкор» МФЙдаги «Аукцион бозори» МЧЖ ҳудудида
10.	Республика ҳудудларида жойлашган тарихий обидаларнинг кичик макетлари жойлаштирилган «Ўзбекистон» боғини ташкил этиш	Сирдарё вилояти ҳокимлиги томонидан ажратиладиган ер майдонида
11.	Осиё мамлакатларини акс эттирувчи	Сирдарё вилояти ҳокимлиги томонидан ажратиладиган ер майдонида

	монументлардан иборат бўлган «Осиё» боғини ташкил этиш	
12.	Замонавий умумий овқатланиш ва дам олиш маскани ташкил этиш	Сирдарё тумани «С.Раҳимов» ҚФЙда жойлашган «Чеҳра» умумий овқатланиш шохобчасининг бўш турган бинолари
Мирзаобод тумани		
13.	Йўловчиларга хизмат кўрсатувчи мажмуа (кемпинг) ташкил этиш	Мирзаобод туманининг Янгиер шаҳри билан чегарасидаги дўнгликда жойлашган дарахтзор ҳудуди
14.	Замонавий умумий овқатланиш шоҳобчасини ташкил этиш	Мирзаобод туманининг Янгиер шаҳри билан чегарасидаги дўнгликда жойлашган дарахтзор ҳудуди
15.	«Балиқ маркази»ни ташкил этиш (дам олиш маскани, балиқ ови уюштириш ва балиқ таомлари тайёрлаш)	Мирзаобод тумани балиқчилик хўжалиги («Янгиер балиқ» МЧЖ) ҳудудида
16.	Йўловчиларга хизмат кўрсатувчи мажмуа (кемпинг) ташкил этиш	Мирзаобод тумани ҳудудидаги «Абай» ташлама канали (коллектор) бўйидаги бўш ер майдонида
17.	Йўловчиларга хизмат кўрсатувчи мажмуа (кемпинг) ташкил этиш	Мирзаобод тумани ҳудудидаги «М-39» магистрал йўли бўйидаги бўш ер майдони
Оқолтин тумани		
18.	Йўловчиларга хизмат кўрсатувчи мажмуа (кемпинг) ташкил этиш	Оқолтин тумани «Фарғона» СИУ «А-373» магистрал йўлининг 919 кмдаги бўш ер майдонида
19.	Европа мамлакатларини акс эттирувчи монументлардан иборат бўлган «Европа» боғини ташкил этиш	Оқолтин тумани «А.Тоиров» СИУ «Шодлик» ҚФЙ «А-373» магистраль йўлининг 14 кмдаги бўш ер майдони
Сайхунобод тумани		
20.	Замонавий умумий овқатланиш шохобчаси ташкил этиш	Гулистон-Оҳангарон автомобиль йўлининг «Робот» МФЙдан ўтувчи йўлнинг чап томонидаги бўш ер майдонида
21.	Йўловчиларга хизмат кўрсатувчи мажмуа (кемпинг) ташкил этиш	Гулистон-Оҳангарон автомобиль йўлининг «Ёшлик» МФЙдан ўтувчи йўлнинг чап томонидаги бўш ер майдонида
22.	Замонавий дам олиш масканини ташкил этиш	Сайхунобод тумани, «Ровот» ҚФЙда
Сардоба тумани		
23.	Кичик пансионатлар	«Сардоба» сув омборининг «Гулистон»

	ташкил этиш	ҚФЙ
24	Қисқа муддатли дам олиш масканларини ташкил этиш	«Сардоба» сув омборининг «Гулистон» ҚФЙ
Гулистон шаҳри		
25.	«Ўзбек» чойхонасида замонавий умумий овқатланиш шохобчасини ташкил этиш	«Дўстлик» каналининг ўнг ва чап томонларидаги бўш ер майдонларида
26.	«Европача» кафесида замонавий умумий овқатланиш шохобчасини ташкил этиш	«Дўстлик» каналининг ўнг ва чап томонларидаги бўш ер майдонларида
27.	«Корейсча» кафесида замонавий умумий овқатланиш шохобчасини ташкил этиш	«Дўстлик» каналининг ўнг ва чап томонларидаги бўш ер майдонларида
28.	«Ёзги эстрада» томошагоҳи ташкил этиш	«Дўстлик» каналининг ўнг ва чап томонларидаги бўш ер майдонларида
29.	«Аквапарк» ташкил этиш	«Дўстлик» каналининг ўнг ва чап томонларидаги бўш ер майдонларида
Гулистон тумани		
30.	Замонавий дам олиш маскани ташкил этиш (балиқ ови уюштириш ва балиқ таомлари тайёрлаш)	Гулистон тумани, «Ўзбекистон» СИУ ҳудудида
31.	Дарёда ҳаракатланувчи ресторанга мослаштирилган махсус катерлар тўхтайдиган жой (причаль) ташкил этиш	Сирдарё дарёси бўйида «Электроаппарат» ОАЖга ажратилган ҳудудида
Ховос тумани		
32	8 та кичик пансионатлар ташкил этиш	«Сардоба» сув омборининг Чаманзор ҚФЙ, Эргаш Каҳҳор СИУ
33	2 та қисқа муддатли дам олиш маскани ташкил этиш	«Сардоба» сув омборининг Чаманзор ҚФЙ, Эргаш Каҳҳор СИУ

3-Мавзу: «Мутахассисликка кириш» фанини ўрганишда туризм ва меҳмонхона хизматларининг ўрни

Режа:

1. «Хизмат» тушунчасининг моҳияти ва иқтисодиётдаги ўрни
2. Туризм хизматларини ривожлантириш хусусиятлари
3. Меҳмонхона хўжалиги хизматларининг турлари

1. «Хизмат» тушунчасининг моҳияти ва иқтисодиётдаги ўрни

Хизматлар соҳаси халқ хўжалиги мажмуининг таркибий қисми бўлиб, иқтисодий муносабатлар умумий тизими таркибига киради ва жамиятдаги мавжуд иқтисодий қонунларга бўйсунади. Ҳозирги кунда тармоқларнинг халқаро таснифида улар уч секторга бўлинади: бирламчи (қишлоқ хўжалиги, қазиб олиш саноати), иккиламчи (қайта ишлаш саноати) ва учламчи (хизматлар соҳаси ёки ижтимоий соҳа).[2]

Бугунги кунга келиб иқтисодий адабиётларда хизматлар соҳасининг чегаралари тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Жумладан, ушбу соҳага маиший хизматлар, йўловчи транспорти хизматлари, алоқа хизматлари, турар жой коммунал хизматлари, таълим, маданият, санатория-соғломлаштириш, ҳуқуқ соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий бир-бирига ўхшаш хизматлар киради.

Ҳозирги пайтда адабиётларда хизматнинг турли тарифлари мавжуд.

Хориж олимларидан Ф.Котлернинг[3] таклифи бўйича хизматлар шахсий эҳтиёжларга йўналтирилган, шахсий хизматлар бозорига ажратган ва корхоналар эҳтиёжларига йўналтирилган хизматларни эса корхона хизматлар бозорига ажратиб кўрсатади. Хизмат кўрсатишни тақдим этиш даромад олишни кўзлаши ёки нотижорат тавсифига ҳам эга бўлиши мумкин. Хизматларга одатда моддий қимматни яратмайдиган фойдали фаолиятнинг барча турларига айтилади.[4]

Мамлакатимиз олимлари томонидан хизматларга бир қанча таърифлар берилган ва таснифланган. Бунда хизматлар таснифининг объекти бўйича қуйидагича бўлинади:

– хизматларни ишлаб чиқиш бўйича – моддий ва номоддий;

---

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. **– Т.: Иқтисодиёт. -** 2012**.** – 282 бет.

[3] Котлер Ф., Боуэн Дж, Майкенз Дж. Маркетинг. Гостеприимство и туризм: Учебник для вузов: Пер. с англ. Под ред. Р.Б. Ноздревой. – М.: ЮИИТИ, 1998. -787 с.

[4] Маркова В.Д. Маркетинг услуг. – М.: Финансы и статистика, 2006**.** -128 с.

– хизматларни амалга ошриш соҳалари бўйича – ишлаб чиқариш, касбий, истеъмоллик ёки оммавий, ижтимоий;

– хизматларнинг сезилиши – инсонга йўналтирилган сезиб ҳаракат қилиш, товар ва бошқа жисмоний объектларга йўналтирилган сезиб ҳаракат қилиш, инсон онгига йўналтирилган сезилмайдиган ҳаракат, сезилмайдиган активлар билан сезмайдиган ҳаракат;

– хизматлар истеъмолчилари сегменти бўйича– ишбилармонлик ва шахсий ;

– хизматнинг тавсифи бўйича – кундалик эҳтиёж хизматлари, узоқ муддатли хизматлар, махсус ассортиментли хизматлар;

– хизмат кўрсатадиган ташкилот тури бўйича – тижорат ва нотижорат ташкилотларининг хизматлари;

– хизмат етказиб берувчи ва истеъмолчи жойлашиши бўйича – халқаро, давлат, минтақавий ва маҳаллий.

Бизнинг фикримизча «хизматлар бу иқтисодий фаолиятнинг кенг тарқалган турларидан бир бўлиб, унинг натижаси эса инсоннинг турли талабларини қондира оладиган фойдали ижтимоий-иқтисодий самарага қаратилган бўлади».

Хизматлар тушунчаси бугунги кунда шаклланиш ва стандартлаштириш босқичидадир, чунки жамиятда янги эҳтиёжлар пайдо бўлиши сабабли доимий равишда янги хизмат турлари ҳам вужудга келмоқда.

Хизматлар соҳаси ривожланишининг ҳозирги вақтдаги асосий хусусияти унинг технологик ва такрор ишлаб чиқаришнинг моддий ишлаб чиқариш билан бўлган ўзаро боғлиқликнинг кучайиши, хизматларнинг жамият ҳаётининг барча жабҳаларига кириб боришидан иборат. Айнан шу билан хизматлар соҳасининг иқтисодиётдаги ва турмуш сифатини ошириш муаммоларини ҳал қилишдаги тутган ўрни намоён бўлмоқда.

2. Туризм хизматларини ривожлантириш хусусиятлари

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси жадал суръатларда ривожланиб, миллий маҳсулотдаги улуши бўйича иқтисодиётининг бирламчи ва иккиламчи секторларидан анча ажралмоқда. Ўртача олганда энг ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония ва бошқалар) ЯИМдаги хизматлар улуши 66%дан 86% гача бўлган кўрсаткични беради. Транспорт, савдо, туризм ва меҳмон қабул қилиш соҳалари тезкор ривожланиб бормоқда.

Аввало, инсон ҳаётининг барча жиҳатларининг ахборотлашуви билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар туфайли хизмат кўрсатиш соҳасидаги ижобий

томонга ўзгаришлар давом этмоқда. Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш фаолиятининг инновацион таркиби ўсиб бормоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасининг кенгайиши – бу ишлаб чиқариш ривожланётганлигининг муҳим омили бўлиб, замонавий корхона фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш жараёнида хизматлардан оқилона фойдаланишга боғлиқдир.

Жаҳон иқтисодиёти тараққиётининг замонавий тенденциялари хизмат кўрсатиш соҳаси таъсирининг мунтазам ўсиб бораётгани ҳамда унинг ишлаб чиқариш соҳасига боғлиқлиги қисқариб бораётганидан далолат бермоқда. Хизматлар халқаро савдосининг тузилмаси юқори технологиялар (коммуникация, компьютер ва ахборот хизматлари), туристик ҳамда молиявий хизматлардан ташкил топган.

Ишлаб чиқариш сектори ўз ичига қазиб чиқариш ва қайта ишлаш саноатини, қурилиш, қишлоқ хўжалиги кабиларни олади, хизмат кўрсатиш сектори эса улгуржи ва чакана савдони, транспорт корхоналари ва биржаларни, маслаҳат берувчи, кредит ҳамда суғурта компаниялари, ярмакалар ва кўргазма мажмуаларини, таълим ва илмий муассасаларини, туристик фирмалари, меҳмонхоналар, ресторанлар, телекоммуникацияларни қамраб олгандир.

Ушбу икки соҳа орасида рақобат мавжуд эмас, чунки улар яхлит бир бутуннинг бир-бирига ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсирда бўлган қисмларидир. Мамлакат иқтисодиётидаги секторларнинг ўзаро муносабати жамият ривожининг даражасиги боғлиқ. Моддий ишлаб чиқариш соҳасидан ресурсларнинг хизмат кўрсатиш тармоқларига кўчиши умумжаҳон тенденциясига айланиб бормоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати замонавий иқтисодиёт ривожланиш даражасининг кўрсаткичига айланди. Турли мамлакатларнинг хизмат кўрсатиш тармоқларида банд бўлган ишчи-ходимлар сони бошқа соҳалардаги меҳнаткашларнинг умумий миқдоридан юқоридир. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиш суръати жаҳоннинг барча мамлакатларида ишлаб чиқариш соҳаси ўсиш суръатидан икки кара тезроқ. Охирги бир неча ўн йилликларда деярли барча мамлакатларнинг иқтисодиёт тизимида туб ўзгаришлар юз берди. Саноатлашган мамлакатларда хизмат кўрсатиш сектори миллий ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида 60-70%ни ташкил этади.

Жаҳон хизмат кўрсатиш соҳасида туризм хизматлари сўнгги йилларда ижобий ўсиш суръатларини мустаҳкамлаб, бутун дунё иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Геосиёсий ва иқтисодий таҳдидларга қарамасдан, 2010 йилдан буён халқаро саёҳатлар сони йилига ўртача 5 фоизга ошди. Бу тенденция

иқтисодиёт ривожига, шунингдек, экспорт ҳажми ва иш ўринларининг кўпайишига ижобий таъсир кўрсатди.

Туризм хизматлари бугунги кунда муҳим ижтимоий, иқтисодий ва маданий омиллардан бирига айланди. Иқтисодиётнинг ушбу секторида умумий даромад ҳажми триллионлаб долларни ташкил этиб, ҳар йили бутун дунёда бир миллиарддан зиёд киши саёҳат қилмоқда. Жаҳон ялпи маҳсулотида туризм хизматларининг улуши 9%ни ташкил этгани ҳолда, янги ташкил этилаётган ҳар 11 иш ўрнининг биттаси ушбу соҳага тўғри келмоқда.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг аҳволи ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил қиладиган етакчи халқаро ташкилотлар (мисол учун, Бутунжаҳон тижорат (савдо) ташкилоти, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти) хизмат кўрсатиш соҳасининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири сифатида туризмга алоҳида эътибор қаратимоқдалар.

Туризмнинг иқтисодий роли қуйидагича таърифланади: хизматлар жаҳон экспортининг 29% ва товарлар ҳамда хизматларнинг умумий экспортининг 6% халқаро туризмга (саёҳатлар ва йўловчи транспортига) тўғри келади. Экспортнинг тармоғи сифатида туризм жаҳонда нефть, кимёвий, озиқ-овқат ва саноатининг автомобил соҳаларидан кейин бешинчи ўринни эгаллаган, аммо кўплаб ривожланган мамлакатларда биринчи ўринда туради.

Одатда туристик хизматлар икки турга бўлинади[5]:

Асосий ва қўшимча туристик хизматларнинг бир-биридан фарқли томонлари қуйидагилардан иборат:

1. Асосий хизматлар (ташиш, жойлаштириш, овқатлантириш) турпакетга киритиладиган хизматлардир. Қўшимча туристик хизматлар эса турпакетга киритилмайди;

2. Асосий туристик хизматлар олдиндан сотиб олинган (саёҳатни бошлашдан олдин) яъни тўлов олдиндан амалга оширилган бўлади. Қўшимча туристик хизматларда тўлов – хизматдан фойдаланиш жараёнида турист томонидан қўшимча тўлов сифатида амалга оширилади.

Аммо индивидуал турист ҳеч қандай дастур (турпакет)сиз саёҳат қилганда, унинг асосий ва қўшимча туристик хизматлар тўлови бир хил кўринишда амалга оширилади.

---

[5] И.С. Тухлиев, Р. Ҳайитбоев, Б.Ш. Сафаров, Г.Р.Турсунова. Туризм асослари. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги. –Тошкент, 2014,-388 б.

Юқоридаги фарқлардан келиб чиққан ҳолда, қўшимча туристик хизматлар деганда турпакетда назарда тутилмаган, турист ўзининг қўшимча тўлови асосида фойдаланадиган хизматлар тушунилади.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти қўшимча туристик хизматларнинг 400 хил турини келтириб ўтган. Қўшимча туристик хизматларнинг аҳамияти шундаки, унда турист юзага келган эҳтиёжларини тўлақонли қондиради, маълум бир вазифаларни бажаришда ўзини уринтирмайди (масалан: меҳмонхонада яшаётганида кийимини тозалаш ёки дазмоллаш учун меҳмонхона ходимларига мурожаат қилади). Турист қўшимча туристик хизматлар туфайли тўла дам олишга эришади. Натижада ўз саёҳатидан кўнгли тўлади.

Қўшимча туристик хизматлардан турист икки хил вазиятда фойдаланади:

- турпакетнинг танаффус қисмида ёки турист бўш қолган вақтда фойдаланадиган хизматлар (масалан: кечқурин Регистон майдонида намойиш этиладиган овозли ва нурли панораманинг томошаси).

- асосий хизматлар кўрсатилиши давомида ёки турист эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда фойдаланадиган хизматлар (масалан: қўшимча гид хизмати).

Туристга биринчи вазиятдаги қўшимча туристик хизматларни кўрсатиш учун қуйидагиларга эътибор бериш керак:

− туристлар қизиқишларини инобатга олиб, иложи борича туристларга фақат яхши кайфият бағишлайдиган қўшимча хизматлар тақдим этиш ўринли ҳисобланади. Шу ўринда бу хизматлар туристга ижобий таассурот қолдира олиши керак. Масалан: ўзбек миллий тўйларига ва оилаларга олиб бориш, туристни миллий концерт, фестивалларга таклиф этиш. Бунинг учун Республикада туристларга хизмат қиладиган миллий ансамбл гуруҳларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

− турист учун янгилик бўлган ва бундай вазиятга олдин дуч келмаган қўшимча туристик хизматларни кўрсатиш. Масалан: Самарқандда бир – бирига масофа жиҳатидан яқин жойлашган ёдгорликлар (Амир Темур мақбараси, Регистон майдони, Бибихоним масжиди, Шоҳизинда ансамбли ва бошқалар) га саёҳат қилишда туристларни туя, от-араваларда олиб бориш чуқур таассурот қолдирувчи хизматлардир. Бунинг учун шу ёдгорликлар жойлашган ҳудудда пиёда туристик йўлаклар ташкил этиб, туристик-томоша ҳудудига айлантириш керак.

− туристларни миллий урф – одатлар ва анъаналар билан таништириш орқали миллий ҳунармандчилик ва касаначилик жараёнларида бевосита қатнашишини ташкил этиш. Ёки ўзбек миллий таомларининг пиширилиш

жараёнини томоша қилиш каби хизматлар кўрсатиш. Бунинг учун мамлакатимизда ҳунармандчилик, касаначилик ва миллий ошхоналарни туризм соҳасига жалб қилиб, бу соҳаларни ривожлантириш.

Туристга иккинчи вазиятдаги қўшимча туристик хизматларни кўрсатиш учун қуйидагиларга эътибор бериш керак:

− меҳмонхоналардаги қўшимча туристик хизматларни ривожлантириш. Бу хизматларга: номерга таом ёки меҳмон буюртмаларини етказиб бериш хизмати, кийим тозалаш ва дазмоллаш хизмати, сейф хизмати, телефон, интернет, почта хизматлари, тренажор зали хизмати, бассейн (очиқ ёки ёпиқ), массаж, сауна, сартарош хизмати, техникани таъмирлаш хизмати, валюта айрибошлаш хизмати, ижара хизмати ва бошқалар.

− овқатланиш корхоналарида қўшимча туристик хизматлар махсус турист буюртмаси ва танловига асосан кўрсатиладиган хизматлардир.

Қўшимча туристик хизматлардан турист кетма-кет равишда ҳам фойдаланиши мумкин. Яъни, турист бўш вақтида шаҳардан ташқарига тоғли манзараларни кўриш учун борганда у валюта алмаштириш хизмати, автомобил ижара хизмати, қўшимча овқатланиш хизмати (шаҳардан ташқарида) дан кетма – кет фойдаланади. Хулоса қилиб айтганда, қўшимча туристик хизматлар нафақат ташкил қилиниши ва таклиф қилиниши, балки сифатли ва фойдали равишда кўрсатилиши керак бўлади.

Хизматлар уларни моддий шаклдаги товар (маҳсулот)лардан фарқлаб турувчи тўрт хусусиятга эга: Буларга

1. Сезилмаслик. Туристик хизматлар моддий маҳсулот бўлиб ҳисобланмайди. Улар ижтимоий – маданий (номоддий) соҳаларга тегишли бўлади, чунки истеъмолчини ижтимоий-маданий хизматларга бўлган эҳтиёжини жисмоний, этник-интеллектуал, маънавий ва ҳ.к. эҳтиёжини қондириш бўйича хизматларни ижро этувчилар фаолияти аниқлайди. Уларни ҳарид вақтида кўз билан кўриш ёки ушлаб кўриш мумкин эмас. Бундай хизматлар объекти бўлиб, шахсан истеъмолчи (турист) ҳисобланади.

2. Сервисни ва истеъмолчини ўзаро боғлиқлиги. Хизматлар жараёни истеъмолчи ва уни ҳосил этувчиларнинг ўзаро таъсири натижасидан ташкил топганлиги сабабли, туристик хизматларни кўрсатиш жараёни (ишлаб чиқариш) истеъмол билан бирга параллел равишда юз беради. Маълумки, моддий шаклда товарларни ишлаб чиқариш, уни сотувидан олдин амалга оширилади, фақат ундан кейингина истеъмол жараёни бошланади. Муҳим хусусиятларидан яна бири бу туристик товарлар ва хизматлар истеъмоли фақатгина истеъмолчини, яъни туристни унинг ишлаб чиқилган жойига олиб борилган ҳолдагина амалга оширилади. Оддий товарлар ва хизматлар истеъмоли эса тескариси, яъни ишлаб чиқилган

маҳсулот жойидан қатъий назар тайёр бўлгач, истеъмолчи уни шу ернинг ўзида истеъмол қилиши мумкин.

3. Сақланмаслик. Туристик хизматларнинг сақланмаслиги (сақлаш мумкин эмаслиги). Туристик хизматларнинг ҳаётий сикли моддий товардан тубдан фарқ қилади, хусусан сақлаш босқичининг мавжуд бўлмаганлиги билан туристик хизматларни сақланмаслиги бозор конъюктурасини яхшилаб ўрганишни, талаб ва таклифни мутаносиблигини талаб этади, чунки хизматлар талаб бўлмагунга қадар «омборларда» туриб қоладиган маҳсулот эмас.

4. Сифатнинг доимий эмаслиги (хизматлар сифати кўп ҳолларда манбанинг ҳолати, хизмат кўрсатувчининг малакавий тажрибаси, кайфиятига боғлиқ бўлади). Меҳмондўстлик соҳасидаги хизматлар ўзининг ўзгарувчанлиги билан ажралиб туради. Бундай ўзгарувчанликнинг бир неча сабаблари мавжуд. Биринчидан, бундай турдаги хизматлар бир вақтнинг ўзида кўрсатилади ва қабул қилинади, бу эса уларнинг сифатини назорат қилиш имкониятини чеклайди.

Умуман барча хизматларни иккита катта гуруҳга бирлаштириш мумкин: «Моддий» ва «номоддий». Моддий хизматларни ишлаб чиқаришдаги меҳнат маҳсули моддий шаклдаги қандайдир нарса бўлади (масалан кийим тикиш бўйича ателье, уй-жой қурилишдаги қурилиш компаниялари хизматлари ва ҳоказо).

Номоддий хизматлар – ҳуқуқшунослар, ўқитувчилар, тиббий ходимлар, туристик компаниялари ва бошқаларнинг хизматларидир.

Хизматларни ишлаб чиқарувчилар даромад олишни мақсад қилиб олганлигига боғлиқ ҳолда хизматлар тижорат ва нотиржорат хусусиятларига эга бўлади. Масалан, меҳмонхоналар даромад олиш мақсадида ташриф буюрувчиларга жойлаштириш хизматларини тақдим этса, уйсизлар учун бошпаналар нотижорий асосдаги хайрия ташкилотлари сифатида фаолият кўрсатади.

Хизматларнинг яна бир таснифий белгиси (хусусияти) хизмат истеъмолчисининг хизмат кўрсатилаётган пайтдаги иштироки зарурияти ҳисобланади. Масалан, шифокор ёки сартарош ўз хизматларини фақатгина бемор ёки мижоз иштрокида кўрсатиши мумкин, кир ювиш ёки автотаъмир устахоналари хизматларини амалга оширишда буюртмачининг иштироки талаб қилинмайди.

XX асрнинг иккинчи ярмида истеъмолчилик психологиясининг ўзгариши юз берди, сайёрамиз аҳолисининг турмуш сифати ва таълим даражаси ўсди, бу эса улар амалга ошириётган сафарларнинг кўпайишига ҳамда саёҳатларга эҳтиёжлар ошишига олиб келади. Натижада хизмат

кўрсатиш соҳасининг янги, жадал ривожланаётган тармоғи – туризм юзага келди.

Туризм хизмат кўрсатиш соҳасида алоҳида ўрин эгаллаган, ўз моҳиятига кўра туристик хизматлари кўп компонентлидир, туристик маҳсулотнинг ўзи эса мутлақо фарқли фаолият турларини амалга оширувчи корхоналар фаолиятининг натижаларини бирлаштиради.

Кенг маънода, айтиш мумкин-ки, туристик секторга хизмат кўрсатиш соҳасининг барча тармоқлари реклама-ахборот, транспорт, тижорат, меҳмон қабул қилиш, давлат ташкилотлари ва банклари хизматларидан бошлаб таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва маданият соҳаларигача киради.

Туризм ва меҳмон қабул қилиш саноатини туристларга уларнинг туристик эҳтиёжларини қондириш мақсадида хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ҳар турли соҳаларни бирлаштирувчи алоҳида тармоқлараро мажмуа сифатида тавсифлаш мумкин. Бунда хизматалар соҳасида туристик тармоғи марказий ўрин эгаллаб, бу хизмат кўрсатишнинг барча секторлари билан ўзаро чамбарчас боғлиқлиги ва юқори даражадаги бутлигидагн келиб чиққандир.

Туристик хизматлар инсонларнинг хордиқ ва бўш вақтдаги ҳамда хизмат мақсадларидаги саёҳатларнинг ҳар хил турларидаги ранг-баранг, доимо ўсувчи ва ўзгарувчи эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

Шундай қилиб, туристик хизматлар–бу туризм ва меҳмон қабул қилиш соҳасидаги корхона ҳамда ташкилотлар истеъмолчиси (турист)нинг туристик эҳтиёжларини қондириш бўйича фаолиятининг маҳсулидир.

Ҳар хил турдаги туристик хизматларнинг йиғиндиси (мажмуи) «туристик маҳсулот» тушунчасини ҳосил қилади. Турмаҳсулот – жадал ривожланаётган категория, вақт ўтиш билан унга туристлар эҳтиёж сезаётган янги хизмат турлари қўшила боради.

Туристик хизматлар тўла-тўкислиги ва уларни ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол қилиш жараёнидаги иштирокчилар катта миқдорини эътиборга олиб, кўпгина хизматлар учун умумий ҳисобланган хусусиятлари ва туристик хизматларининг ўзига хослиги , хизматларининг умумий ва фарқли қирралари 1 жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Туристик хизматларининг ўзига хос хусусиятлари

№	Хусусияти	Хизматлар	Туристик хизматлар
1	Ҳис қилиб бўлмаслик (моддий шакл мавжуд эмаслиги) (номоддийлик)	Хизматни ҳис қилиб бўлмаслик уларнинг таъмини тотиш, ушлаб, кўриш ёки эшитиш хизматларни бевосита ишлаб чиқариш ва тақдим этишгача имконсизлигида ифодаланади. Истеъмолчи олдиндан хизматларнинг истеъмолчилик хусусиятларини баҳолай олмайди.	Турни харид қтлаётган пайтда истеъмолчи моддий шаклдаги ҳеч қандай товарни қўлга киритмайди, у сотиб олмайди, у шунчаки тургa ҳуқуқларни тасдиқловчи олди-сотди шартномасини тузади. Саёҳат тугаганидан сўнг туристда хотиралар ва таассуротлардан бошқа ҳеч нима қолмайди. Шу билан бирга туристик хизматлар мажмуавийлигини ҳисобга олиб, таркибий қисмлардан айримлари моддий хусусиятга эга бўлиши мумкин (совға-эсдалик маҳсулоти, сафар чоғидаги овқатланиш)
2	Якуний истеъмолчига яқинлик	Истеъмолчилар индивидуаллигининг ўсиши билан хизматларнинг кўплаб турлари юқори алоқадор, талаблар асосида яратилувчан бўлади.	Туристик хизматлар юқори алоқадорлик даражасига эга. Улар буюртмачи, истеъмолчи иштирокини талаб қилади.
3	Хизматлар, қоида бўйича, ишлаб чиқарувчидан ажралмасдир	Хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш замон ва маконда мос тушгани боис, аксарият хизматлар ишлаб чиқарувчидан ажралмасдир.	
4	Сақлаш ва ташиш (жўнатиш) имконсизлиги	Хизматларни кейинчалик амалга ошириш мақсадида сақлаб ва ташиб	Турист томонидан тур ҳуқуқини харид қилиш ва туристик саёҳат орасидаги замоний узилиш туристик

		бўлмайди. Ишлаб чиқарувчилар вақт омилини (талабнинг мавсумийлигини) ҳисобга олишлари, шунга кўра , улар хизматлар бозоридаги талаб ва таклифни мослаштириш бўйича алоҳида чоралар ишлаб чиқаришлари зурур.	хизматларнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Аммо туристик маҳсулотнинг таркибий қисмлари (меҳмонхоналар ва ресторанлар, гидлар, экскурсиячилар хизматлари) бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарилади ва истеъмол қилинади.
5	Хизматлар сифатининг ўзгарувчанлиги	Кўпгина хизматлар жонли ва юқори алоқавий бўлганлиги сабабли, уларнинг сифати кўп жиҳатдан албатта ижрочига боғлиқдир. Хизматларни ишлаб чиқарувчилар тақдим этилаётган хизматларнинг доимий сифатийлигини таъминлай олмайдилар	Туристик хизматларнинг сифати нафақат туристик компанияга, балки туристга хизмат кўрсатувчи албатта ходимга боғлиқ, худи шундай меҳмон қабул қилиш тармоқларидаги хизмат сифатига ҳам шу омил таъсир қилади.

Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

3. Меҳмонхона хўжалиги хизматларининг турлари

Турар-жой билан таъминлаш (жойлпштириш) хизматлари туризм индустриясининг асосий элементи бўлиб, бу ҳол айнан миллий иқтисодиётнинг чегарадош (сарҳад) тармоқларига таъсирнинг самарасини ошириш хусусиятига эга. Меҳмонхона хўжалигини туризм тараққиёти омиларидан бири ва туристик маҳсулотни ишлаб чиқариш режаси учун илк асос сифатида қаралади. У минтақада инвестицион сиёсатнинг устувор йўналишларини режалаштиришда туристик маҳсулот ишлаб чиқариш учун асос ҳисобланиб, минтақада туризм ривожининг ўзига хослигини белгилайди.

Ўзбекистонда меҳмонхона хўжалигининг ривожига, айниқса,ҳозирги кунда унинг халқаро меҳмонхона бизнесига қўшилиш муносабати билан

улкан аҳамият берилмоқда, чунки бу хўжалик маҳаллий аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди, миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига ижобий таъсир кўрсатади. Қатор мамлакатларда меҳмонхона бизнеси давлат бюджетига валюта келиб тушишининг энг муҳим манбаи ҳисобланади. Бундан ташқари алоҳида олинган бир мамлакатда унинг фаоллиги халқаро инвестицион капиталга йўл очиб, жаҳон иқтисодиётига чуқур кириб боришига кўмаклашади. Шу тарзда, меҳмонхона бизнеси унинг тузилмавий қайта қурилишини қувватлаб, инновацион миллий иқтисодиётга ўтишда муҳим роль ўйнаши мумкин ва бу ҳозирги вақтда Ўзбекистон учун ўта аҳамиятлидир, чунки унда, ўлкан рекреацион имкониятлар ҳамда хорижий туристлар оқимининг ўсишига қарамасдан меҳмонхона саноати халқаро стандартлардан анча орқада.

Меҳмонхонада тақдим этилаётган хизматлар кўп жиҳатдан меҳмонхонанинг мунтазам даромади ва меҳмонхона ишини кенгайтириш имкониятлари билан белгиланади. Функционал масалада аҳолига кўрсатиладиган хизматлар моддий ва ижтимоий-маданийга ажратилади.

Моддий хизматлар – бу хизматлар истеъмолчисининг моддий-маиший эҳтиёжларини қондириш бўйича хизматлардир. Моддий хизматлар маҳсулотларининг истеъмолчилик хусусиятларининг ўзгаришини ёки фуқаролар буюртмасига биноан янги маҳсулотлар тайёрланишини ҳамда юклар ва одамлар ташишни, истеъмол учун шароит яратилишини таъминлайди. Хусусан, моддий хизматларга маҳсулотларни тайёрлаш ва таъмирлаш билан боғлиқ маиший хизматлар, уй-жой коммунал хизматлар, умумий овқатлантириш хизматлари, транспорт хизматлари ва бошқалар тегишли ҳисобланиши мумкин.

Ижтимоий-маданий хизматлар бу маънавий, ақлий эҳтиёжларни қондириш ва истеъмолчининг меъёрий ҳаётий фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича хизматлар. Ижтимоий-маданий хизматлар шахс саломатлигини қувватлаш ва тиклаш, унинг жисмоний ва маънавий ривожини, касбий маҳорати ошишини таъминлайди. Тиббий хизматлар, маданият, туризм, таълим ва бошқа соҳалардаги хизматларни ижтимоий-маданий хизматлар қаторига киритиш мумкин.

Сифат масаласи меҳмонхона хизматларининг ишлаб чиқарилиши ва истеъмолида энг муҳим роль ўйнайди. Хизмат сифати-хизматнинг ўрнатилган ёки кўзда тутилган истеъмолчи эҳтиёжларини қондириш қобилиятини белгиловчи хусусиятлари йиғидисидир.

Хизмат кўрсатиш сифати истеъмолчининг ўрнатилган ёки кўзда тутилган эҳтиёжлари қондирилишини таъминловчи хизмат кўрсатиш жараёни ва шароитининг хусусиятлари йиғиндисидир.

Муайян эҳтиёжларни қондириш қобилиятини таъминловчи хизматларнинг энг муҳим хусусиятларига қуйидагилар мансуб:

- Ишончлилик;
- Илтифотлилик;
- Ваколатлилик;
- Очиқлик;
- Коммуникативлик;
- Эътиборли муносабат.

Ишончлилик ваъда қилинган хизматни аниқ тақдим этишдек ходим қобилияти билан белгиланади. Хизмат кўрсатувчи ходимларнинг билим-тажрибавийлиги ишончлилик пойдеворидир.

Илтифолилик – мижозга ёрдам бериш иштиёқи ва унга дарҳол хизмат кўрсатишга интилиш. Хизмат кўрсатиш вақтида кўп ҳолларда кўзда тутилмаганда юзага келади ёки мижозларга алоҳида бир истаклар пайдо бўлади. Бундай ҳолларда корхонанинг ўзига хос ва самарали ечим топа олиш қобилияти баҳоланади. Бу каби муаммоларнинг олдини олиш вариантларини олдиндан режалаштириш ва ишлашнинг ўз тамойилларини ишлаб чиқиш даркор.

Ваколатлилик - ходимларнинг ишонч қозона олиш маҳорати.

Имконийлик – хизмат кўрсатиш ходимлари билан алоқа ўрнатишнинг осон ва эркинлиги.

Коммуникативлик –зарурий маълумотни мижозларга ўз вақтида ва улар томонидан қўшимча сўровсиз етказиш ҳисобига ходимлар билан мижозлар орасидаги тушунмовчиликларни истисно қиладиган даражадаги хизмат кўрсатишни таъминлаш қобилияти.

Эътиборли муносабат – индивидуал хизмат кўрсатиш ва корхона мижозларга нисбатан кўрсатаётган эътибор. Хизматнинг ушбу хусусиятининг алоҳида қиммати шу билан изоҳланадики, ҳар бир мижоз бошқа одамларнинг эҳтиёжларидан фарқ қилувчи ўзига хос эҳтиёж – талабларига эга. Сифатли хизмат кўрсатишга кўплаб омиллар таъсир кўрсатади. Сифатли хизмат кўрсатишга таъсир қиладиган уч асосий омилни алоҳида ажратиш мумкин.



Меҳмонхонада хизмат кўрсатиш сифатига таъсир қиладиган омиллар

Уларни сифатли хизмат кўрсатишнинг базавий элементлари деса бўлади, чунки меҳмонхона хизматларининг сифатини баҳолашда мижоз меҳмонхона кириш жойининг шакл-шамойилини, ўзи яшаётган номерни ҳамда ходимлар иши, уларнинг касбий маҳорати ва билим – тажрибасининг сифатларини эътиборга олади.

Тақдим этилаёган сервис хизматларининг сифатига бевосита таъсир қилувчи омилларни батафсил кўриб чиқамиз:

1. Хизмат кўрсатувчи ходимларнинг касбий маҳорати ва билим-тажрибаси. Меҳмонхона ходими ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарурий муайян билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим;

2. Хизмат кўрсатишнинг илғор технологияси. Технологик қоидалар хизмат кўрсатишни ташкил этишда зарурий вазифаларни бажариш тартибини, изчиллигини ва сифатини белгилаб беради. Технологик қоидаларнинг бош мақсади қуйидагилардир: хизматларнинг сифатли ва бир турли бажарилиши; хизматлар ижросида компьютер техникаси ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш асосида замонавий юксак технологиялардан фойдаланиш;

3. Моддий-техник база. Меҳмонхона асосий фондларининг жисмоний ва техник қониқарли аҳволи хусусида бўлиб уларга бино, хоналар, жиҳозлар, мухандислик-тезник мосламалар, инвентар ва хизматларни ишлаб чиқаришнинг бошқа воситалари киради. Меҳмонхонада амортизациянинг доимий жараёни, асосий фондлар ишдан чиқиши юз беришни назарда тутиш муҳим. Бошқа томондан, илмий-техник тараққиёт муҳандислик-теник асбоб-ускуналарнинг янги, самарадорроқ намуналарини жорий этиш ва улардан фойдаланишга мажбур қилмоқда. Бу ҳолатларга беэътиборлик меҳмонхонанинг тез эскириши, товар кўринишини йўқотиши мижозда

хизмат кўрсатиш ва меҳмонхона имиджи ҳақида салбий таассуротлар ҳосил бўлишига олиб келади.

4. Номерлар ва умумий хоналарнинг қулай режалаштирилганлиги, меҳмонхона хона ҳамда йўлакларининг сифатли ишлангалиги, номерлар фондининг қўлай мебель ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги чойшаб ва ёстиқ жилдларининг сифатли тўпламлари идиш-товоқ, асбоблар, зарурий мосламалар, хоналарнинг кўриниши нафис безатилганлиги меҳмонлар учун қулайлик ҳамда шинамлик яратишга хизмат қилади.

Жойлаштириш хизматлари меҳмонхоналар ёки истиқомат учун мўлжалланган исталган бошқа корхона фаолиятининг маҳсулидир. «Туристик хизматлар. Жойлаштириш воситалари. Умумий талаблар» ГОСТ 51185-98 давлат меъёрида меҳмонхона хизматларининг таърифи келтирилган. Ижрочининг сайёҳларни турар жой билан таъминлаш ва меҳмонхонага оид, махсус (даволаш-соғломлаштириш, санатор, спорт, туристик ва хоқазо) хизматларни кўрсатиш бўйича фаолияти жойлаштириш воситалари хизматлари ҳисобланади.

Меҳмонхона маҳсулотининг асосий ўзига хос хусусияти мижознинг ўзи фойдаланаётган товарга мулкчилик ҳуқуқига эга эмаслигидан иборат. Жойлаштириш хизматларининг ўзига хосликларини белгилаб берувчи хизматларнинг хос қирраларини алоҳида ажратишади.

- ишлаб чиқаришнинг хизматлар истеъмолидан ажралмаслиги. Меҳмон қабул қилиш саноати учун типик бўлган вазиятларда хизматни кўрсатиш шу ҳаракатлар қаратилган кишининг иштирокини талаб қилади.

Бу иш – ҳаракат истеъмолчининг эмас, ишлаб чиқарувчининг ҳудудида юз беради. Бундан ташқари, хизматни амалга оширувчи ходимлар истеъмолчи билан бевосита алоқага киришади. Хизматни тақдим қилиш жараёнида ишлаб чиқарувчидан ҳам, истеъмолчидан ҳам фаол иштирок талаб этилали. Мижоз меҳмонхона ходимини хизматнинг ажралмас қисми сифатида қарайди. Айнан шу сабабли меҳмонхона сифати кўп жиҳатдан хизматчилар хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатлари билан белгиланади.

- сақлашнинг имконсизилиги. Хизматни ишлаб чиқариш замон ва маконда қайд этилган: агар хизмат (меҳмонхона маҳсулоти) муайян кунда сотилмас экан, унда эҳтимоллик даромад бой берилади ва ўрни тўлдирилмайди. Хизматларни омборда сақлаб бўлмайди, чунки шу пайтда мавжуд реал эҳтиёжларни қондиришга мўлжалланган.

- ҳис қилиб (қўл билан ушлаб, сезиб) бўлмаслик. Моддий товарлардан фарқли ўлароқ, хизматларни ўлчаб, таъми-мазасини баҳолаб, ушлаб кўриб бўлмайди, бевосита ижро этувчи на кўриб, на эшитиб бўлади. Бирор бир хизматни харид қилган киши, қўлида ҳеч нима олиб юрмаса-да,

хотирасида кўп нарса сақлайди. Киши бошқалар билан баҳам кўриши мумкин бўлган хотираларни олиб кетади.

- талаб ўзгаришининг мавсумийлиги. Меҳмонхона бозори учун йил мавсумига боғлиқ ҳолда талабнинг ҳам ўзгариши хосдир. Аксарият туристлар ёз ойлари дам олишни маъқул кўрадилар.
- юқори қайд қилинган сарф-ҳаражатлар. Меҳмонхоналарнинг кирим-чиқим бўйича ҳисоботлари таҳлил қилинганда ишлаб чиқаришнинг юқорида қайд этилган харажатлари ва нисбатан паст ўзгарувчан сафрлар яққол кўзга ташланиб, улар ҳар йили, йил давомида қабул қилинган мижозлар миқдорига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.
- сифатнинг ўзгарувчанлиги. Меҳмон қабул қилиш соҳасидаги хизматлар ўзгарувчанлигига биноан фарқ қилади, яъни уларнинг сифати ким ва қандай шароитда кўрсатаётганлигига боғлиқ бўлади. Бу ўзгарувчанликнинг бир неча сабаблари бор. Биринчидан, бу турдаги хизматлар бир вақтнинг ўзида тақдим ва қабул қилинганлиги уларнинг сифатини назорат қилиш имконини чегаралайди. Талабнинг вақтинчалик нотурғунлиги хизмат кўрсатиш сифатининг талаби юқори даражада бўлган даврларда сақлаб қолишни муаммоли қилиб қўяди. Кўп нарсалар хизмат кўрсатилаётган пайтдаги хизмат ижрочининг аҳволига боғликдир. Бир кишининг ўзи бугун сизга ажойиб ва эртага ёмон хизмат кўрсатиши мумкин. Ёмон хизматнинг сабаблари турлича бўлади. Хизмат сифатидаги ўзгарувчанлик ва иккиланишлар – мижозлар томонидан меҳмон қабул қилиш индустрияси номига билдирилган норозиликниг бош сабабидир.
- хизмат – замонда кечадиган жараён. Меҳмонхоналарнинг ўзига хослиги шундан иборатки, ишлаб чиқаришга алоқадор муаммолар тезкор ҳал қилиниши зарур. Ҳозирги шароитда мижозлар тез хизматни талаб қиладилар.

Меҳмонхоналарда тақдим этиладиган хизматлар асосий ва қўшимчаларга бўлинади. Улар пуллик ва бепул бўлиш мумкин.

Асосий хизматларга яшаш ва овқатланиш киради. Меҳмонхонада яшовчилар ва ундан кетувчиларни расмийлаштириш кечаю кундуз амалга оширилиши зарур. Умумий овқатлантириш, алоқа ва маиший хизмат кўрсатиш (меҳмонхона қошидаги) ташкилотларида меҳмонхонанинг ўзида яшовчи шахсларга навбатсиз хизмат кўрсатилади.

Меҳмонларга қўшимча тўловсиз хизматларнинг қуйидаги турлари тақдим этилади:

- тез ёрдам чақириш;
- тиббий аптечкадан фойдаланиш;
- корреспонденция олинганда уни хонага етказиб бериш;
- маълум вақтда уйғотиш;

- қайноқ сув, ип, нина, бир комплект идиш-товоқ ва дастурхон жиҳоларини тақдим этиш.

Мажбурий ва бепул хизматлардан ташқари меҳмонхоналар қўшимча равишда тўланадиган турли –туман қўшимча хизматларнинг бутун бир мажмуини ҳам тақдим этадилар. Пуллик қўшимча хизматларни кўрсатиш рўйхати ва сифати меҳмонхонага берилган категория талабларига мос келиши зарур. Қулайликнинг ўртача ва юқори даражасига эга ўрта ва йирик туристик корхоналар (меҳмонхоналар, тўлиқ сервисли отеллар ва бошқалар) учун қўшимча хизматларнинг улкан рўйхати хос:

- умумий овқатлантириш ташкилотларининг (ресторан, кафе, бар, буфет, ошхона) хизматлари;
- дўконлар (совға, озиқ-овқат), савдо автоматлари;
- кўнгилочар тадбирлар (дискотека, тунги клуб, ўйин автоматлари зали, бильярдхона) инфратузилмаси;
- экскурсион хизматлар, гид-таржимонлик хизматлари;
- театрлар, цирк, концертларга ва шу каби тадбирларга чипта сотилишини ташкил этиш;
- болаларга қараш, бола учун она тилида гапирадиган энагаларини таъминлаш;
- соҳиблари билан бирга сайёҳат қилаётган жониворларга қараш;
- транспорт хизматлари (транспортнинг барча турларига чипталар банд қилиш, меҳмонлар буюртмасиги кўра автотранспорт буюриш, такси чақириш, автомобиллар ижараси);
- гулларни харид қилиш ва етказиб бериш;
- эсдалик совғалар, табрикномалар ва бошқа чоп қилинган маҳсулотлар савдоси;
- маиший хизмат (пойабзал таъмири ва тозалаш; кийим-кечак таъмири ва дазмоллаш; кимёвий тозалаш ва кир ювиш; нарса-буюмлар ва қимматбаҳо нарсаларни сақлаш, юкни тушириш; предметлар ижараси – телевизорлар, идиш-товоқ, спорт жиҳозлари, соат, маиший техника; радиоаппаратура таъмири; сартарошхона ва гўзаллик салонлари хизмати; маникюр ва массаж кабинетлари ҳамда бошқа маиший хизматлар);
- сауна, ҳаммом, бассейин, тренажёр зали;
- музокара зали, конференц-зал ижараси;
- бизнес-марказ хизматлари;
- валюта айирбошлаш;
- бошқа хизматлар.

Қулайликнинг юқори даражасини таъминловчи, мехмонхоналарнинг ранг-баранг маиший ва хўжалик талабларини қондирувчи чора- тадбирлар тизими меҳмонхона хўжалигида сервис деб аталади. Сервисни нафақат талаб тамойили бўйича балки таклиф тамойили (меҳмонхона кўрсатиши мумкин бўлган янги хизматларни таклиф қилади, меҳмон эса танлайди) бўйича ҳам кўриш лозим. Аммо хизматларни зўрлаб ташкил қилиб бўлмайди. Истеъмолчи шартномада кўзда тутилмаган хизматлар тўловидан бош тортиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, бир хил хизматлар ижросини бошқаларини мажбурий олиш билан боғлаш ҳам таъқиқланади.

Хизматлар рўйхати меҳмонхона категорияси (тоифаси) дан келиб чиқади. Ҳамма меҳмонхоналарда ҳам мижозларга маиший хизмат кўрсатиш ва уларга хизматларнинг тўлиқ рўйхатини тақдим этиш имконияти мавжуд эмас. Бироқ ҳамма жойда ҳам хизматлар тўплами мижозлар талабларига тўла жавоб бериш муҳим ҳисобланади.

Хизмат кўрсатувчи корхоналар қулай жойларда (кўпинча биринчи қаватда) жойлашиши зарур. Вестибюлда, қафатларда, номерларда хизматларни қаерда ва қандай олиш мумкинлиги тўғрисида маълумотлар бўлиши, иш вақти меҳмонлар учун қулай бўлиши лозим.

Хизматларни кўрсатишда уларнинг нафақат сони, балки сифати ҳам муҳим ҳисобланади. Шу сабабли кўпгина меҳмонхоналарда меҳмонлар жўнаб кетаётганларида қабул ва жойлаштириш хизматига топшириладиган кичик сўровномаларни тўлдириш сўралади. Шундан сўнг уларни реклама ва маркетинг хизмати ўрганиб чиқади.

4-Мавзу: ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ХОРИЖИЙ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИНГ УРНИ ВА АХАМИЯТИ

Режа:

1. Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш Концепциясининг мақсад ва вазифалари
2. Янги авлод ўқув адабиётларининг шакллари ва турлари
3. Ўқув адабиётларига қўйиладиган талаблар

1. Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш Концепциясининг мақсад ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизими муассасаларини янги авлод ўқув адабиётлари билан таъминлаш, талаба-ўқувчиларни комил инсон қилиб етишишига қаратилган дарсликлар ва ўқув адабиётларини яратиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Чунки баркамол авлод тарбиясини ва рақобатбардош кадрларни тайёрлашни замонавий адабиётларсиз тасаввур этиш мушкул.

Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши, ижтимоий ва иқтисодий ўзгариши, янги ишлаб чиқариш технологияларини тадбиқ этилиши талабалар ва уларга таълим бераётган профессор-ўқитувчилар томонидан тан олинган кенг қамровда синовдан ўтказилган дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминланишига боғлиқ.

Янги авлод ўқув адабиётларини яратишнинг меъёрий-ҳуқуқий асоси бўлиб Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги 4-сонли, 2000 йил 29 майдаги «Ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича республика мувофиқлаштирувчи комиссиясини тузиш тўғрисида»ги 208-сонли қарорлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш, соҳа ходимларига зарур шарт-шароитлар яратиш, таълим мазмуни ва сифатини такомиллаштириш хамда оширишга бевосита таъсир кўрсатувчи омиллардан бири сифатида талабаларни ўқитишдаги фанлар бўйича Давлат таълим стандартлари талаблари асосида яратилган сифатли дарслик ва ўқув қўлланмалар билан тўлиқ таъминлаш вазифаси турибди.

Илм-фан жадал тараққий этаётган, замонавий ахборот-коммуникация тизими воситалари кенг жорий этилган жамиятда турли фан соҳаларида билимларнинг тез янгиланиб бориши, таълим олувчилар олдига уларни жадал эгаллаш билан бир қаторда, мунтазам ва мустақил равишда билим излаш вазифасини қўймоқда.

Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш, уларни тайёрлаш борасидаги илмий-услубий, ташкилий ва молиявий масалаларни ҳал қилиш, узлуксиз таълим тизимида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсадларига эришишни таъминлашга қаратилган чораларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

Концепциянинг мақсади Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг барча таълим турлари учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш тамойиллари ва уларни тайёрлаш механизмларини белгилашдан иборатдир.

Ушбу **Концепциянинг асосий вазифаларига** ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш учун илмий-ғоявий, услубий-дидактик, педагогик-психологик талабларни ишлаб чиқиш, ўқув адабиётларидан тўғри ва рационал фойдаланиш мақсадида уларнинг мавжуд шакллари ва турларига аниқ таърифлар бериш ҳамда мамлакатимиз миқёсида замонавий ўқув адабиётларини тайёрлаш бўйича дастурларни амалга ошириш учун стратегик масалалар кўламини аниқлаш киради.

2. Янги авлод ўқув адабиётларининг шакллари ва турлари

2. 1. Ўқув адабиётларининг шакллари

Ўқув адабиётлари-муайян таълим тури (йўналиши ёки мутахассислиги) ўқув режасида қайд этилган фанлар бўйича тегишли ўқув дастурлари асосида зарур билимлар мажмуаси келтирилган, ўзлаштириш услублари ва дидактикаси ёритилган (шу жумладан, хорижий таржималар) манба бўлиб, икки хил шаклда тайёрланади:

- Анъанавий (босма) ўқув адабиётлар - таълим олувчиларнинг ёши ва психо-физиологик хусусиятлари, маълумотлар ҳажми, шрифтлари, қоғоз сифати, муқова тури ва бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда қоғозда чоп этиладиган манба;

- Электрон ўқув адабиётлар - замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерактив усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган манба.

2.2. Ўқув адабиётларнинг турлари

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқув-тарбиявий жараёнида ўқув адабиётларнинг қуйидаги турлари қўлланилади: дарслик, ўқув қўлланма, луғат, изоҳли луғат, маълумотлар тўплами, маърузалар курси, маърузалар тўплами, методик кўрсатмалар, методик қўлланмалар, маълумотлар банки, дайжест, шарҳ ва бошқалар.

Дарслик - давлат таълим стандарлари, ўқув дастури, услубияти ва дидактик талаблари асосида, миллий ғоя ва маънавий қадриятларимиз сингдирилган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фан асосларини мукаммал ўзлаштирилишига қаратилган ҳолда, фанга тегишли билимларни талабалар томонидан мустақил ўзлаштириб олишга, уларда кўникма ва малакаларни шакллантиришга, керакли ўқув материалини мустақил излаш ва топишга, ҳамда амалий фаолиятда қўллашни ўргатиш ҳамда ижодий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Ҳар бир таълим турининг мақсад ва вазифаларини қамраб олган, билим олувчиларнинг ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир фан бўйича ўз дарсликлари бўлади. Дарсликда назарий маълумотлардан ташқари, амалий-тажриба ва синов машқлари бўйича зарур кўрсатмалар берилади.

Тегишли таълим турлари учун Мувофиқлаштирувчи Кенгаш (ёки ваколатли Кенгашларнинг грифи) томонидан ўқув адабиётига берилган гувоҳнома, ўқув режаларда кўрсатилмаган (танлов ва қўшимча) фанлари учун таълим муассасасининг Илмий кенгаши қарори асосида чоп этилган нашр.

Ўқув қўлланма - дарсликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури бўйича тузилган ва фан асосларининг чуқур ўзлаштирилишини таъминловчи, айрим боб ва бўлимларни кенг тарзда ёритишга ёки амалий машқ ва машғулотлар ечимига мўлжалланган тегишли таълим турлари учун Мувофиқлаштирувчи Кенгаш (ёки ваколатли Кенгашларнинг грифи) томонидан ўқув адабиётига берилган гувоҳнома, ўқув режаларда кўрсатилмаган (танлов ва қўшимча) фанлари учун таълим муассасасининг Илмий кенгаши қарори асосида чоп этилган нашр.

Ўқув қўлланмада муайян мавзулар дарсликка нисбатан кенгроқ ёритилади. Масалан, «Механика» физика фанининг механика қисмига бағишланган ўқув қўлланма. «Физикадан масалалар тўплами» - физика фани бўйича масала ва машқлар ечишга мўлжалланган ўқув қўлланма ва ҳоказо.

Луғат - аниқ бир тартибда жойлашган сўзлар (ёки сўз бирикмаси ва ҳоказо) тўплами, уларнинг мазмуни, ишлатилиши, келиб чиқиши, бошқа тилдаги таржимаси тўғрисида маълумот берувчи ёки сўзнинг тушунчаси, у билан белгиланувчи предметлар ҳақида ахборот берувчи таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этилган нашр.

Изоҳли луғат - сўзларнинг мазмунини изоҳлайдиган, ҳар бир сўзнинг грамматик, этимологик ва стилистик тавсифи берилган, уларни қўллашга оид мисоллар ва бошқа маълумотлар келтирилган, қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этилган нашр.

Маълумотлар тўплами - фойдаланишга қулай шаклда яратилган муайян фанни ёки таълим йўналишини ўзлаштириш учун зарур бўлган, исбот талаб қилмайдиган маълумотлар, илмий кўрсаткич ва ўлчамлар, турли белги ва рақамлардан, илмий, ижтимоий-сиёсий, амалий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги қисқа маълумотлардан ташкил топган таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этилган нашр. Маълумотлар тўпламида бир қатор муҳим илмий-амалий масалаларни ечиш намуналари келтирилиши мумкин.

Маърузалар курси - фаннинг ўқув дастури бўйича маърузалар курсининг номи тегишли фан номи билан аталган, ундаги барча мавзуларнинг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этилган нашр .

Маърузалар тўплами - муайян фаннинг ўқув дастури бўйича ундаги айрим мавзуларнинг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган, даврий равишда илмий-тадқиқот изланишлар асосида янгиланиб туриладиган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси бўйича чиқариладиган кичик ададда нашр қилинган тарқатма материал.

Услубий кўрсатма - муайян фаннинг ўқув дастури бўйича курс ишлари (лойиҳалари), лаборатория ва амалий ишларни бажариш тартиби аниқ ва батафсил ифодаланган ҳамда ушбу фан бўйича талабаларда зарур амалий кўникмалар ҳосил қилишга мўлжалланган, таълим муассасаларининг

илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида нашр этиладиган кичик ададли тарқатма материал.

Услубий қўлланма - ўқитувчилар (профессор-ўқитувчилар) ва билим олувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда бир дарснинг мақсади, дарс ўтиш воситалари ва улардан фойдаланиш усуллари, дарснинг мазмуни, амалий машғулотлар, қўшимча топшириқлар ва бошқалар ҳақида тавсиялар баён қилинадиган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этиладиган нашр.

Шарҳ - жамият тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, баҳсга лойиқ асарларни, ғояларни, фикрларни ва таърифларни изоҳловчи, муайян масалалар ечимини кўрсатувчи, кенг оммага мўлжалланган қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган нашр.

Дайжест - илмий, илмий-услубий, ўқув, даврий адабиётлар, ҳукумат ва турли ташкилотлар фаолиятига тегишли қонунлар, қарорлар, низомлар мазмунининг қисқача баёни ва шарҳи келтирилган, соҳаларга оид маълумотлар тўплами сифатида фойдаланиладиган доимий нашр.

Электрон дарслик - компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарали ўзлаштиришга мўлжалланган бўлиб:

- ўқув ва илмий материаллар фақат вербал (матн) шаклда;
- ўқув материаллар вербал (матн) ва икки ўлчамли график шаклда;
- мультимедиа (кўп ахборотли) қўлланмалар, яъни маълумот уч ўлчамли график кўринишда, овозли, видео, анимация ва қисман вербал (матн) шаклда;
- тактил (ҳис қилинувчи, сезиладиган) хусусиятли, ўқувчини «экран оламида» стерео нусхаси тасвирланган реал оламга кириши ва ундаги объектларга нисбатан ҳаракатланиш тасаввурини яратадиган шаклда ифодаланади.

Маълумотлар банки - ахборот технологияларнинг имконияти ва воситалари асосида яратилган. Статик ва динамик режимда тузилган, товуш ва рангли тасвирлар билан таъминланган, катта ҳажмдаги ахборотларни ўз ичига қамраб олган ва уларни турли кўринишда (жадвал, диаграмма, гистограмма, матн, расм ва ҳоказо) бера оладиган, ўқув жараёнида билим олувчилар томонидан ўз устида мустақил ишлаши ва ўз билимларини назорат қилиши учун қўлланиладиган, доимий равишда тўлдириб бориладиган, кенг доирада фойдаланишга мўлжалланган, тегишли ваколатли давлат ташкилотида қайд этилган соҳалар бўйича маълумотлар тўплами.

Методик тавсиялар - таълим ва тарбиянинг самарали усулларини амалда тадбиқ этиш бўйича қисқа ва аниқ баён этилган таклифлар мажмуидан иборат методик нашр. Методик тавсияларда ўқув жараёнига ўқитишнинг интерактив усуллари, педагогик технологиялардан амалда фойдаланиш бўйича тавсиялар назарий жиҳатдан эмас, балки кўпроқ амалий намуналар асосида босқичма-босқич берилиши мақсадга мувофиқ.

Монография - илмий тадқиқотлар натижалари асосида яратилган босма нашр.

Электрон нашр (ЭН) - бу графикли, матнли, рақамли, нутқли, мусиқали, видеофото ва бошқа ахборот объектларидан иборат бўлган жамланмаси ҳисобланади. ЭН магнитли (магнит тасмаларда, магнит дискларда), оптик (КД-РОМ, КД-И, КДб, КД-Р, КД-РВ, ДВД) электрон ахборот ташувчи воситаларида ҳамда компьютер тармоғида тақдим этилиши мумкин:

Электрон ўқув нашри - таълим олувчилар томонидан билимлар, кўникмалар ва маҳоратларни ижодий ва фаол эгаллашларини таъминлайдиган илмий-амалий билим соҳасига мос равишдаги тизимлаштирилган ўқув материалга эга бўлган электрон нашр.

Электрон луғат - анъанавий «қоғозли» луғатга мос келувчи электрон ахборот манбаи. Компьютер версияда сўз ёки сўзлар гуруҳига махсус ажратилган кўрсатма билан исталган дастурдан чиқарилиши мумкин. Анъанавий луғатлардан фарқли равишда электрон луғат матн ва графикли тасвирлар билан бир қаторда видео ва анимацион лавҳалар, товуш, мусиқа ва бошқалар билан бирга медиа-объектларнинг бутун спектрларини ўз ичига олиши мумкин.

Электрон услубий қўлланма - педагогик тажрибани умумлаштириш ва узатиш ҳамда таълим фаолиятининг янги моделларини шакллантириш ва тарқатиш шакли. Электрон услубий қўлланмада педагогик тажриба машғулотларнинг рақамлаштирилган видео-лавҳалари, электрон ёки унга ўгирилган шаклда яратилган ўқувчилар ишларини дарслар бўйича режалаштирилган шаклида кўрсатилади.

Электрон ўқув қўлланма - фаннинг ўқув ҳажмини қисман ёки тўлиқ қамраган ва ахборотнинг адаптация блокини ўз ичига олган бўлиб, масофавий ўқитиш ва мустақил ўрганиш учун мўлжалланган.

Электрон маъруза - интерактив элементлар ва гиперузатишларни қўллаб, ўқув фани маъруза материалини намойиш қилувчи мультимедек тизим.

3. Ўқув адабиётларига қўйиладиган талаблар

3.1. Умумий талаблар

Таълим турларининг хусусиятларидан ва нашр шаклидан қатъий назар барча ўқув адабиётлари қўйидаги умумий талабларга жавоб бериши керак:

- давлат таълим стандартлари (давлат талаблари) асосида тайёрланиши;
- таълим-тарбия жараёнига ҳамкорлик педагогикаси ва ўқитишнинг интерактив услубларини тадбиқ қилишда кўмак бериши;
- тегишли ўқув фанининг назарий ва амалий ривожланишида, узоқ ва яқин ўтмишдаги бой интеллектуал меросимизнинг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиши;
- интеллектуал инсонпарварлик ғояларининг акс эттирилиши, инсоннинг табиат ва ижтимоий ҳаётда ўта масъулиятлилигини англатишга қаратилиши;
- ватанпарварлик ва миллий ғурур ҳиссини шакллантириши, мустақил ва ижодий фикрлашга йўналтириши; маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириши, таълим ва тарбия узвийлигини таъминлаши;
- билимларни онгли равишда ўзлаштириш, қизиқиш уйғота оладиган ва мустақил фикрлашга йўналтира оладиган хусусиятларга эга бўлиши;
- билим олувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилиши, мустақил таълим олишга қизиқиш уйғотиши;
- юқори даражада умумлаштирилган ва замонавий илмий билимларга асосланган маълумотлар (қонунлар, айниятлар, таснифлар ва ҳоказо) дан ташкил топиши; иллюстрацияларга бой, кўргазмали тасвир ва бадиий-услубий жиҳатдан амалий фаолиятга қаратилган бўлиши;
- билим олувчиларнинг ёши психо-физиологик хусусиятларини ҳисобга олиши;
- билимларнинг мутлоқлиги ва нисбийлигини ёрқин ифодалаши;
- таълим олувчиларнинг билими, уқуви ва кўникмаларини назорат қилиш имкониятига эга бўлиши;
- таълим ва тарбияни ижтимоий ҳаёт, унумли меҳнат билан узвий боғланишига эътибор бериши;
- фан ва техника ютуқларининг аҳамиятини ифодалаши, илмий масалаларнинг мантиқий кетма-кетликда, фаннинг ўқув дастурига мувофиқ баён этилиши;
- яхлитликни идрок қилиш ҳисси шаклланиши учун барча маълумотлар мантиқий бир тизимда берилиши;
- матн жозибаси шаклда баён этилиши.

Асосий тушунча ва хулосаларнинг таърифлари ниҳоятда аниқ ва равшан ёзилиши, атамаларнинг умумийлигига эришилиши.

Санаб ўтилганлардан ташқари ҳар бир таълим турининг ўқув адабиётларига ўзига хос бўлган талаблар қўйилади.

- ўқув дастурига тўла мос келадиган ва ундаги мавзуларни тўлалигича қамраб оладиган шаклда ёзиш;
- мавзуларнинг соддадан мураккабга томон ўсишини, ҳамда ўзаро боғлиқлигини таъминлаш;
- расмлар, графиклар, жадваллар, схема ва диаграммалар берилган маълумотлар ва тушунтиришлар билан узвий боғланган бўлиши керак;
- дарсликдаги такрорланувчи тушунчаларга ва риоя қилиниши керак бўлган қоидаларга эътиборни жалб этиш мақсадида махсус белгилардан фойдаланиш зарур.
- фан, техника ва технологияларнинг энг сўнгги ютуқларини инобатга олиниши;
- Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидаги ўқувчиларнинг билимга бўлган эҳтиёжларини ва миллий хусусиятлар, турли маданиятларнинг ҳисобга олиниши;
- ўқувчилар ёши, савияси ва психо-физиологик хусусиятларини инобатга олиниши, ўғил ва қизларнинг қизиқишларини тенг равишда ва тўла даражада ҳисобга олиш каби онгли тарзда тузилган мисоллар ва далиллар мавжудлиги.

3.2. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидаги ўқув адабиётларга қуйидаги қўшимча талаблар қўйилади:

- касбга қизиқишни кучайтириш, уни мустаҳкам эгаллашга ва замонавий билимлар асосида рақобатбардош мутахассислар чиқишини таъминлаши;
- мустақил ва эркин фикр юритиш, масъулиятли қарорлар қабул қилишга қодир бўлган шахсларни тарбиялаши;
- қайси фанга тегишлилигидан қатъий назар назарий билимлар амалиёт билан кенг боғлиқлигини таъминланиши;
- ўқувчида яхлитликни идрок қилиш ҳисси шаклланиши учун барча маълумотлар мантиқий бир тизимда берилиши;
- муайян фан соҳасига хос хусусиятлардан келиб чиқиб, эстетик ва дизайн кўрсаткичларда илм-фан ютуқларини тасвирлайдиган кўргазмали

маълумотлар-қурилма, аппаратлар ёки уларнинг маълум қисмлари ва бошқалар турли рангда берилишига эътибор қаратилиши.

- матнни тушунарли ва мантиқий усулда тузиш, ўрганиш жараёнини осонлаштириш учун расмлар, схемалар ва чизмаларни қўшиб жойлаштириш;
- дарсликда ўрганиладиган мавзу ва машғулотлар гуруҳда ўқувчиларнинг турлича қобилиятли эканликларини инобатга олган ҳолда берилиши лозим;
- ўқув материалида ўқувчиларни фаол бўлишга ва танқидий фикрлашга ундовчи ва уларнинг қизиқишларини ўзига жалб қиладиган жиҳатларнинг мавжуд бўлиши;
- фанлараро ва фан ичида ўзаро боғлиқликни таъминланиши;
- ўқувчилар мустақил ишлари учун амалий топшириқлар, машқлар, лойиҳалар билан таъминланиши:
- матнда атроф-муҳит, унинг ифлосланиш ва жамият саломатлиги муаммолари ҳамда уларни ҳал қилиш йўллари акс эттирилиши;
- топшириқлар ва вазифалар кенг кўламли ўқувчилар бажарадиган амалий ишларни жуфтликда ёки кичик гуруҳларда ташкил этиш имкониятини бериш;
- ўқув материалларининг, далиллардан намуналарга, намуналардан фаразга, фаразлан-изланишга, изланишдан-амалий қўллашга, абстракт илмий билимдан-аниқ касбий билимга, билимдан-амалий кўникмага ўтишга йўналтирилганлиги;
- касбий характерга эга бўлган ва мустақил ишлашлари учун мўлжалланган муаммоли саволлар, топшириқлар, машқлар, лойиҳалар билан таъминланиши.

3.3. Олий таълим

Олий таьлимнинг бакалавриат ва магистратура босқичларида ўқитиладиган фанлар ва уларга тегишли ўқув адабиётларнинг мазмун-моҳияти ниҳоятда чуқур илмий-услубий, юқори сифат кўрсаткичларда бўлиши тақозо этилади:

- ўқув адабиётлардаги ҳар бир боб ёки мавзунинг мазмуни тушунарли, илмий ғоя ва тушунчалар моҳияти аниқ ва равшан баён этилиши;
- матнни хотирада сақлашни осонлаштириш, мавзулар ихчам чизмалар, турли тасвирий ифодалар, жадвал ҳамда расмлар билан таъминланиши;
- аниқ ва табиий фанлар бўйича илмий тушунча ва ғоялар, қонун ва қонуниятлар, тарихий ҳодиса ва ижтимоий жараёнларнинг ҳаётийлиги;
- таҳлилий муносабатнинг етарли даражада бўлиши;

- муаллиф ва талаба ўртасида фикрларнинг мантиқий баёни жараёнида ўзаро боғлиқлик таъминланиши;
- мавзуларнинг бир-бирига мантиқан боғлиқлиги ва кетма-кетлигининг сақланиши;
- дарсликда амалий ва тажриба машғулотларни бажариш ҳамда машқларни ечиш бўйича услубий кўрсатмалар берилиши, матн, иллюстрация ва графиклар ёрдамида билим олиш орқали кенгайтирилган амалий кўникмаларни шакллантириш имконияти бўлиши лозим.
- ўқув мақсадлари ва вазифаларининг аниқ белгиланиши;
- назарий ва амалий мазмуннинг ўзаро мақбул ва боғлиқ ҳолда тақсимланиши;
- фанлараро ва фан ичида ўзаро боғлиқликни таъминланиши;
- мазмун жуда ишончли ва салоҳият билан ёритилиши керакки, унда муаллифларнинг фан, техника ва технологиялар сўнгги ютуқларидан фойдаланганлиги кўриниб турсин;
- мазмун далиллардан намуналарга, намунадан-фаразга, фаразdан-изланишга, изланишдан-амалий қўллашга, абстракт-илмий билимдан-аниқ касбий билимга, билимдан-амалий кўникмага ўтишни таъминланиши;
- фанни ўқитиш технологияси ёки методикасига мос келиши;
- ўқув материалида атроф-муҳит, ифлосланиш ва уни тозалашнинг ҳал қилиш йўллари акс эттирилиши;
- топшириқлар ва лойиҳалар талабаларни индивидуал ёки кичик гуруҳларда ишлаш имкониятини бериш;
- тасвирий материаллардан максимал фойдаланиш, динамик жараёнларни ўрганишни осонлаштириш мақсадида электрон таълим воситаларини (мультимедиа, анимация, виртуал стендлар ва х.к.) дарсликка қўшимча материал сифатида илова қилиш;
- ўқув материалларида талабаларни фаол бўлиш ва танқидий фикрлашга ундаш ва уларнинг фанга бўлган қизиқишларини кучайтирувчи жиҳатларининг мавжуд бўлиши;
- талабаларнинг ўз билим ва кўникмаларини текширишлари учун назорат саволлари ва тестлар билан таъминланиши, уларнинг дастурлаштирилган электрон версияларини қўшимча материаллар таркибига киритиш;
- касбий характерга эга бўлган ва талабалар мустақил ишлашлари учун мўлжалланган муаммоли саволлар, топшириқлар, машқлар, лойиҳалар билан таъминланиши;
- замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятларининг яратилиши.

3.4. Олий таълимдан кейинги таълим

Жамиятнинг юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган бўлганлигини инобатга олиб, ушбу таълим туридаги ўқув адабиётлари (олий таълимда қўлланиладиган адабиётлар билан биргаликда даврий-илмий, илмий-услубий нашрлар, илмий монографиялар, шарҳлар, дайжестлар, таржима адабиётлар) қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- илм-фаннинг сўнгги ютуқлари ёритилиши;
- илмий тадқиқотларни талаб даражасида олиб боришга хизмат қилиши;
- тегишли соҳа менежментига оид стратегик вазифаларни ўзида акс эттирилиши;
- маънавий-маърифий ва ўқув-тарбиявий фаолиятни илмий асосда олиб боришга қаратилиши;
- фанга тегишли сўнгги муҳим илмий натижаларнинг берилиши;
- фанга тегишли илмий тадқиқот методларнинг тавсия этилиши;
- тадқиқот орқали билим олишга имконият яратиши;
- экспериментал тажрибалар ўтказиш ва натижаларига математик ишлов бериш услублари баён этилиши.

3.5.Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

Касбий билимлар ва кўникмаларни чуқурлаштириш, малакаларни мустаҳкамлаш ва янгилашга мўлжалланган мазкур таълим турида ўқув адабиётларга қуйидаги талаблар қўйилади:

- тегишли соҳалар бўйича маълумотларга бой, энциклопедик характерда ва кичик ададли махсус тарқатма материал шаклида бўлиши;
- муайян соҳа бўйича илм-фаннинг ва ишлаб чиқариш технологияларининг сўнгги ютуқлари ёритилиши;
- тегишли соҳа менежментига оид стратегик вазифалар ёритилиши;
- илмий-педагоглик, маънавий-маърифий, ўқув-тарбиявий фаолиятни илмий асосда ташкил этиш ва олиб боришга қаратилиши;
- касбий маҳорат, билимлар ва кўникмаларни ошириш, чуқурлаштириш ҳамда янгилашга хизмат қилиши.

Ўқув материалининг модулли ёндашув ёки муаммоли асосида тақдим этилиши:

- замонавий педагогик технологиялар ва методикалардан фойдаланиш;
- қўшимча электрон манбаларга эга бўлиши;
- лойиҳалар, илмий ва ижодий характердаги топшириқлар, экспериментал тажрибаларга бой бўлиши.

5-Мавзу. ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШНИНГ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ

Режа:

1. Ўқитиш жараёнида талабалар билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш
2. Талабалар билимини ўзлаштириш кўрсаткичини 100 баллик тизимда баҳолаш мезонлари
3. Фанлар бўйича ОН, ЖН ва ЯН баҳолашдаги мезонлар

1. Ўқитиш жараёнида талабалар билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш

Институтда талабалар билимини баҳолаш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалари киритиш тўғрисида"ги 2010 йил 25 августдаги 333-сонли буйруғи асосида тасдиқланди.

Талабалар билимини назорат қилиш ва рейтинг тизими орқали баҳолашдан мақсад таълим сифатини бошқариш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш, талабаларнинг фанларни ўзлаштиришида бўшлиқлар ҳосил бўлишини олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат.

Рейтинг тизимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

а. талабаларда Давлат таълим стандартларига мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакалар шаклланганлиги даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиб бориш;

б. талабалар билими, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг асосий тамойиллари: Давлат таълим стандартларига асосланганлик, аниқлик, ҳаққонийлик, ишончлилик ва қулай шаклда баҳолашни таъминлаш;

в. фанларнинг талабалар томонидан тизимли тарзда ва белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил этиш ва таҳлил қилиш;

г. талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, ахборот ресурслари манбаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

д. талабалар билимини холис ва адолатли баҳолаш ҳамда унинг натижаларини вақтида маълум қилиш;

е. талабаларнинг фанлар бўйича комплекс ҳамда узлуксиз тайёргарлигини таъминлаш;

ж. ўқув жараёнининг ташкилий ишларини компьютерлаштиришга шароит яратиш.

Фанлар бўйича талабалар билимини семестрда баҳолаб бориш рейтинг назорати жадваллари ва баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

Талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турларини ўтказиш назарда тутилади:

жорий назорат — талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, семинар, лаборатория ва амалий машғулотларида оғзаки сўров, тест ўтказиш, суҳбат, назорат иши, коллоквиум, уй вазифаларини текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин;

оралиқ назорат — семестр давомида ўқув дастурининг тегишли (фаннинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаллангандан кейин талабанинг билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралиқ назоратнинг сони ва шакли (ёзма, оғзаки, тест ва ҳоказо) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда кафедра томонидан белгиланади;

якуний назорат — семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. Якуний назорат асосан таянч тушунча ва иборалар га асосланган «Ёзма иш» (тиббиёт олий таълим муассасалари учун «Ёзма иш» ёки ОТКС (объектив тизимлаштирилган клиник синов) шаклида ўтказилади.

Ҳар бир фан бўйича талабанинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда бутун сонлар билан баҳоланади.

Ушбу 100 балл назорат турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

якуний назоратга — 30 балл;

жорий ва оралиқ назоратларга — 70 балл фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда 70 балл кафедра томонидан жорий ва оралиқ назоратларга тақсимланади. Бунда саралаш 39 баллни ташкил килади.

Талабаларнинг ўқув фани бўйича мустақил иши жорий, оралиқ ва якуний назоратлар жараёнида тегишли топшириқларни бажариши ва унга ажратилган баллардан келиб чиққан ҳолда баҳоланади.

Жами жорий баҳолаш учун кафедра профессор-ўқитувчиси 35 балл ҳисобидан балл ажратади.

Талабанинг мустақил ишини баҳолаш тартиби ва мезонлари кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилади ва кафедра мажлисида муҳокамадан ўтади ҳамда факультет деканлари томонидан тасдиқланган

бўлиши керак. Семестр якунида ЖБ йиғиндиси ўқитувчи журналининг «Баҳолаш натижалари»да Σ ЖБ ва рейтинг қайдномасида Σ ЖБ тўлдирилади.

Оралиқ назорат ҳам худди жорий назорат каби 35 балл билан белгиланади ва бир марта ўтказилади ва у ўтказилган кунига мос устунда (ўқитувчи журналида) белгиланади.

Мустақил иш ЖБ ва ОБ лардан алоҳида устунда (ўқитувчи журналида) белгиланади. Шу билан бирга рейтинг қайдномасидаги ЖБ ва ОБ ларда қайд этилади.

ЖБ ва ОБ ларни қайта топшириш профессор-ўқитувчи журналининг

2-қисмидаги Σ ЖБ ва Σ ОБ тўлдиришидан олдин ташкил этилиши зарур, унда ЖБ – ўқитувчининг розилиги билан бўлса, ОБ ни қайта топшириш кафедра мудирининг талаба аризасига билдирган розилиги билан ўтказилади.

Талабаларни қайта ўзлаштиришини худди рейтинг кайдномаси каби профессор-ўқитувчи журналида, гуруҳ талабалари рўйхатидан кейин қайта ўзлаштириш учун келган талабаларнинг Ф.И.Ш ёзилади. Ўзлаштирган мавзулар доирасида қўйилган баҳолар тааллуқли катакчаларда кўрсатилади. Олдин олган баҳоси доирага олиб қўйилади.

Агар талаба ЖБ ва ОБ буйича саралаш балини (55 фоиз) тўплаган бўлса якуний рейтингини чиқиришда асос қилиб олинади ва журналда қайд этади. Талаба ЯБ(энг юкори балл 30 балл) га келиб кам балл тўпласа ҳам, уни умумий балл қўшиб умумлаштирилади. Бу талабанинг умумий рейтингини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Талабанинг фан бўйича рейтинги қуйидагича аниқланади:

$$R_f = \frac{V \bullet O^I}{100}$$

бу ерда:

В — семестрда фанга ажратилган умумий ўқув юкламаси (соатларда);

$\mathbf{O^и}$ — фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

Фан бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратларнинг ҳар бирига ажратилган балнинг 55 фоизи саралаш балл этиб белгиланади.

Жорий ва оралиқ назоратларнинг ҳар бирига ажратилган балнинг 55 фоизидан ортиқ балл тўплаган барча талабалар ушбу фан бўйича якуний назоратга кирмаслигига йўл қўйилади.

Агар талаба якуний назоратда шу назорат тури бўйича саралаш балидан юқори балл тўпласа, бу балл жорий ва оралиқ назоратларда тўпланган балларга қўшилади. Акс ҳолда талабанинг фан бўйича

ўзлаштириш кўрсаткичи фақат жорий ва оралиқ назоратларнинг баллари йиғиндисидан иборат бўлади (мазкур тартиб тиббиёт олий таълим муассасаларида ректорлар Раёсати қарори асосида белгиланади).

Битирувчи талабалар билими фақат «баллар»да баҳоланади уларга бериладиган Диплом иловасига ёки академик маълумотномада “фан ўқитувчиси” котибалари фанлар бўйича талаба рейтингини ҳисоблаб қайд этиши зарур.

Курс иши, малакавий амалиёт, Якуний давлат аттестацияси, битирув малакавий иши ва магистрларнинг илмий фаолияти фақат балларда ифодаланади (рейтинг чиқарилмайди). Магистрлик диссертацияси ҳимояси «Ҳимоядан ўтди», «Ҳимоядан ўтмади» тизимида баҳоланади.

Фан буйича саралаш баллини тўплай олмаган талаба фанни ўзлаштирмаган ҳисобланади ва у “фан ўқитувчиси” рўхсати билан қайта синовдан ўтади.

Қайта ўзлаштириш кўрсаткичлари шу рейтинг қайдномасининг охиридаги «Қўшимча ўтказилган ЯБ тўғрисидаги маълумот» қисмида қайд этилади.

Факультет котибаси декан кўрсатмасига асосан тўлдирилган рейтинг қайдномасини тааллуқли ўқитувчиларга тарқатади.

“Фан ўқитувчиси” ўрнатган қайта топшириш муддати ўтгандан сўнг қайднома “фан ўқитувчиси” га ўқитувчи томонидан қайта тақдим этилади.

Рейтинг қайдномаси ҳаракати “фан ўқитувчиси”даги махсус журналда қайд этилади.

Бундан ташқари “фан ўқитувчиси” котибаси «Талаба ўқув варақаси» ни тўлдириб боради, унда талабанинг семестрда фанлардан олган балли ва рейтинги қайд этилади.

Синов дафтарча “фан ўқитувчиси” да сақланади. Якуний назорат бошланишдан олдин гуруҳ сардори деканатдан имзо остида гуруҳнинг рейтинг дафтарчасини олади ва якуний назорат тугаши билан рўйхат бўйича яна деканатга топширади.

Гурух журналини тўғри тўлдириб боришини назорати факультет декани ва уни муовини зиммасига юклатилган.

Профессор-ўқитувчилар журналини тўғри тўлдириб бориш назорати кафедра мудирлари зиммасига юклатилган.

2. Талабалар билимини ўзлаштириш кўрсаткичини 100 баллик тизимида баҳолаш мезонлари

№	Назорат тури	Максимал балл	Баҳолаш мезонлари			
			0-54	55-70	71-85	86-100
1	Жорий баҳолаш	35	0-19	20-25	25-30	30-35
2	Оралиқ баҳолаш	35	0-19	19-24	25-30	30-35
3	Якуний баҳолаш	30	0-16	16-21	21-25	26-30
	Жами	100	0-54	55-70	71-85	86-100

№	Назорат тури		Макси-мал балл	Баҳолаш мезонлари			
				0-54	55-70	71-85	86-100
1	Жорий баҳолаш	Оралиқ баҳолаш	70	0-38	39- 49	50-60	60-70
2	Якуний баҳолаш		30	0-16	16-21	21-25	26-30
3	Жами		100	0-54	55-70	71-85	86-100

Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичини назорат қилиш мезони

Балл	**Баҳо**	**Талабанинг билим даражаси**
86-100	Аъло	Хулоса ва қарор қабул қилиш Ижодий фикрлай олиш Мустақил мушоҳада юритиш Олинган билимларни амалда қўллай олиш Моҳиятини тушуниш Билиш, айтиб бериш Тасаввурга эга бўлиш
71-85	Яхши	Мустақил мушоҳада юритиш Олинган билимларни амалда қўллай олиш Моҳиятини тушуниш Билиш, айтиб бериш Тасаввурга эга бўлиш
55-70	Қониқарли	Моҳиятини тушуниш Билиш, айтиб бериш Тасаввурга эга бўлиш
0-54	Қониқарсиз	Аниқ тасаввурга эга бўлмаслик Билмаслик

Фанлар бўйича ОН, ЖН ва ЯН баҳолашдаги мезонлар

Фанлар бўйича ОН баҳолашдаги мезонлар

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъло	Ҳар бир фан мавзуси бўйича хулосалар ва қарорлар қабул қилиб, ўз фикри билан ифодалаш, амалда мушоҳада қилиб қўллай олиши, аниқ тасаввурга эга бўлиш, ва фанлар режасидаги маърузаларни конспект қилиб, мустақил иш вазифасини топширган бўлиши керак.
71-85	Яхши	Мавзулар бўйича мушоҳада юритиб, амалда қўллай олиши моҳиятини билиб, аниқ тасаввурга эга бўлиши айтиб бериши ва маърузаларни конспект қилиб мустақил иш вазифасини топширган бўлиши керак.
55-70	Қониқарли	Барча фан маърузаларига қатнашган мустақил ишларни топшириб ва моҳиятини тушуниб, тасаввурга эга эканлигини кўрсатиши керак.
0-54	Қониқарсиз	Қолдирилган дарсларни қайта ишламаган, мустақил иш топшириғини бажармаган ва фандан аниқ тасаввурга эга бўлмаслик

Фанлар бўйича ЖН баҳолашдаги мезонлар

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	аъло	Амалий (лаборатория ёки семинар) машғулотлари топшириқларни бажарган, мавзу бўйича ижодий хулоса ва қарор қилиб, ўз фикри билан мушоҳада юрита олиб, моҳиятини тушунтирган, мустақил иш топшириғини бажарган бўлиши керак.
71-85	яхши	Амалий (лаборатория ёки семинар) машғулотлар топшириқларини бажарган мустақил мушоҳада юритиб, моҳияти бўйича айтиб бериши ва мустақил иш топшириғини бажарган бўлиши керак.
55-70	Қониқарли	Топшириқларни бажарган ҳисоботини топширган ва моҳиятини тушуниб тасаввурга эга бўлиб айтиб берган ва мустақил иш топшириғини бажарган бўлиши керак.
0-54	Қониқарсиз	Қолдирилган дарслар қайта ишланмаган, мустақил иш топшириғи бажармаган ва фандан аниқ тасаввурга эга бўлмаган.

Фанлар бўйича ЯН баҳолашдаги мезонлар

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	аъло	ЯН турлари бўйича берилган барча саволларга ижодий ёндошиб, ўз хулоса ва қарорлари, мустақил мушоҳадада кўрсатиб бера олса.
71-85	яхши	ЯН турлари бўйича берилган барча саволларга мустақил хулоса ва фикрларда ҳамда амалдаги қўлланишларига миссоллар келтириб моҳиятини тушунтира олиш.
55-70	Қониқарли	ЯН турлари бўйича берилган барча саволларнинг моҳиятини тушуниб айтиб берса.
0-54	Қониқарсиз	ЯН турлари бўйича берилган саволларга жавоб бермаслик, билмаслик.

Таянч иборалар: Рейтинг тизими, баҳолаш, жорий баҳолаш, оралиқ назорат, якуний назорат, мустақил иш, саралаш балли, талабанинг рейтинг балли, Рейтинг қайдномаси.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Ўқитиш жараёнида талабалар билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш қандай амалга оширилади?
2. Талабалар билимини ўзлаштириш кўрсаткичини 100 баллик тизимда баҳолаш мезонлари нималардан иборат ?
3. Фанлар бўйича ОН, ЖН ва ЯН баҳолашдаги мезонлар қандай амалга оширилади?
4. ОН, ЖН ва ЯН назоратларнинг фарқи нимадан иборат ?
5. Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичида 86 баллдан 100 баллгача тўплаган талабаларнинг билим даражаси қандай бўлиши керак?
6. Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичида 71 баллдан 85 баллгача тўплаган талабаларнинг билим даражаси қандай бўлиши керак?

6-Мавзу. Таълим технологияларига асосланган ўқитишнинг усуллари

Режа:

1. Таълим технологиясининг моҳияти
2. Таълим технологияларининг хусусиятлари

1. Таълим технологиясининг моҳияти

“Технология” юнонча сўздан келиб чиққан бўлиб “течне” - маҳорат, санъат, малака ва “логос” - сўз, таълимот маъноларини англатади.

Ишлаб чиқариш технологияси:

- Хом-ашё, материал, ярим тайёр маҳсулотларни олиш, уларни қайта тайёрлаш ёки уларга ишлов бериш йўл ва усулларининг йиғиндиси (технологияни жараёнли-баёнли томони);
- юқорида кўрсатилган йўл ва усулларни ишлаб чиқувчи ва такомиллаштирувчи илмий фан. Технологияни илм сифатидаги вазифаси, моддий манба ва вақтлар кам сарфлашни талаб этувчи самарали ва тежамкор ишлаб чиқариш жараёнларини аниқлаш ва амалиётда улардан фойдаланишни аниқлаш мақсадидаги қонуниятларни топиш ҳисобланади (илмий томони);

Таълимни технологиялаштириш бу ўқитиш жараёнига технологик ёндашиш асосида таълим мақсадларига эришишнинг энг мақбул йўллари ва самарали воситаларни тадқиқ қилувчи ва қонуниятларни очиб берувчи педагогик йўналишдир.

Таълим технологияси:

- бу мавжуд шароит ва ўрнатилган вақтда белгиланган таълимий мақсад ва кўзланаётган натижаларга кафолатли эришишни воситали таъминловчи, мулоқот, ахборот ва бошқарувнинг энг қулай йўл ва ўқитиш воситаларининг тартибли йиғиндиси (таълим бериш технологиясининг жараён-баёнли жиҳати);
- бу мавжуд юзага келган таълимий жараён субъектларининг ҳамкорий ҳаракатлари, ҳақиқий жараён (таълим бериш технологиясининг амалий-жараён жиҳати) тартиби.

“Таълимий технология” – “таълим олиш шаклларини мақбуллаштиришни ўз вазифалари деб қўювчи, яъни бутун таълим бериш жараёнини ҳамда техникавий ва инсоний манбаларни ҳисобга олган ҳолда билимларни ўзлаштириш ва уларнинг ўзаро ҳаракатини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли усули” (ЮНЕСКО).

2. Таълим технологияларининг хусусиятлари

Метод (усул) - юнонча сўздан олинган бўлиб, “Методос”- бирор нарсага йўл маъносини англатади.

Таълим бериш усули - белгиланган таълим бериш мақсадига эришиш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчилар ўзаро фаолиятини тартибли ташкил этиш йўли.

Таълим бериш усули, таълимий мақсадни амалга ошириш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчи билан ҳамкорлик фаолиятининг мураккаб жараёнининг асоси ҳисобланади. Усуллар: ушбу таълим бериш давридан чиққанда таълим олувчи билиши, удаллаши ва қадрлаши лозим бўлган кўзланаётган натижаларга эришишни таъминлайди.

Фаол таълим бериш усули - таълим олувчиларнинг билим фаолиятларини рағбатлантирувчи усулдир. У ёки бошқа муаммони ечиш тўғрисидаги фикрларни эркин алмашинувини назарда тутувчи суҳбат асосида қурилади

Энг кўп тарқалган ва хусусиятга эга бўлган таълим усуллари қуйидагилар ҳисобланади: суҳбат, баҳс, ўйин, кейс-стади, лойиҳалар усули, муаммоли усул, ақлий ҳужум ва бошқалар ҳисобланади

Интерфаол (Интерактиве) - суҳбатли.

Интерфаол таълим бериш - суҳбатли таълим бериш, бунда таълим берувчи ва таълим олувчи, таълим олувчи ва компьютернинг ўзаро ҳаракати амалга оширилади

Интерфаоллик таълим бериш соҳасида умуман янги ҳодиса, бунга биноан таълим берувчи:

- ўқитувчи, бошқа талабалар, маъмурият билан фақат шахсий учрашув йўли билан эмас, балки таълим жараёнининг барча субъектлари билан фаол ўзаро ҳаракат қилиши мумкин;
- мультимедиали объектларни таҳлил этиш жараёнида уларнинг мазмуни, шакли, ўлчови ва рангини ўзгарувчан бошқариш, уларни ҳар томондан кўриб чиқиш, шунга ўхшаш бошқа ҳаракатларни бажаришни, энг кўп кўргазмалиликка эришишда тўхтатиш ва хоҳлаган жойида яна ишга тушириши мумкин.

И Н С Е Р Т

Инсерт – самарали ўқиш ва фикрлаш учун матнда белгилашнинг интерфаол тизими.

Инсерт – аввалги билимларни фаоллаштириш ва матнда белгилаш учун саволларнинг қўйилиш муолажаси. Шундан сўнг матнда учрайдиган, ҳар турдаги ахборотларнинг белгиланиши.

Инсерт - матн билан ишлаш жараёнида таълим олувчига ўзининг мустақил билим олишини фаол кузатиш имконини таъминловчи кучли асбоб.

Инсерт - ўзлаштиришнинг мажмуали вазифаларини ечиш ва ўқув материалини мустаҳкамлаш, китоб билан ишлашнинг ўқув малакаларини ривожлантириш учун фойдаланиладиган ўқитиш усулидир.

Матнда белгилаш тизими

(√) - мен биламан деганни тасдиқловчи белги;

(+) - янги ахборот белгиси;

(–) - менинг билганларимга, зид белгиси;

(?) - мени ўйлантириб қўйди. Бу бўйича менга қўшимча ахборот керак белгиси.

Инсерт жадвали

Мавзу саволлари	Мен билган маълумот-ларга мос В	Мен билган маълумот-ларга зид –	Мен учун янги маълумот +	Мен учун тушунар-сиз ?
Иқтисодиётда туризм соҳасининг роли				



«Кластер» усули



Кластерни тузиш қоидаси

1. Ақлингизга нима келса, барчасини ёзинг. Ғоялари сифатини муҳокама қилманг фақат уларни ёзинг.
2. Хатни тўхтатадиган имло хатоларига ва бошқа омилларга эътибор берманг.
3. Ажратилган вақт тугагунча ёзишни тўхтатманг. Агарда ақлингизда ғоялар келиши бирдан тўхтаса, у ҳолда қачонки янги ғоялар келмагунча қоғозга расм чизиб туринг.



ББББ техникаси қоидаси

Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ- Биламан/ Билишни ҳоҳлайман/ Билиб олдим.

Мавзу, матн, бўлим бўйича изланувчиликни олиб бориш имконини беради.

Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Жадвални тузиш **қоид**аси билан танишадилар. Алоҳида кичик гуруҳларда жадвални расмийлаштирадилар.

“Мавзу бўйича нималарни биласиз” ва “Нимани билишни хоҳ**лайсиз” деган саволларга жавоб берадилар (олдиндаги иш учун йўналтирувчи асос яратилади). Жадвалнинг 1 ва 2 бўлимларини**

Маърузани тинглайдилар, муста**қил ўкийдилар.**

Муста**қил,** кичик гуруҳларда жадвалнинг 3 бўлимни тўлдирадилар

ББББ жадвалини тўлдиринг

№	Мавзу саволлари	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
1	Турист тушунчасининг моҳияти			
2	Саёҳатчи тушунчасининг моҳияти			
3	Турист ва саёҳатчининг фарқи			

7-Мавзу. МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ, СОЛИШТИРИШ ВА ТАҚҚОСЛАШ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ

Режа:

1. Маълумотларни таҳлил қилишда СВОТ-таҳлилидан фойдаланиш
2. Имконият ва хавфлар матрицаларининг туркорхона стратегиясига таъсири

Ушбу маърузада маълумотларни таркиблаштириш ва умумлаштириш усул ва воситалари, ўрганилаётган тушунчалар (ҳодисалар, воқеалар, мавзулар ва шу кабилар) ўртасида алоқа ва алоқадорликни ўрнатиш; маълумотларни таҳлил қилиш, солиштириш ва таққослаш; муаммоларни ҳал этишни режалаштириш каби масалалар қараб чиқилади.

График – фикрий жараёнларни кўргазмали тақдим этиш воситаси.

1. СВОТ таҳлили



СВОТ – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

Стренгтҳс – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;

Веакнесс – кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;

Оппортунитиэс – имкониятлар; корхона ривожланиши учун ташқаридаги мавжуд имкониятлар;

Тҳреац – хавфлар, ташқи муҳитдаги мавжуд хавф-хатарлар

СВОТ-таҳлил жадвали

С	**В**
О	**Т**

- **Қоидага кўра, СВОТ – таҳлил муваффақияти ташкилотга боғлиқ бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда унинг натижаси ҳисобга олинишига боғлиқ бўлади. Уни қўллашда элементларини қуйидагича талқин қилиш мумкин:**

	Кучли томонлари (корхона ички ресурслари)	- барқарор ривожланишнинг асосий механизми бўлиб хизмат қилади - янги лойиҳалар асоси ҳисобланади - ноқулайликларни енгиб ўтиш воситаси ҳам бўлиши мумкин
	Кучсиз томонлари (корхона ички муаммолари)	- корхона фаолияти айнан шу каби камчиликларни енгиб ўтишга йўналтирилган бўлиши лозим - янги лойиҳалар учун ўзак мақсад ҳисобланади - ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда мажбуран ҳисобга олиниши зарур
	Имкони ятлар (ташқаридан)	- молиялаштириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча ресурслари ёки ташқи манбаси бўлиб хизмат қилади - корхона мақсади билан қанчалик даражада улар мос келиши ёки қанчалик муросага келиш имконияти борлигини ҳисобга олиш зарур бўлади - янги лойиҳалар асоси, ёхуд ҳамкорлик манбаси бўлиши мумкин
	Хавфлар (ташқаридан)	- ҳар бир янги лойиҳада ҳисобга олиниши зарур - уларни бартараф этиш чора-табирларини ишлаб чиқиш талаб этилади; - айрим ҳолларда «душманни» «иттифоқчи» га айлантириш парадоксал варианти мумкин бўлади

СВОТ усулини қўллаш орқали корхонага хос бўлган кучлилик ва камчилик ўртасида ҳамда ташқи хавф ва имкониятлар ўртасида алоқа йўлларини ўрнатишга эришилади. СВОТ методологияси аввал кучли ва кучсиз томонларни аниқлашни, шунингдек, хавф ва имкониятларни ва ундан сўнг улар ўртасида корхона стратегиясини аниқ ифода қилиш учун ишлатилиши мумкин бўлган алоқа занжирини ўрнатишни мўлжаллайди.

Томпсон ва Стрикланд ташқи муҳит билан боғлик бўлган хавф ва имкониятлар рўйхатини, ҳамда корхонанинг кучли ва кучсиз томонлар рўйхатининг қуйидаги тахминий тавсифлар йиғиндисини таклиф қилишди.

Кучли жиҳатлар:

- чуқур билимга эгалик;
- муқобил молиявий ресурслар;
- юқори малака;
- харидорлардаги яхши фикр;
- бозорнинг машҳур пешқадами;
- корхона фаолиятининг функционал доирасида тадбиркор стратег;
- ишлаб чиқариш хажмини ўсишда иқтисод қилишга эга бўлиш;
- кучли рақобатчи тазйиқидан ҳимояланиш (қаерда бўлса ҳам);
- кулай технология;
- харажатлар доирасида афзаллик;
- рақобат доирасида афзаллик;
- инновацион қобилиятларни борлиги ва уларни ҳаётга тадбиқ қилиш имконияти;
- вақт билан синалган менежмент;

Кучсиз жиҳатлар:

- аниқ стратегик йўналишнинг йўқлиги;
- ёмонлашиб борувчи рақобатдаги ҳолат;
- эскирган жиҳоз;
- анча паст даромад, чунки .....;
- бошқариш қобилиятининг ва муаммоларни ҳал қилишда талантнинг етишмаслиги;
- айрим муҳим малака ва мутахассислик билим турларининг йўқлиги;
- стратегик жараёнларни бажарилишини ёмон кузатилиши;
- ички ишлаб чиқариш муаммоларидаги қийинчиликлар;
- рақобат тазйиқига нисбатан заифлик;
- тадқикот ва ишлаб чиқиш соҳасида қолоқлик;
- жуда тор ишлаб чиқариш тизими;
- бозор ҳақида суст тасаввур;
- рақобат билан боғлиқ бўлган нуқсонлар;
- ўрта кўрсаткичдан паст бўлган маркетинг қобилияти;
- стратегияда зарур ўзгаришларни молиялаштира олмасилиги.

Имкониятлар:

- янги бозорларга ёки бозор сегментларига чиқиш (янги турлар);
- хизмат кўрсатиш тизимини кенгайтириш;
- ўзаро боғлиқ (туристлик) маҳсулотларда турли – туманликни ошириш;
- ўхшаш маҳсулотларни қўшиш (кўпайтириш);
- вертикал интеграция;
- энг яхши стратегия гуруҳига ўтиш имконияти;
- рақобатчи фирмалар ўртасида устунлик;
- бозор ривожланишини жадаллаштириш.

Хавфлар:

- янги рақобатчиларнинг пайдо бўлиш имконияти;
- ўрнини босувчи маҳсулотлар сотилишининг ўсиши;
- бозор ривожланишининг секинлашиши;
- хукуматнинг номувофиқ сиёсати;
- ўсиб борувчи рақобатнинг тазйиқи;
- ишчанлик циклининг сўниши;
- харидор ва етказиб берувчиларда савдолашиш кучининг ўсиши;
- харидорларнинг талаб ва дидининг ўзгариши;
- салбий демографик ўзгаришлар.

2. Имконият ва хавфлар матрицаларининг туркорхона стратегиясига таъсири;

Корхона ушбу рўйхатнинг 4 та қисмини ҳар бирини ўзи турган аниқ вазиятни акс эттирувчи ички ва ташқи муҳит таърифи билан тўлдириши мумкин.

Корхонанинг кучли ёки кучсиз томонларини шунингдек, хавф ва имкониятларини **аниқ рўйхати тузилгандан сўнг улар ўртасидаги ўзаро алоқа ўрнатиш босқичи бошланади**. Ушбу алоқаларни ўрнатиш учун қуйидаги кўринишга эга бўлган СВОТ матрицаси тузилади.

	Имкониятлар	**Хавфлар**
Кучли жиҳатлар	КИ майдони	КХ майдони
Кучсиз жиҳатлар	КсИ майдони	КсХ майдони

Чап томонда таҳлилнинг биринчи босқичида ташкилотнинг барча кўрасаткичлари ёзилган 2 та блок (кучли жиҳатлар, кучсиз жиҳатлар) ажратилади. Матрицанинг юқори қисмида барча кўрсатилган имконият ва хавфлар ёзилган. яна 2 та блок (имкониятлар ва хавфлар) ажратилади. Блокларнинг кесишишида 4 та майдон юзага келади: куч ва имкониятлар(КИ); куч ва хавфлар (КХ); кучсизлик ва имкониятлар (КсИ); кучсизлик ва хавфлар(КсХ) майдонлари.

Ҳар бир майдондан тадқиқотчи барча бўлиши мумкин бўлган жуфт комбинацияларни кўриб чиқади ва улардан корхонанинг келажакдаги ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши керак бўлганларни ажратиб олади.

Куч ва имкониятлар майдонидан олинган жуфтликка нисбатан ташқи муҳитда пайдо бўлган имкониятлардан сермаҳсул ишни олиб бориш учун ташкилотнинг кучли томонларидан фойдаланиш стратегиясини ишлаб чиқиш зарур.

Кучсизлик ва имкониятлар майдонида намоён бўлган жуфтликлар учун стратегия шундай тузилиши керакки, пайдо бўлган имкониятлар эвазига ташкилотда мавжуд кучсизликларни енгишга ҳаракат қилиш керак.

Агар жуфтлик куч ва хавфлар майдонида жойлашган бўлса, у ҳолда стратегия корхона кучини хавфларни йўқотиш учун фойдаланишга қаратилиши керак.

Ниҳоят, кучсизлик ва хавфлар майдонида жойлашган жуфтликлар учун ташкилот шундай стратегияни тузиши керакки, у ҳам кучсизликдан ҳалос бўлишига, ҳам таҳдид қилаётган хавфнинг олдини олишга ҳаракат қилишга имкон бериши керак.

Стратегияни ишлаб чиқаётганда шуни эсда тутиш керакки, имкониятлар ва хавфлар ўзаро қарама-қаршиликка ўтиши мумкин. Фойдаланилмаган имкониятлар хавфга айланиши мумкин, агар ундан рақибингиз самарали фойдаланса. Аксинча, муваффақиятли бартараф қилинган хавф, рақиблар айнан мана шу хавфни бартараф қила олмаган ҳолдагина корхона олдида қўшимча имкониятлар очиб бериши мумкин.

Қўйидаги мисолда СВОТ таҳлил матрицасининг кучсиз томонлар ва бериладиган имкониятлар туташган нуқталарида 25 та майдон ҳосил бўлади. Бундан эса корхонанинг кучсиз томонларини бартарф этиш учун бериладиган имкониятлардан қандай фойдаланиш стратегиясини танлаш лозим бўлади.

Имкониятлар / Кучсиз томонлар	Янги бозорга чикиш. Бозорни кенгайтириш	Хизмат кўрсатиш тизимини кенгайтириш	Махсулотлар турини купайтириш	Бозорда махсулотга талабни ошиши	Инвестицион имкониятлар
Стратегиянинг йуклиги ёки талаб доирасида ишлаб чикилмаган стратегия	1.	2.	3.	4.	5.
Янги ракобатчиларни пайдо булиши	6.	7.	8.	9.	10.
Бозор хакида тасаввур йуклиги ёки бозорни ёмон урганиш	11.	12.	13.	14.	15.
Ишлаб чикаришда муаммолар. Кадрлар етишмаслиги	16.	17.	18.	19.	20.
Бошкарувни ёмонлиги	21.	22.	23.	24.	25.



Корхонада стратегия бўлмаса, у корхона ҳаракатлана олмайди. Янги бозорга чиқиш учун эса шу бозорни ўрганган ҳолда шу ҳолатга мослаб стратегик режа ишлаб чиқиш керак. Стратегик режа тузишда бозорга чиқарилаётган товарларни сотилиш хажмини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.



Бу меҳмонхона Самарқанддаги меҳмонхоналар ичида энг машҳур ва юқори даромадга эга ҳисобланади. Агар у меҳмонхонага инвестициялар киритилса, у инвестициялар эвазига меҳмонхонада янги хизмат турларини яратиш, кўрсатиладиган хизмат сифатини яхшилаш, рекламани янада кучайтириш стратегияини ишлаб чиқиш керак бўлади.



Маҳсулотларнинг турли-туманлигини оширишда, харидорларнинг шу маҳсулотга бўлган эҳтиёж даражасини ҳисобга олиш жуда катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга буни амалга ошириш учун маълум бир билим, тажриба ва аниқ бир стратегияга эга бўлиш керак. Бунинг учун эса шу товарнинг бозордаги ҳолатини, яъни товарга бўлган талабни ўрганган ҳолда стратегик режани ишлаб чиқиш керак.



Бозордаги маҳсулотларга талаб ошгандан сўнг, ҳар бир корхона ўз олдига маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни мақсад қилиб қўяди. Аммо рақобатчилар мавжуд эканилигини ёддан чиқармаслик керак. Улар ҳам бозорда биз қатори ҳаракат қилади. Шунинг учун биз бозорни қайси қисмини эгаллай олишимиз мумкин, қанча товар ишлаб чиқарамиз? каби саволларга жавоб топишимиз керак. Бу уз навбатида стратегик режа тузишга туртки бўлади.

Жадвалдан фойдаланиш тартиби	**ИМКОНИЯТЛАР:**	**ХАВФЛАР:**
Ҳар бир ҳолатда тадқиқотчи барча бўлиши мумкин бўлган жуфт комбинацияларни кўриб чиқади ва улардан корхонанинг келажакдаги ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши керак бўлганларни ажратиб олади. Мисол: мислсиз билимга эгалик + янги бозорларга ёки бозор сегментларига чиқиш = Натижада ушбу бозорни ёки унинг сегментини анча узоқ вақт оралиғида мукаммал эгаллаш имконияти пайдо бўлади.	• янги бозорларга ёки бозор сегментларига чиқиш; • хизмат кўрсатиш тизи-мини кенгайтириш; • ўзаро боғлиқ маҳсулотларга турли-туманликни ошириш; • бир хилдаги маҳсулотларни қўшиш • вертикал интеграция; • энг яхши стратегия гуруҳига ўтиш имконияти; • рақобатдаги фирмалар ўртасида афзаллик; • бозор ривожланишини	•янги конкурентларнинг пайдо бўлиш имконияти; •ўрнини босувчи маҳсулотлар сотилишини ўсиши; •бозор ривожланишини секинлашиши; •ҳукуматнинг номувофиқ сиёсати; •ўсиб борувчи конкурент тазйиқ; •ишбилармонлик циклининг рецессия ва сўниши; •харидор ва етказиб берувчиларда •савдолашиш кучининг ўсиши; харидорларнинг талаб ва дидини ўзгариши;

	(тараққий этишини) жадаллаштириш.	
КУЧЛИ ТОМОНЛАР: • мислсиз билимга эгалик; • ўхшаш молиявий ресурслар; • юқори малака; • харидорлардаги яхши эътибор • бозорнинг машхур пешқадами; • ташкилот фаолиятининг функционал доирасида топқир стратег; • ишлаб чиқариш хажмининг ўсишида иқтисод қилишга эга бўлиш; • кучли конкурент тазйиқидан ҳимояланиш (қаерда бўлса ҳам); • қулай технология; • харажатлар борасида афзаллик; • рақобат доирасида афзаллик; • инновацион қобилиятларнинг борлиги ва уларни қўллаш имконияти; • вақт билан текширилган менеджмент.	Мисол: мислсиз билимга эгалик + янги бозорларга ёки бозор сегментларига чиқиш = Натижада ушбу бозорни ёки унинг сегментини анча узоқ вақт оралиғида мукаммал эгаллаш имконияти пайдо бўлади. **КИ**	**КХ**
КУЧСИЗ ТОМОНЛАР: • аниқ стратегик йўналишнинг йўқлиги; • ёмонлашиб борувчи конкуренция асосидаги позиция; • эскирган жихоз; • анча паст даромад, чунки.. • бошқариш қобилиятининг ва бошқа муаммоларни қўлга олишда теранликни етишмаслиги; • бир қанча муҳим малака ва таркибий қисм турларининг йўқлиги; • стратегияни бажариш жараёнининг ёмон кузатилиши; • ички ишлаб чиқариш	**КСИ**	**КСХ**

муаммоларидаги қийинчиликлар; • рақобат тазйиқига нисбатан заифлик; • тадқиқот ва ишлаб чиқариш соҳасида қолоқлик; • жуда тор ишлаб чиқариш тизими; • бозор ҳақида суст тасаввур; • конкуренция билан боғлиқ бўлган нуқсонлар; • ўртадан паст бўлган маркетинг қобилияти; • стратегияда зарур ўзгаришларни маблағ билан таъминлаш имконияти йўқлиги.		

🕘 Қўйидаги ўқув топшириғини бажариш учун 4 гуруҳга бўлининг:

1. Мустақил равишда сизларга берилган 4 майдондан биринг тегишли кўрсатгичларини танлаб олинг ва унда хосил бўладиган холатларни ёзма равишда ёки Ровер Поинт дастури ёрдамида тайёрлаб келинг:

КИ (куч ва имкониятлар);

КХ (куч ва хавфлар);

КуИ (кучсизлик ва имкониятлар);

КуХ (кучсизлик ва хавфлар).

2. Ёзганларингизни гуруҳда мухакома қилинг ва биргаликда бўлиши мумкин бўлган жуфт комбинацияларни кўриб чиқинг ва улардан корхонанинг келажакдаги ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши керак бўлганларни ажратиб олинг.

3. Ушбу жуфт комбинацияларни жорий қилиниш усулини конкрет мисолда кўриб чиқинг

Гурухнинг ушбу мавзу бўйича билимларини ифодаловчи кўргазмали тақдимот тайёрланг.

8-Мавзу. ТАЛАБАЛАР ТАМОНИДАН РЕФЕРАТ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ

Режа:

1. Реферат турлари ва таркиби
2. Реферат устида ишлаш тартиби
3 Рефератни расмийлаштириш
4. Рефератни баҳолаш

Реферат – мавжуд матн ёки бир қанча матнларни изоҳловчи шаклларидан бири саналади. Шу боисдан, конспектдан фарқли ўлароқ, реферат янги, муаллиф матни саналади. Ушбу ҳолатда янгиликни янгича тақдим этиш, материалларни тартиблаштириш, ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштиришда алоҳида муаллифлик ёндашуви тушунилади.

Рефератлаштириш ўзида бир ёки бир қанча манбаларни турлаштириш, умумлаштириш, таҳлил ва синтез қилишга асосланиб маълум бир масалани ифода этишни мужассам этади.

Реферат – ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштириш ва таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлишни талаб этадиган бир ёки бир қанча манбаларни ўзида мужассам этадиган ғояларни қисқача ёзма кўринишдаги тақдимотидир.

Рефератнинг хусусияти:

- муфассал исботлар, солиштирмалар, мулоҳазалар, баҳоларни ўз ичига
- матнда янги, муҳим саволларга жавоб беради.

1. Реферат турлари ва таркиби



Реферат ифода этилаётган саволга референтнинг субъектив қарашларини ҳамда матнга баҳо беришни ўзида мужассам этмаслиги лозим.



Реферат асосий эътиборни янги маълумотларга қаратади ва дастлабки матнга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқлигини аниқлаб беради!

Ўқув фани бўйича реферат тайёрлаш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутади:

- Ўқув предмети долзарб назарий масалалари бўйича билимларини чуқурлаштириш, талаба томонидан мавзуга ушбу олинган назарий билимларни ижодий қўллаш кўникмасини ҳосил қилиш.
- Танланган касбий соҳада хориж тажрибаларини, мавжуд шароитларда уларни амалий жиҳатдан қўллаш имкониятлари ва муаммоларини ўзлаштириш.
- Танланган мавзу бўйича ҳар хил адабий манбаларни (монография, даврий нашрлардаги илмий мақолалар ва шу кабилар) ўрганиш қобилиятини

такомиллаштириш ва улар натижалари асосида танқидий ёндашган тарзда мустақил ҳамда билимдон ҳолда материални ифода этиш, ишончли хулоса ва таклифлар қилиш.

- Ёзма кўринишдаги ишларни тўғри расмийлаштириш кўникмаларини ривожлантириш.

Реферат оддий тарзда материалларни кўчириш, бир ёки бир нечта манбалар материалларини ўгирлаб кўчириш билан ҳеч қачон муроса қилмайди. Унда муаллиф томонидан адабиётни ўрганиш орқали ўз фикрлари, қарашлари, хулоса ва таклифлари аниқ тарзда ифода этилиши лозим.

2. Реферат устида ишлаш тартиби

1. МАВЗУНИ ТАНЛАШ

1. МАВЗУНИ ТАНЛАШ

Кафедра томонидан таклиф этиладиган реферат мавзулари мисол тарикасида бўлади. Ўзингиз шахсий қизиқишингиз ва майлингизга жавоб берадиган мавзу танлашга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир. Ўзингиз қизиқишингиз доирасида, танланган муаммо ва уни асослашга таяниб кафедра таклиф этган мавзуга кирмаган реферат мавзусини тақдим этишингиз мумкин. Ушбу ҳолатда таклиф этаётган мавзуингизни қатъий равишда илмий раҳбарингиз билан келишиб олишингиз зарур бўлади.

2. Тайёрлов босқичи: асосий манбаларни ўрганиш

Реферат мавзусини танлаганингиздан сўнг танланган мавзуга оид саволлар доираси билан танишинг:

- маъруза материалларини қараб чиқинг;
- фан бўйича ўқув дастурида ушбу мавзуни ўрганиш учун тавсия этилган адабиётлар билан қайтадан танишиб, уларни таҳлил қилинг.

Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.

КамИСИ ахборот-ресурс маркази, шунингдек Самарқанд шаҳри кутубхоналарида мавжуд бўлган каталоглардан фойдаланган ҳолда реферат мавзуси бўйича адабий манбалар доирасини кенгайтиринг.

Ўқув ва монографик адабиётлар, Интернет сайтлари билан бир қаторда қуйидаги даврий ойлик журналларда: «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», «Маркетинг», «Лизинг ревю», «Туризм», «Бозор, пул ва кредит», «Компания», «Эксперт», «Секрет фирмы», «Деньги», «Бошқариш санъати», «Иқтисодчи», «Проблемы теории и практики управления», «Вопросы экономики» ва шу кабиларда чоп этилган илмий мақолалардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Реферат сифатини оширишда мавзуга тааллуқли Ўзбекистон Республикасининг қонуний ҳужжатлари ҳамда ҳукумат қарорларидан фойдаланиш ҳам муҳим ўрин тутади.

Ишнинг дастлабки босқичи якуни бўлиб библиография хизмат қилади.

3. Зарурий материалларни конспектлаш

4. Тадқиқот муаммоси мантиқини яратиш, реферат режасини тузиш

Реферат режаси қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- кириш;
- асосий қисм;
- хулоса;
- фойдаланилган адабиётлар рўйҳати;
- илова (зарурат бўлганда).

Реферат режаси танланган мавзуга тааллуқли ва унинг асосий мазмунини қамраб оладиган саволлар доирасини аниқлайди. У референтга мавзу материалларини йиғишда умумий йўналишни олишга имкон беради, унинг тўғри танланиши ва ифода этилишини таъминлайди.

Пухта ўйлаб чиқилган, ҳар бир қисми танлаб олинган материал билан таъминланган режа – рефератни муваффақиятли ёзиш муҳим асосидир.

Рефератнинг асосий қисмини лўнда ва аниқ номига эга савол ва кичик саволчалар (қисмчалар)га бўлиб чиқиш зарур.

5. Йиғилган материални тартиблаштириш ва ёзиш

Кириш қисмида назарий ва амалий жиҳатдан мавзунинг долзарблиги асосланади, мақсадлар шакллантирилади ва вазифалар белгиланади.

Агарда реферат монографик (битта манба ва муаллиф рефератлаштирилса) кўринишда бўлса, кириш қисмида:

- муаллиф ҳақида қисқача маълумот (илмий даражаси, унвони, унинг мутахассислиги, бошқа ишлари);
- мавзу манбасининг қисқача баёни;
- иш мақсади;
- рубрикаси;
- муаллифнинг тутган ўрни ва бошқалар келтирилади.

Рефератнинг **асосий қисмида** барча муҳим фикрлар акс эттирилиши зарур.

Режага биноан, рефератнинг асосий қисми йиғилган материални тақсимлашга кўра мос равишда саволлар ва саволчаларга (қисмларга) ажратилиши талаб этилади.

Ҳар ажратилган савол, саволча (қисм), рефератни таркибий қисмларга ажратиш бутунлигича қуйидаги формула асосида бўлиши лозим: вазифа-ишланма-хулоса.

Ифода шакли – референт танлови: конспект шаклида, фрагментли, таҳлилий.

Адабиётларни аннотация йўлига сакрашга йўл қўйилмайди. Ҳар бир манба тадқиқот қилинаётган мавзу доирасидагина таҳлил қилинмоғи лозим бўлади.

Реферат матнидаги ибора ва сўз бирикмалари намуналари

« ... ишда ... тизим қараб чиқилади»
«Кириш қисмида кўрсатиладики, яъни ... »
«Муаллиф шуни назарда тутадики, яъни ... »
«1-бобда қуйидаги саволлар ёритилади ... »
« ... 2-бобда тадқиқ этилади»
« ... ҳақда гапириб, муаллиф таъкидлайдики, ... »
«Ишда шунингдек қуйидагига эътибор қаратилади ... »
«Шундай қилиб, муаллиф ... деган хулосага келади»
«3-бобда ... татқиқ этилади, ... қараб чиқилади»
« ... зарурати аниқланадики ...»
«Хулосада муаллиф шундай ёзади: ... »

Материални ифода этиш тавсифий характерга эга бўлмаслиги керак. Мос равишда хулосалари бўлган таҳлил, шунингдек матн билан узвий боғланган статистик материаллар таҳлили бўлмоғи лозим.

Катта ҳажмли статистик маълумотларни жадвал ҳолига келтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Статистик маълумотлар асосида диаграммалар, графиклар, гистограммалар қуриш у ёки бу ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни тушунарлироқ ифода этишга ёрдам беради.

Барча рефератда келтириладиган жадваллар, диаграммалар, графиклар, схемалар, расмлар номланиши ва тартиб рақами қўйилиши керакдир. Улар тагига ушбу статистик маълумотлар олинган манбалар бетлари ҳам кўрсатилган ҳолда қўйилиши қатъий талаб этилади.

Матнда келтириладиган барча рақамлар тегишли манбаларга ҳаволаларни келтирилиши талаб этилади.

Матнда иқтибос келтирилса ёки муаллифлар илмий-тадқиқот ишларидаги хулосалар, қайдлар, мулоҳаза ва фикрлардан фойдаланилган ҳолатда муқаррар равишда ҳаволалар бўлиши лозим.

Реферат қадр-қиммати муаммоли саволлар бўйича ҳар хил қарашларни таҳлил қилиш, қабул қилинадиган ёки ўзининг тутган мавқеини асослаш саналади.

Хулоса танланган мавзуни ўрганиш натижасида талаба қилган хулосаларни ўз ичига олади, шунигдек, ҳал этилмаган ва келгусида ҳал этилиши талаб этиладиган саволларга бағишланади.

6. Адабиётлар рўйхатини расмийлаштириш

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати қўйидаги тартиб асосида тузилади:

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари;
2. Ўзбекистон Республикаси Фармонлари;
3. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари;
4. Меъёрий актлар, кўрсатмалар;
5. Даврий нашрларда чоп этилган китоблар, мақолалар.

Манбалар библиографик қайдида қуйидагилар кўрсатилади: муаллиф исми ва шарифи, китоб номи, чоп этилган манзилгоҳи, нашриёт номи ва чоп этилган йили. Агарда мақола журнал (газета) да чоп этилган бўлса, журнал (газета) номи, тартиб рақами ва йили, бети келтирилади.

7. Матнни таҳрир қилиш. Матнни имло ва стилистика нуқтаи назаридан текшириш

Реферат равон тилда аниқ ёзилган бўлиши ва жалб этадиган кўринишга эга бўлмоғи лозим. Сўзлар қисқартирилишига, фақат умумий қабул қилинганлардан ташқари, шунингдек, хатоликларга, тушунарсизликларга, стилистик тафовутларга йўл қўйилмайди.

Реферат илмий раҳбарга тақдим этилиши ҳолатида барча тарафлама максимал даражада меъёрига етказилган бўлмоғи лозим.

3. Рефератни расмийлаштириш

8. Рефератни расмийлаштириш

Илмий раҳбарга тақдим этиладиган реферат компьютерда 12-шрифт, 1,5 интервал оралиғида А4 шаклидаги қоғознинг бир томонида чапдан – 2,5 см, ўнгдан – 1,5 см, юқори ва пастидан – 2 см дан кам бўлмаган ҳошия қолдирилган ҳолда терилиши талаб этилади.

Матн саҳифалари тартиб рақамларига эга бўлиши лозим. Тартиб рақамлари бир варақдан иккинчи вараққа ўтадиган ва 3 бетдан бошланиши (биринчи ва иккинчи варақ - бу титул варағи ва иш режаси бўлиб, номерланмайди) лозим бўлади.

Варақ тартиб рақами юқорига ўртадан ёки ўнг томонга қўйилади.

Реферат ҳажми 16-20 бетдан ошмаслиги лозим.

Реферат қуйидагилардан:

1) титул варағи;
2) ҳар бир савол, саволча (қисм) варағи тартиб рақами кўрсатилган иш режаси;
3) кириш, тартиб рақами қўйилмайди;
4) манбаларга ҳаволалар келтирилган савол ва саволчаларга (қисмларга) бўлинган матн ифодаси;
5) хулоса, тартиб рақами қўйилмайди;
6) фойдаланилган адабиётлар рўйхати;
7) жадвал, диаграмма, график, расм ва схемалардан ташкил топган иловадан ташкил топади. Иловалар қатъий кетма-кет тикилади.

4. Рефератни баҳолаш

Реферат илмий раҳбар томонидан баҳоланади. Бунда қуйидаги шартли равишдаги кўрсаткич ва баҳолаш мезонлари қўлланилиши мумкин:

Баҳолаш кўрсаткичлари	**Баҳолаш мезонлари**
1.1. Рефератлаштирилган матннинг янгилиги Максимал баҳо – 20 балл	- муаммо ва мавзу долзарблиги; - муаммо қўйилиши янгилилиги ва мустақиллилиги, муаммо таҳлили учун танланган янги жиҳатлар шакллантирилиши; - муаллиф мавқеи мавжудлиги, мулоҳаза юритишдаги мустақиллиги
1.2. Муаммо моҳияти очиб берилиши даражаси Максимал баҳо – 30 балл	- реферат режасининг мавзуга мослиги; - мавзу мазмунининг реферат мавзуси ва режасига мос келиши; - муаммо асосий тушунчаларининг тўлиқлиги ва очиб берилиши доираси; - материаллар билан ишлаш услуб ва усуллари асосланганлиги; - адабиёт билан ишлаш маҳорати, материаларни тизимлаш ва тартиблаштириш; - қараб чиқилаётган масала бўйича ҳар хил қарашларни умумлаштириш, солиштириш бўйича кўникма, асосий мулоҳаза ва хулосаларни далиллаш
1.3. Манбаларни танлашни асосланганлиги Максимал баҳо – 20 балл	- муаммо бўйича адабий манбаларни доираси, улардан фойдаланиш тўлиқлик даражаси; - муаммо бўйича энг янги манбани жалб этиш (журналда чоп этилган, илмий ишлар тўпламлари ва бошқалар)
1.4. Расмийлаштириш қоидаларига амал қилиш Максимал баҳо – 15 балл	- фойдаланилган адабиётларга тўғри ҳавола қўйиш; - ифода тўғрилиги ва маданияти; - муаммо атамалари ва тушунчалар аппаратидан самарали фойдаланиш; - реферат ҳажмига қатъий риоя қилиш; - расмийлаштириш маданияти: хат бошиларни ажратиш
1.5. Равонлик, савод лилик Максимал баҳо – 15 балл	- орфографик ва синтактик хатоликлар бўлмаслиги, стилистик тафовутлар йўқлиги; - хатоликлар, қисқартирилган сўзлар, умумий қабул қилинганидан ташқари, бўлмаслиги; - адабий тарз

Пировардида реферат 100-балли тизимда баҳоланади ва 5-балли билимни баҳолаш қуйидагича амалга оширилади:

86-100 балл – «аъло»

70-85 балл – «яхши»

51-69 балл – «ўрта»

51 баллдан паст – «қониқарсиз»

Дастурда кўзда тутилган материалдаги билимни кундалик баҳолашда баллар ҳисобга олинади.

1. Ўқитувчи билан маслаҳатлашиб, реферат мавзусини танланг.
2. Танланган мавзу бўйича библиография тузинг.
3. Танланган иш юзасидан тадқиқот иши олиб боринг. У бўйича режа ёки конспект кўринишида ёзувни амалга оширинг – ўзингиз учун мақбул вариантдаги ишчи ёзувни танланг.
4. Танлаб олинган материаллардан фойдаланиб, барча талабларга биноан реферат ёзинг.

9-Мавзу: ТАЛАБАНИНГ МУСТАҚИЛ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ БАҲОЛАШ

Режа:

1. Талаба мустақил ишининг мақсад ва вазифалари
2. Талаба мустақил ишининг ташкилий шакллари
3. Талаба мустақил ишининг маълумот-ахборот таъминоти
4. Талаба мустақил ишини назорат қилиш ва баҳолаш
5. Мустақил ишда илмий-тадқиқотлар олиб бориш

5.1. Илмий-тадқиқот мавзусини танлаш ва баҳолаш

5.2. Илмий-техник ахборотлар ва уларни қидириш жараёнлари

1. Талаба мустақил ишининг мақсад ва вазифалари

Талабанинг мустақил иши ўқув режасида муайян фанни ўзлаштириш учун белгиланган ўқув ишларининг ажралмас қисми бўлиб, у услубий ва ахборот ресурслари жиҳатдан таъминланади ҳамда бажарилиши рейтинг тизими талаблари асосида назорат қилинади.

Олий таълим муассасасида талабанинг хафталик мустақил ишларининг умумий хажми бакалавриатнинг кундузги бўлимдаги 22 соатдан ортиғини ташкил этади.

Ўқув семестри якунида талабанинг мустақил иши бўйича тўплаган рейтинг баллари ҳар бир фан бўйича аудиториядаги ўқув ишларига берилган рейтинг баллари билан биргаликда гуруҳ рейтинг қайдномасида, талабанинг рейтинг дафтарчасида ва ўқиш якунида битирувчига тақдим этиладиган диплом иловасида қайд этилади.

Талаба мустақил ишининг асосий мақсади – ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида талабада муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдир.

Талаба мустақил ишининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- керакли маълумотларни излаб топишнинг қулай усуллари ва воситаларини аниқлаш;
- ахборот манбалари ва манзилларидан самарали фойдаланиш;
- анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш;
- Интернет тармоғидан самарали фойдаланиш;
- берилган топшириқнинг рационал ечимини белгилаш;

- маълумотлар базасини таҳлил этиш;
- иш натижаларини экспертизага тайёрлаш ва эксперт хулосаси асосида қайта ишлаш;
- топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндашиш;
- ишлаб чикилган ечим, лойиха ёки ғояни асослаш ва мутахассислар жамоасини ҳимоя қилиш.

2. Талаба мустақил ишининг ташкилий шакллари

Талаба мустақил ишини ташкил этишда муайян фан (курс)нинг хусусиятларини, шунингдек, ҳар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- нисбатан осон ўзлаштириш мумкин бўлган мавзулар (маъруза, амалий, семинар, лаборатория) машғулотларида ўтилмаган мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- курс иши (лойихаси)ни бажариш;
- малакавий битирув иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш (кейс-стади);
- макет, модел ва намуналар яратиш;
- илмий мақола, анжуманга маъруза тезисларини тайёрлаш.

Ўқитилаётган фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, талаба мустақил ишини ташкил этишда кафедралар бошқа шакллардан ҳам фойдаланилиши мумкиин.

Ўқув фанлари бўйича намунавий ва ишчи дастурларда талаба мустақил ишининг шакли, мазмуни ва ҳажми ифода этилади;

Талаба мустақил иши учун ажратилган вақт бюджетига мос равишда ҳар бир фан бўйича тегишли кафедраларда мустақил ишнинг ташкилий шакллари, топшириқлар вариантлари ишлаб чиқилади ва факультет кенгашида тасдиқланади.

Мустақил ишни бажариш учун фанлар бўйича талабаларга зарурий методик қўлланма, кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

3. Талаба мустақил ишининг маълумот-ахборат таъминоти

Талаба учун муайян фан буйича мустакил иш топшириқлари тегишли кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан тузилади ҳамда кафедра

мудири томонидан тасдиқланади. Талабага берилган топшириқда мустақил ишни бажариш бўйича дастлабки кўрсатма ва тавсиялар қайд этилади.

Мустақил ишни бажариш учун талабага ахборот манбааси сифатида дарслик ва ўқув қўлланмалар, методик қўлланма ва кўрсатмалар, маълумотлар тўплами ва банки, илмий ва оммавий даврий нашрлар, Интернет тармоғидаги тегишли маълумотлар, берилган ишлар банки ва бошқалар хизмат қилади.

Кафедра мудири ва тегишли факультет декани тақсимоти асосида олий таълим муассасаси раҳбарияти талабаларга мустақил ишларни бажариш учун зарурий ахборот манбаи ва воситаларини белгилайди, талабаларга турли кутубхоналар, музейлар, тармоқ муассасалари ва корхоналардан мустақил иш учун зарурий маълумотлар тўплаш юзасидан сўровнома хатларини расмийлаштириб беради.

Олий таълим муассасаси раҳбарияти томонидан талабаларга мустақил ишларни ўз вақтида бажариш учун компьютер техникаси ва Интернет тармоғидан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиб берилади.

4. Талабанинг мустақил ишини назорат қилиш ва баҳолаш

Ҳар бир фан бўйича талаба мустақил ишига раҳбарлик қилиш юкламаси (ишчи ўқув режасининг 10-устунида келтирилган) профессор-ўқитувчи шахсий иш режасининг ташкилий-услубий бўлимида (1540 соат доирасида) қайд этилади.

Талаба курс иши (лойиҳаси)ни ҳамда малакавий битирув иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлашга ажратилган соатлар, профессор-ўқитувчилар шахсий иш режасининг ўқув ишлари бўлимида қайд этилади.

Талаба мустақил ишига рахбарлик килиш кафедрада тузиладиган ва факультет декани томонидан тасдикланадиган консультациялар жадвали асосида амалга оширилади.

Талабанинг мустақил иши бўйича консультация соатлари ишчи дастурда акс эттирилган мавзуларга мос гурух журналида қайд этиб борилади.

Талаба мустақил ишини назорат қилиш ўқув машғулотларини бевосита олиб борувчи ўқитувчи томонидан амалга оширилади ва унинг шахсий иш режасида ўз аксини топади.

Талабанинг мустақил иши, муайян фан ишчи дастурида ажратилган соатларга мос рейтинг баллари билан баҳоланади ва натижаси фан бўйича талабанинг умумий рейтингига киритилади.

Талабанинг рейтинг кўрсаткичлари, шу жумладан мустақил иши бўйича, анъанавий гуруҳ рейтинг ойнасида ва (ёки) факультетнинг махсус электрон тармоғида ёритиб борилади.

Талаба мустақил ишини назорат қилиш турлари ва уни баҳолаш меъзонлари тегишли кафедра томонидан белгиланади ва факультет Илмий Кенгашида тасдиқланади. Мустақил ишларни, баҳолаш меъзонлари талабаларга ўқув йили (семестри) бошланиши олдидан методик материаллар билан биргаликда тарқатилади.

Мустақил иш бўйича белгаланган максимал рейтинг балининг 55 % дан кам балл тўплаган талаба фан бўйича якуний назоратга қўйилмайди.

Фанлар кесимида талабаларнинг мустақил ишлари бўйича ўзлаштириши мунтазам равишда талабалар гуруҳларида, кафедра йиғалишлари ва факультет Илмий Кенгашларида муҳокама этиб борилади.

Талабанинг мустақил иши бўйича ҳисоботлар тўплами якуний назорат топширган пайтда кафедра архивида рўйхатга олинади ва ўқув йили мобайнида сақланади.

Талабанинг курс иши (лойиҳаси)ни ҳамда малакавий битирув иши ёки магастрлик диссертациясини рўйхатга олиш ва сақлаш тартиби тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Олий таълим муассасасида юқори даражада баҳоланган талабаларнинг мустақил ишлари маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантирилади.

5. Мустақил ишда илмий-тадқиқотлар олиб бориш

5.1. Илмий-тадқиқот мавзусини танлаш ва баҳолаш

Илмий тафаккур муаммони ечиш билан боғлиқ. Муаммонинг йўқлиги фанда тадқиқотнинг барҳам топишига ва шу билан фан ривожланишининг тўхташига олиб келиши мумкин.

Илмий-тадқиқот ишлари қўйидаги омиллардан иборат: илмий йўналиш, муаммо ва мавзу.

Илмий йўналиш - фаннинг муайян соҳасида йирик, фундаментал ёки амалий масалани ҳал қилишга бағишланган илмий-тадқиқотлар жамланмаси. Илмий йўналиш таркибий бирликларга бўлинади: комплекс муаммолар, мавзулар ва саволлар.

Муаммо – ечимини, тадқиқотни талаб қиладиган мураккаб масала. У маълум вазиятнинг ҳосиласи бўлиб, бу вазият амалдаги эски билим ва тажриба ёки назарий йўл билан олинган янги билим ўртасида тафовут пайдо бўлганда юзага келади. Комплекс муаммо (ёки проблематика) одатда бир

йўналишдаги бир неча мураккаб масалаларни қамраб олган муаммолар жамланмасидир.

Мавзу - муаммонинг тадқиқот талаб қиладиган муайян соҳасини қамраб оладиган илмий масаладир. У муаммонинг аниқ соҳасига қаратилган кичикроқ илмий масалаларга тегишли кўплаб тадқиқот саволларига асосланади. Мавзу ёки савол ёритилаётганда аниқ тадқиқот вазифаси адо этилади, мисол учун, янги материал, конструкция, прогрессив технология ишлаб чиқиш ва ҳоказо. Бу ўринда уларнинг бажарилиши натижаси нафақат назарий, балки асосан муайян иқтисодий самара кутилаётган амалий аҳамиятга молик бўлади.

Муаммо ва мавзуни танлаш бир неча босқичда ҳал этиладиган мураккаб ва масъулиятли вазифадир. Биринчи босқичда, муаммоли вазиятдан келиб чиққан ҳолда, муаммо изоҳланади ва кутилаётган натижанинг умумий йиғиндиси аниқланади. Иккинчи босқичда муаммонинг долзарблиги, унинг фан ва техникадаги қимматлилиги белгиланади. Учинчи босқичда муаммонинг таркиби, яъни мавзулар, кичик мавзулар, масалалар ва улар орасидаги боғлиқлик аниқланади. Натижада муаммо дарахти вужудга келади. Шундан кейин, муаммо асослангач ва таркибий ишлаб чиқилгач, илмий ходим (ёки жамоа), одатда, мустақил равишда илмий-тадқиқот мавзусини белгилайди.

Мавзуни танлаш баъзан тадқиқот олиб боришдан ҳам мураккаброқ бўлади. Илмий-тадқиқот мавзусига қатор талаблар қўйилади:

1. Мавзу айни пайтда ечимини талаб қилаётган даражада долзарб бўлиши керак. Фундаментал тадқиқотлар мавзуларининг долзарблигини аниқлаш борасида ҳозирча мутаносиб ўлчовлар йўқ. Шу сабабли ҳам бу ўринда долзарбликни йирик олим ёки илмий жамоа аниқлайди. Амалий аҳамиятига келганда, унинг долзарблиги одатда муайян ишлаб чиқаришнинг аниқ соҳаси эҳтиёжи ва иқтисодий самарасидан келиб чиқиб белгиланади.

2. Мавзу янги илмий масалани ҳал этиши ва илмий янгилиги билан ажралиб туриши керак.

3. Илмий мавзуларга муҳим талаб сифатида иқтисодий самарадорлик ва унинг аҳамияти қўйилади. Амалий тадқиқотлар билан боғлиқ мавзулар танлаш чоғида мўлжалланадиган иқтисодий самарани келтириш керак. Фундаментал характердаги мавзуни танлашда эса, иқтисодий самарадорлик талаби мавзунинг аҳамияти талабига ўрин бўшатиб беради.

4. Мавзу илмий жамоа йўналишига мос келиши керак. Бу илмий жамоа малакасини тўлароқ ишлатиш имконини беради. Натижада изланишларнинг назарий даражаси, сифат ва иқтисодий самараси ошади, тадқиқотни бажариш муддатлари қисқаради.

5. Мавзунинг муҳим талаби унинг ҳаётга жорий этилишидир. Мавзу

ишлаб чиқувчилар унинг белгиланган режа бўйича бажарилишини ва буюртмачининг ишлаб чиқариш шароитларида амалиётга қўлланишини аниқлашлари керак. Улар муайян ишлаб чиқаришнинг шу вақтдаги талаби ва келажагидан яхши хабардор бўлишлари лозим.

Мавзу танлашда мазкур масалани ҳал қилишга бағишланган хориж ва ўзимиздаги адабиётларни чуқур ўрганиб чиқиш лозим. Бу эса замонавий илмий-тадқиқотлар анъаналарини аниқлашга ва қайтадан велосипед ихтиро қилиб юрмасликка ёрдам беради.

5.2. Илмий-техник ахборотлар ва уларни қидириш жараёнлари

Илмий библиографиясиз илмий ишни тўғри ҳал қилиб бўлмайди.

Хар қандай илмий тадқиқот, тадқиқот олиб бориши мўлжалланаётган соҳага бағишланган илмий-техник адабиётларни излашдан бошланади.

Турли ҳужжатлар илмий-техник ахборотларни етказувчи восита бўлади:

- китоблар (дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монографиялар ва рисолалар);
- даврий нашрлар (журналлар, бюллетенлар, институтлар нашрлари ва илмий тўпламлар);
- норматив ҳужжатлар (стандартлар, техник шартлар, йўриқномалар, норматив жадваллар, вақтинчалик кўрсатмалар ва ҳоказо);
- каталоглар ва баҳо кўрсаткичлари;
- патент ҳужжатлари;
- илмий-тадқиқот ва тажриба-лойиҳалаш ишлари бўйича ҳисоботлар;
- ахборот нашрлари (илмий-техника институтлари тўпламлари, ахборот варақалари, экспресс-ахборотлар, кўргазма проспектлари ва ҳоказо.);
- хорижий илмий-техник адабиётлар асл нусхаси ва таржимаси;
- диссертациялар ва авторефератлар;
- илмий-техник конференциялар ва ишлаб чиқариш йиғинлари материаллари;
- иккиламчи ҳужжатлар (библиографик каталоглар, рефератив шарҳлар, рефератив журнал ва ҳоказо.).

Санаб ўтилган ҳужжатлар ҳажми йилдан йилга ўсиб бораётган улкан ахборот қатламини ҳосил қилади. Бу ўринда маълумотларнинг ўсиб бораётган ва сусаяётган қатлами фарқланади. Ўсиб бораётган қатлам бажарувчилар (ИТИ, ОЎЮ, ТКБ ва ҳоказолар) томонидан қайд қилинувчи органларга тақдим этилади, сусаяётган қатлам эса библиографик, шарҳ ва рефератив шаклда уларнинг буюртмасига кўра ижрочиларга тақдим этилади.

ХХИ асрнинг инсоният тарихида «Ахборот асри» деб айтилиши бежиз эмас, чунки ўтган аср давомида компьютер технологиялари жараёнида жуда катта ўсиш амалга оширилди.Ҳисоблаш техникасидаги ўсиш суръатлари дастурлардаги транзисторлар сони билан ўзаро боғлиқдир. Дунёдаги энг машҳур корхона «Интел» асосчиларидан бири Гордон Мур микросхемалардаги ҳар бир квадрат дюймдаги транзисторлар сонининг ўсиш суръатларини ўрганиб чиқиб, уларнинг сони ҳар икки йилда икки баробарга ортишини айтган (бу Мур қонуни деб аталади). 60-йилларда процессорлар 30 та транзисторлардан ташкил топган бўлса, ҳозирги кунда процессорлар бир неча миллион транзисторлардан иборат ва келажакда бу сон бир неча ўн миллионларга етади.

Булардан ташқари, ахборот сақлайдиган дискларнинг ҳажми жуда тез суръатларда қисқариб, улардаги ахборот сиғими эса ортиб бормоқда. Масалан, охирги 10 йил давомида дискларнинг ҳажми 800 маротаба камайган, ахборот сиғими эса 24 минг маротаба ортган.

Бундай ўсиш суръатлари дунёдаги ахборот ҳажмининг ҳам кенгайиб боришига сабаб бўлди. Йилдан йилга кўп инсонлар кенгроқ ҳажмдаги ахборотдан арзонроқ нархларда фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Шундай қилиб, 1998 йилда дунё бўйича Интернетдан фойдаланувчилар сони 20 миллион атрофида бўлган бўлса, 2002 йилда уларнинг сони 540 миллиондан ортди. Хозирги кунга келиб бу рақам 1 млрд. дан ошиб кетди.

1993 йилда Интернет тармоғида 200 дан камроқ веб-сайтлар бўлган бўлса, 2010 йилда уларнинг сони 100 миллиондан ошди.

Узбекистонда амалга оширилаётган 2002-2010 йилларга мўлжалланган компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникацион технологияларини ривожлантириш дастури бўйича жаҳон ахборот тизимига улаш назарда тутилган эди. Ушбу дастур асосида 2010 йилда, ҳар 100 та мактаб ўқувчисига 5 дона, академик лицейдагиларга – 13,4 , касб-ҳунар коллежларидагиларга 7,1 ва олий ўқув юртида ўқиётганларга 25,6 дона компьютер билан таъминлаш даражаси белгиланди.

Ҳар қандай маълумот «эскириш» хусусиятига эга. Янги илмий ва илмий-техник маълумотлар шиддат билан ўсаётганлиги сабабли айрим маълумотлар «эскиради». Хорижий тадқиқотлардан олинган маълумотларга қараганда, маълумотнинг қадр-қиймати пасайиши («эскириши») газеталар учун кунига 10 фоизни ташкил этади, журналлар учун ойига 10 фоиз. Китоблар учун эса йилига 10 фоиз. Шу сабабли ҳам маълумотларнинг улкан оқимида муайян мавзу учун янги, муҳим маълумотни топиш нафақат бир илмий ходим, балки жамоа учун ҳам қийин[6].

[6] Перегудов Л.В. Методология научного творчества: Учебник. Т.: Молия. 2002.

Зарур маълумотни қидириш – ижодий жараён, шу сабабли уни автоматлаштириш мақсадга мувофиқ. Ахборот қидирув – бу танланган мавзуга дахлдор ҳужжатларни қидириб топиш бўйича операциялар жамланмаси. У қўлда, механик, механизациялашган ва автоматлашган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Қўлда қидириш оддий библиографик карточкалар, картотекалар ва нашрлар кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади. Механик қидирувда перфокарталар ахборот узатувчи вазифани бажаради. Механизациялашган қидиришда ҳисоб-перфорация машиналари ишлатилади, автоматлаштирилган қидирувда эса, ЭҲМ. Ахборот қидирув тизимларида ахборот қидирув тилининг турли муқобиллари ишлатилади.

Қидирув оптимал натижа бериши учун мавзунинг тадқиқотчиси бевосита ёки билвосита иштирок этиши зарур. Саноат, транспорт, фан ва бошқа соҳаларда замонавий универсал маълумотлар манбаси сифатида Глобал ахборот тармоқ – Интернетни тилга олиш мумкин. Бу тармоқ фойдаланувчига турли ахборот ресурсларига кириш имконини беради ва қуйидаги саволларга жавоб топади:

- Автоматлашган режимда қандай қилиб зарур ахборот объектини топиш мумкин?
- Ундан олисдаги машина маълумотидан қандай фойдаланиш ёки ўз компьютерига қандай кўчириш мумкин?
- Қандай дастур воситалари кўмагида уларни қабул қилиш мумкин?

Бу ўринда Интернетдан фойдаланувчи тармоқлараро алоқа кўмагида бошқа тармоқдаги информацион ресурслардан фойдаланиши ҳам мумкин.

Интернет ахборот ресурслари – бу ахборот технологиялар ва маълумотлар базасининг бутун жамланмаси бўлиб, мазкур технологиялар ёрдамида ўрганилади ҳамда мунтазам равишда янгилаб турилади.

Жамланмага қуйидагилар киради:

- ФТР файл архивлари тизими;
- ВВВ маълумотлар базаси;
- Гопҳер маълумотлар базаси;
- ВАИС маълумотлар базаси ва бошқалар.

ФТР файл архивлари тизими кейинги 10-15 йил ичида йиғилган барча маълумотларнинг кенгайтирилган омборидир. Унинг хизматидан истаган мижоз фойдаланиб, ўзига керакли маълумотдан нусха олиши мумкин.

Кўплаб ахборот архивларидан қулай фойдаланиш тизими сифатида Ворлд Виде Веб гипертекст ахборот тизимини (ВВВ-«Бутун дунё ўргимчак тўри») тилга олиш мумкин. Мазкур технологиянинг кўплаб интерфейслари манипуляторнинг «сичқонча» тугмачасини босиш орқали зарур сўз ёки график

сурат воситасида олинади. ВВВда Интернетда йўналиш олишга кўмаклашадиган катта миқдордаги каталоглар бор.

ВВВ нинг бошқа ахборот қидириш ва узатиш воситаларига нисбатан афзаллиги – ВВВнинг бир саҳифасида бир вақтнинг ўзида матнни ва тасвирни кўриш, товушни эшитиш ва анимация, яъни ҳаракатни томоша қилиш мумкин.

ВВВ – бу ахборот билан ишлашнинг энг қулай воситаси.

Гопҳер ахборот тақсимлаш тизими асосида иерархик каталоглар ғояси ётади. Бу тизим содда ва ишончли, ҳимоя қилинган тизим сифатида тан олинган.

ВАИС ахборот қидириш-тақсимлаш тизими асосида эса мантиқий саволлар, калит воситаси сифатида қўлланиладиган сўзлар воситасида зарур маълумотни қидириш тизими ётади. Фойдаланувчи ўз талабини қониқтирувчи ҳужжатларни қидириш жараёнида ВАИС нинг серверларини кўриб чиқиши мумкин.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Талаба мустақил ишининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Талаба мустақил ишининг ташкилий шакллари нималардан иборат?
3. Талаба мустақил ишининг маълумот-ахборот таъминотини тушунтиринг.
4. Талаба мустақил ишини назорат қилиш ва баҳолаш нималардан иборат?
5. Талаба мустақил ишини назорат қилиш турлари ва уни баҳолаш меъзонлари ким тамонидан ўрнатилади ?
6. Мустақил иш бўйича белгаланган максимал рейтинг балининг 55 % дан кам балл тўплаган талабанинг тақдири нима бўлади.
7. Бакалаврларга илмий-тадқиқот ишларида қўйиладиган асосий талаблар нималардан иборат?
8. Бакалавр битирув малакавий ишини бажариш тартиби қандай амалга оширилади?
9. Илмий йўналиш, муаммо нимани англатади?
10. Мавзу деганда нимани тушунасиз ва уни танлашда нималарга эътибор бериш лозим?
11. Илмий-техник ахборотларни етказувчи восита бўлиб нималар хизмат қилади?

10-Мавзу. ТАЛАБАЛАРНИНГ КУРС ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Режа:

1. Курс иши ёзишнинг мақсад ва вазифалари
2. Курс ишини ташкиллаштириш
3. Курс иши учун тавсия этиладиган адабиётлар

1. Курс иши ёзишнинг мақсад ва вазифалари

«Туризм асослари» фанидан талабага курс иши бериш ўқув режасига киритилган бўлиб, талабаларга берилаётган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва уларни мавзулар устида курс тадқиқотлар иши олиб боришга тайёрлашдир.

Курс иши ёзишда талаба асосан қиёсий таҳлил қилиш йўлларини, муаммолар устида ишлашда бир неча адабиётлардан фойдаланиш ва якуний хулосалар чиқаришни ўрганишда ёрдам беради.

Талабаларга курс иши беришдан асосий мақсад қўйидагилардан иборат:

- муаммоли мавзу ечимини топишда адабиётлар ва статистик маълумотлар устида ишлашни ўргатади;
- муаммолар устида ҳар хил тадқиқотлар олиб боришни ва уларни таҳлил қилишни;
- муаммолар ечимини топишда илмий хулосалар ва натижаларни чиқаришда катта ёрдам беради.

2. Курс ишини ташкиллаштириш

2.1. Ишнинг мавзусини танлаш

Талаба мавзуни танлашда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

- фаннинг мақсад вазифасидан келиб чиққан ҳолда ҳалқаро туризмда долзарб бўлган муаммоларни ўрганиш;
- туризм соҳасидаги муаммолар бўйича мутахассислар ва илмий раҳбарлар билан маслаҳат олиб туриш;
- олдига қўйган мақсаддан келиб чиқиб, мутахассис ёрдамида керакли маълумотлар базасини яратишдир.
- танланган мавзу бўйича интернет сайтларидан фойдаланиш.

«Туризм: назарият ва амалиёт» фанидан курс иши учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Саёҳат ва саёҳатчи, турист ҳақидаги тушунчалар.

2. Туризм хизматларининг таснифланиши ва хусусиятлари
3. Туризм индустрияси
4. Туризм турлари ва асосий куринишлари
5. Туризмни ривожлантиришда туристик маршрутларни шакллантириш технологияси
6. Туризм ресурслари
7. Туризм хизматлари ва маҳсулотлари
8. Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғрисидаги Давлат сиёсати
9. Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари туристик объектлар сифатида
10. Ўзбекистонда халқаро туризмнинг ривожланиши.
11. Экология ва туризм
12. Туризм соҳасини режалаштиришнинг ташкилий механизмлари.
13. Туризм хизматини лицензиялаштириш
14. Туристларни суғурталаш
15. Туризм инфратузилмаси
16. Туризм хизматларини сертификатлаштириш ва стандартлаштириш
17. Туризмга оид расмиятчилик ва хужжатлар

2.2. Ишнинг режасини тузиш ва бажариладиган ишларни назорат қилиш

Талаба ишнинг режасини тузишда илмий раҳбар билан маслаҳатлашган ҳолда амалга ошириши керак. Ишнинг режаси тузилгандан сўнг талаба кафедра мудири ёки унинг ёрдамчисидан тасдиқлатиб олиши лозим.

Талаба иш режасини тасдиқлатиб олгандан сўнг режага қатъий амал қилган ҳолда ишни бажариши лозим. Ҳар бир вазифани босқичма-босқич қатъий режа бўйича илмий раҳбар назоратида амалга ошириши керак. Биринчи босқич вазифалари бажарилмасдан кейингисига ўтиб бўлмайди. Бир босқич амалга оширилмай қолса ишдан самарали натижа кутиб бўлмайди.

2.3. Курс ишида амалга оширилиши керак бўлган ишлар

2.3.1. Кафедранинг асосий вазифалари

Кафедра томонидан курс ишини ёзишда қуйидаги ишлар амалга оширилиши керак:

- курс иши мавзуларини тасдиқлаш ва қайта кўриб чиқиш;
- талаба мавзуни танлашида унга керакли кўрсатмалар ва амалий ёрдам бериш;

- талабага илмий раҳбарларни тайинлаш ва бириктириш;
- талабанинг ишини тайёрлаши учун режани тасдиқлаб бериш ва унинг вазифасини бажаришини назорат қилиш;
- талаба томонидан бажарилган ишнинг сифатига тақриз беришдан иборат бўлади.

2.3.2. Илмий раҳбарнинг вазифалари

Талабанинг илмий раҳбари ишга раҳбарлик қилишда қуйидаги вазифаларини бажариши керак:

- талаба ишни бажариши учун вазифани тасдиқлаб бериш;
- ишнинг режасини тузишда талабага ёрдам бериши ва адабиётларни тавсия этиши;
- талабанинг режасини тасдиқлаши, режа бўйича мунтазам равишда ишни текшириши, маслаҳатлар ва кўрсатмалар бериши;
- талаба ишни бажаришида ташкилий ва услубий йўналишлар бериб бориши.

2.3.3. Талабанинг вазифалари

Талаба курс ишини бажариш жараёнида қуйидагиларни бажариши лозим:

- ишнинг мавзусини кафедранинг талабларидан келиб чиққан ҳолда танлаш;
- илмий раҳбарнинг тузиб берган режаси асосида берилган топшириқларни ўз вақтида бажариши;
- ўрнатилган тартиб бўйича курс ишнинг якунини ўз вақтида кафедрага тақдим этиши керак;
- ўрнатилган тартиб бўйича курс ишини комиссия олдида ҳимоя қилиш.

2.3.4. Талабаларнинг билим даражасини текшириб кўриш

Талабанинг курс ишини бажаришга тайёргарлигини текшириб кўриш учун қуйидаги саволлар берилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Нима учун мазкур курс туризмга оид фанларнинг алифбоси дейилади?
2. Ўзбекистонда туризмнинг моҳияти нимадан иборат ?
3. Туризм сохасининг иқтисодий фанлар билан алоқаси нимадан

иборат ?

4. Саёҳат деганда нимани тушунасиз?
5. Илк саёхатчилар кимлар?
6. Кўчманчиларни саёхатчилар дейилишига сабаб нимада?
7. Зиёратчилар кандай максадда саёхат килишган?
8. Савдогарлар саёхати хакида нималарни биласиз?
9. Марказий Осиё сайёхатчиларининг саёхатга қўшган ҳиссаси нимадан иборат?
10. Нима учун Томас Кук туризмнинг асосчиси дейилади?
11. Туризмнинг таърифини айтиб беринг?
12. Туризмнинг саёхатдан фарки нимада?
13. Ватандошларимиздан кимларни илк саёхатчилар каторига кушишимиз мумкин?
14. Туризм соҳасининг таснифланиши қандай хусусиятларга эга ?

2.4. Ишга тайёргарлик

2.4.1. Адабиётларни танлаш

Фанга таълуқли бўлган барча турдаги адабиётларни ва манбаларни кўриб чиқиш лозим:

- махсус;
- илмий;
- илмий-оммабоп;
- статистик маълумотлар;
- умумий;
- интернет сайтлари.

2.4.2. Адабиётларин ўрганиш ва асосий маълумотларни йиғиш

Адабиётларни ўрганишдан олдин яна бир бор мавзуни тўғри танланганлигига ишонч ҳосил қилиш лозим. Талаба адабиётларни курс иши мавзусини тугри танлаши керак. Илмий рахбарнинг вазифаси талаба танлаган манбаларни кайта куриб асосийларини колдиришдир.

Манбаларни туплашда талаба унинг чоп этилган йилига хам алохида эътибор бериши лозим. Эски манбалардан олинган маълумотлар бугунги кундаги долзарб хисобланган муаммоларни ечишда унчалик ахамиятли булмай колади.

Талаба бир нечта манбаларни киёсий тахлил килган холда ўзига маъқул деб топган маълумотларни олгандагина олиб борган тадкикоти самара беради.

3. Курс иши учун тавсия этиладиган адабиётлар

3.1. Ҳукумат қарорлари ва Президент фармоишлари

И. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.:Ўзбекистон.2003 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни. - Т.; 1999 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг янги конунлари. -Т.: Адолат, 2000 й.

ИИ.Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Буюк Ипак йули»ини кайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халкаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора - тадбирлар тўғрисидаги» ПФ-1162 сонли фармони. //Халқ сўзи, 1995.3-июнь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбектуризм» МКсининг ташкил топиши» тўғрисидаги ПФ-447 сонли фармони. 27 июл 1992 йил.// Халқ сўзи. 1992. 27 июль.

ИИИ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси» ва унда туризм сохасига оид имтиёзлар тўғрисидаги қарори. // Халқ сўзи, 1997-йил 24-апрель.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Туристик ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштириш» тўғрисидаги 346 сонли қарори. // Халқ сўзи, 9-август 1998 й.

ИВ.Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

8. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ асрга интилмокда Т.:Ўзбекистон.1999 й.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.Ўзбекистон, 1997 й.
10. Каримов И.А.Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида.Т.:Ўзбекистон. 1995 й .
11. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод сиёсат, мафкура.Т.: Ўзбекиситон.1993й

В. Дарсликлар

12. Алиева М.Т., Салимова Б.Х.. «Мехмонхона менежменти» Дарслик. «Молия» 2005 й.
13. Маматқулов М.Х. ва бошқалар “Халқаро туризм” Дарслик. Тошкент., 2009 й.
14. Тухлиев И.С.,Қудратов Ғ.Ҳ.Пардаев М.Қ.”Туризмни режалаштириш” Дарслик.СамИСИ,С.: 2010 й.
15. Кабушкин Н. И. Менеджмент туризма. -М.: «Новой знание» 2005г.
16. Биржаков М.Б, Введение в Туризм: Учебник - СПБ.: «Издательский дом» 2006й.

ВИ. Ўқув қўлланмалар

17. Ирматов М.М. Алиева М.Т. ва бошкалар. Туризмни режалаштириш.- Т.:«Молия» 2005 й.
18. Мирзаев. М.А.«Туризм асослари» фанидан маъруза матни. ТДИУ, 2005 й.
19. Тухлиев И.С. ва бошкалар «Туризм асослари» фанидан ўқув қўлланма. С.: СамИСИ, 2010 й.
20. Тухлиев И.С., Бектимиров А.Б., Усмонова З.И. « Туризмда стратегик маркетинг» Маърузалар курси СамИСИ., С.: 2010 й.
21. Маматқулов Х.М. “Туризм инфратузилмаси” Маърузалар курси. СамИСИ., С.: 2009 й.

ВИИ. Докторлик, номзодлик ва магистрлик диссертациялари

22. Тураев Б. “Развитие организационно-экономических механизмов управления региональным туризмом”. докторлик диссертацияси Тошкент 2011й.
23. Усманова Д.Қ. “Особенности формирования туристкого продукта и перспективные направления его развития”. Номзодлик диссертацияси. Самарқанд 2009 й.
24. Ибодуллаев Н.Э. “Туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари” .Номзодлик диссертацияси.СамИСИ 2010й
25. Бердиёров Б.С.“Экотуризм ва унинг Ўзбекистон туризм хизмати бозоридаги ўрни” номзодлик диссертацияси. Самарқанд 2010й.
26. Матьякубов У. Р. “Экологик вазиятни инобатга олиб туризм самарадорлигини ошириш йўналишлари ва истиқболлари” номзодлик диссертацияси.СамИСИ 2011 й.
27. Сафаров Баходир Шахриёрович “Минтақавий туризм хизмат бозорининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги номзодлик диссертацияси СамИСИ 2011й.

ИИИ. Статистик маълумотлар тўпламлари

28. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг маълумотлари
29. Туризмни ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари 2006 й. БТТ. Мадрид. 2007.
30. Тоурисм: 2020 висион, Мадрид, 1997.

ИХ. Интернет сайтлари:

1. ввв.пеугеотуфа.ру - цены услуг
2. ввв.интерунион.ру - туристские ассоциации
3. ввв.вворлд-тоурисм.орг - Всемирная туристская организация
4. ввв.таг-ероуп.ком - Консультативная группа по вопросам туризма (ТАГ)
5. ввв.е-тоурс.ру - деловые туры, выставки, конференции
6. ввв.травел-либрарй.ком - Электронная библиотека путешествий
7. хттп://ввв.вто-маркетинг.ру – сайт ВТО
8. хттп://ввв.тоурисм.уз/
9. хттп://ввв.тоур.уз/
10. хттп://ввв.адвантоур.ком/рус/

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Курс иши ёзишнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Курс ишини ташкиллаштириш қандай амалга оширилади?
3. Илмий раҳбарнинг вазифалари нималардан иборат?
4. Талабанинг вазифалари нималардан иборат?
5. Ишнинг режасини тузиш ва бажариладиган ишларни назорат қилиш қандай амалга оширилади?

11-Мавзу. ТАЛАБАЛАРНИНГ МАЛАКАВИЙ ВА БИТИРУВ ОЛДИ АМАЛИЁТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Режа:

1. Малакавий амалиётни ташкил этиш
2. Малакавий амалиёт натижаларини якунлаш
3. Бакалаврлар битирув олди малакавий амалиётини ташкил қилиш
4. Битирув олди амалиётнинг мақсади ва вазифалари
5. Битирув олди амалиётга раҳбарлик қилиш
6. Битирув олди амалиётини ўтиш натижаларини расмийлаштириш

1. Малакавий амалиётни ташкил этиш

Талабалар амалиёти институтнинг давлат ва акциядорлик жамиятлари, муассаса, ташкилот, фирма, қўшма корхоналар ва бошқалар билан тузилган шартномалар асосида ташкил килинади.

Тузилган шартномалар асосида талабалар амалиёт ўтиш учун тегишли амалиёт обьектларига юбориладилар.

Амалиётни ташкил қилиш ва ўтказиш учун жавобгарлик факультет деканлари, кафедра мудирлари зиммасига юкланади ҳамда ўқув ва услубий ишлар проректори томонидан назорат қилинади.

Амалиёт объектлари, айрим талабалар ёки бўлмаса талабаларнинг катта гурухларини амалиёт ўтишини хисобга олиб танланади.

Икки томонлама битимлар асосида амалиётни хорижий давлатлар хўжалик субъектлар, муассасалари ва ташкилотларида ўтиш мумкин.

Кафедра мудири хар йили 1 декабрдан кечикмаган холда навбатдаги календар йили учун амалиёт объектлари билан шартномалар тузади. У амалиёт бошланишидан икки ой олдин талабалар амалиётини ўтказиш дастури ва календар жадвалини амалиёт объектлари билан келишиб олади, амалиёт рахбарлари сифатида тажрибали профессор, доцент ва ўқитувчиларни тайинлайди, фан, техника ва маданиятнинг энг янги ютуқлари, ишлаб чиқариш иқтисодиёти, уни илмий ташкил этиш, бошқариш ва шунга ўхшаш масалалар бўйича амалиёт объектлари маъмурияти билан биргаликда мутахассисларни маърузаларини ташкил этади, объектлардаги талабалар амалиётини ташкил этиш тартиби ва ўтказилишини хамда амалиёт муддати ва мазмунига талабаларни риоя қилинишини назорат этади.

Кафедра тайинлаган амалиёт рахбари талабалар келишига зарурий тайёргарликни ташкил этиш учун объектларга амалиёт бошланишидан олдин боради, талабаларнинг амалиётга боришидан олдин ташкилий

тадбирлар (амалиётга юбориш буйруғи, амалиётни ўтказиш тартиблари, хавфсизликка риоя этиш қоидалари хакида кўрсатмалар бериш ва х.к.) ни утказилишини таъминлайди, талабаларнинг кафедра топшириқларида кузда тутилган илмий-тадқиқот ишларига рахбарлик килади, амалиёт объектларида талабаларнинг мехнат ва маиший хизмат шароитлари меъёрдагидек таъминланганлигини, талабаларнинг ички мехнат тартиб-коидаларига риоя қилишларини назорат килади, амалиёт якунлари бўйича талабалар илмий анжуманлари тайёрланишида ва амалиёт натижаларини бахоловчи комиссия ишида иштирок этади, талабаларнинг амалиёт бўйича хисоботини кўриб чиқади, уларнинг иши хақида тавсиянома беради. Талабаларни ўталган амалиёти натижалари ҳисоботини, амалиётни ташкил қилишда йўл қўйилган камчиликлар, амалиётни такомиллаштириш хакида таклифлар киритилган ёзма хисоботни кафедра мудирига тақдим этади. Амалиётнинг ташкил этишда учраган барча муаммоларни амалиёт объекти томонидан бириктирилган рахбар билан биргаликда хал этади.

Талабалар амалиётининг умумий рахбарлиги амалиёт объекти рахбарининг буйруги билан масъул ходимларнинг бирига юклатилади.

Булим, лаборатория кабиларда талабалар амалиётининг бевосита рахбарлиги амалиёт объекти бошлигининг буйруги билан курсатилган таркибий булимнинг юкори малакали мутахассиси зиммасига юкланади.

Талаба амалиёт ўтишда:

- амалиёт дастурида кузда тутилган топширикларни тўлик бажариши;
- амалиёт объектининг ички мехнат тартиб коидаларига буйсуниши;
- мехнат мухофазаси, хавафсизлик техникаси ва ишлаб чикариш санитарияси коидаларини урганиши ва катъий риоя килиши;
- бажарилган иш ва унинг натижалари учун шу хўжалик субъектлари ишчилари катори жавобгарлик олиши;
- кундалик дафтар юритиши, чизмалар, тасвирлар ва бошкаларни бажариши;
- амалиёт рахбарига барча топшириклар бажарилгани хакида ёзма равишда хисобот бериши ва амалиёт буйича синов топшириши шарт.

2. Малакавий амалиёт натижаларини якунлаш

Амалиёт якунида талаба ёзма равишда хисобот тайёрлайди ва уни бевосита амалиёт объектидан тайинланган рахбар имзолаган кундалик дафтар билан бирга олий таълим муассасасидан тайинланган рахбарга

топширади. Хисобот талабанинг амалиёт даврида бажарган муайян ишлари тўғрисида маълумотлар, амалиёт объекти бўлимларининг қисқача изохи (цех, бўлим, лаборотория ва бошқалар), улар фаолиятининг ташкил қилиниши, хаёт фаолиятининг хавфсизлиги тўғрисидаги масалалар, хўжалик субъектларининг фаолияти кўрсатгичларини, амалиёт якунларини ўз ичига олиши лозим.

Амалиёт якунида талаба ўз хисоботини олий таълим муассасаси томонидан тайинланган комиссия олдида химоя қилади.

Комиссия таркибига ўтилаётган амалиёт фанини олиб борувчи ўқитувчи, олий таълим муассасаси томонидан бириктирилган рахбар ва имкони бўлса, амалиёт объектидан тайинланган рахбар хам киритилади.

Амалиёт бахоси талабанинг курсдан курсга ўтиши ва стипендия белгилашда хисобга олинади.

Амалиёт якуни институт илмий – услубий анжумани ва амалиёт объектининг ишлаб чиқариш кенгашида мухокама қилинади.

Институт ва факулътет илмий кенгашида амалиётнинг натижаларига якун ясалади.

Амалиёт дастурини бажармаган, иши хақида қониқарсиз тақриз ёки хисобот химоясида қониқарсиз бахо олган талаба таътил вақтида ўз хисобидан қайта амалиёт ўтишга жўнатилади.

Айрим холларда, бундай талабанинг келгусида институтда ўқиши мумкунлиги масаласи ректор томонидан кўриб чиқилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ВА ТУРИЗМ СЕРВИСИ» КАФЕДРАСИ

ТАЛАБАНИНГ МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ ЎТИШ

К У Н Д А Л И Г И

САМАРҚАНД – 20

_____ факультети _____ ____ йуналиши

_____ курс _____гурухи талабасиининг амалиёт ўтиш

К У Н Д А Л И Г И

Талабанинг фамилияси _____

Исми _____ Отасининг исми _____

Малакавий амалиёт утадиган жойи _____

_____

Малакавий амалиёт утадиган жойдаги рахбари (лавозими, фамилияси)

_____

Институтдаги раҳбари _____

Малакавий амалиёт утадиган вакти «____»_____йилдан «____»_____ ___йилгача

Факультет декани_____

«____»_____20__йил.

ТАЛАБАНИНГ КАЛЕНДАР ИШ РЕЖАСИ

№	Фирма, ташкилот	Иш жойи	Муддати	Фирма, ташкилот рахбарининг фамилияси

Институтдаги раҳбарнинг имзоси _____

ТАЛАБАНИНГ КУНДАЛИК БАЖАРГАН ИШИ

Сана	Иш жойи	Кун мобайнида бажариладиган иш хажми	Амалиёт ўтадиган жойдаги раҳбар имзоси

ТАЛАБАНИНГ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИЗЛАНИШЛАРИ

Муддати	Мавзунинг номланиши, иш мазмуни, хўжалик юритувчи субъектларидаги раҳбарнинг хулосаси

_____ йуналиши _____ курс талабаси

_____

(исми, фамилияси, отасининг исми)

«__»_____ ___йилда малакавий амалиётни тугатди.

Хўжалик юритувчи субъект(ташкилот)да белгиланган амалиёт раҳбарининг талабанинг утган амалиёти хақидаги хулосаси

Амалиёт бахоси _____

Раҳбар имзоси _____

«___»_____ 20__йил Хўжалик юритувчи субъекти мухри

ИНСТИТУТДАГИ АМАЛИЁТ РАҲБАРИНИНГ ХУЛОСАСИ

Амалиётнинг натижаси

Хайъат аъзолари _____
(профессор-ўқитувчиларнинг исми, фамилияси, отасининг исми)
_____.
_____.
_____.

Хисобот қабул қилган хайъатнинг хулосаси

Амалиёт бахоси _____

«___» _____20 ___йил.

Хисобот қабул қилган хайъат аъзоларининг имзоси _____

_____

_____

_____

3. Бакалаврлар битирув олди малакавий амалиётини ташкил қилиш

Талабалар 7-семестр ўрталарида бакалавр битирув иши мавзуларини танлайдилар ва бу ҳақда кафедра мудирига ахборот беришади, муҳокама қилиб туришади. Бакалаврлар битирув иши мавзуларини танлашда қийналган, иккиланган талабаларни кафедра мудири талабани бакалавр битирув иши раҳбарига учраштиради ва мавзу танлашда ёрдам беради.

Талаба илмий раҳбари билан маслаҳатлашади, мавзу ҳақида тушунмаган ҳолатларни сўраб олади, муҳокама қилади. Талабага бакалавр битирув иши мавзусини танлаш учун 1 ой муҳлат берилади. Бу муддатдан кейин талабаларнинг бакалавр битирув иши мавзулари кафедрада муҳокама қилиниб, институт ректорининг тасдиғига тавсия қилинади. Мавзуларни институт раҳбари тасдиқлагандан кейин, мавзуни ўзгартириш, ўзгартиришлар киритишга рухсат берилмайди. Мавзулар танланганидан кейин талабалар илмий раҳбари билан мустаҳкам алоқа боғлайдилар, қисқа вақтда бакалавр битирув ишининг режасини тузадилар ва ушбу режа асосида ҳар томонлама (адабиётларни таҳлил қилиш, асосномаларни ёзиш, маълумотлар тўплаш ва ҳ.к.) ишлай бошлайдилар.

Битирув бакалавр ишини шакллантиришда энг муҳими мавзунинг кириш қисмидаги асосий талаблар: мавзунинг долзарблиги, илмий яқинлиги, ўрганиш (тадқиқот) объекти, мақсади, вазифалари, кутиладиган натижалар ва амалиётда қўлланилиши алоҳида-алоҳида абзацларда аниқ, пухта, тушунарли, равон тилда ёзилиши шарт. Қайд қилинганларни талаб даражасида ёзиб, изоҳлаш, асослашга талабанинг илмий раҳбари ҳам масъулдир.

(Талабанинг бакалавр битирув иши мавзусини танлаш жараёнларини келтиришнинг сабаби шундаки, талаба бакалавр битирув иши мавзусини бакалавр битирув олди амалиётини ўхшаш корхонасида шакллантиради.)

Талабалар 8-семестр охирларида ўқув фанлари машғулотлари тугагандан кейин – май ойидан то 2-июнгача бакалавр битирув иши олди амалиётини ўтиши учун тегишли ташкилотларга боришади.

Талабанинг бакалавр битирув иши мавзуси унинг бакалавр битирув иши олди амалиётини мавзуси ҳисобланади. Бу ҳолатда ҳам мавзуга ҳеч қандай ўзгартиришлар, тузатишлар келтирилмайди.

Бакалавр битирув иши олди амалиётига боришдан олдин, талабалар ўзларининг илмий раҳбарлари билан учрашиб мавзу танланган вақтдан бошлаб мавзу бўйича бажарган ишлари ҳақида оғизаки-амалий ҳисобот, ахборот беришлари лозим. Бу суҳбат ёки муҳокамада ишни

шакллантиришдаги муаммолар аниқланади. Талаба иш бўйича қилинаётган, тушунмаётган саволлари бўйича илмий раҳбаридан тўлиқ жавоб, йўл-йўриқ кўраши лозим.

Талабанинг ахборотини тинглаган, мавзу бўйича тўплаган маълумотлари билан танишган илмий раҳбар талабага амалиётда бажарадиган ишларини батафсил тушунтиради ва амалиётни ўтиш кундалигини беради, кундаликни тўлдириш, маълумотларни ёзиш тартибини тушунтиради. Шунингдек, амалиёт қанчалик сидқидилдан, мукаммал ўтилса бакалавр битирув ишини ёзиш осон кечишини, аъло, яхши баҳоларга тавсия қилинишини қайта-қайта таъкидлайди.

Битирув олди амалиётни ўтиш объектлари

Амалиётнинг объектлари бўлиб ҳар хил мулк шаклидаги туристик ташкилотлар, туристик фирмалар, меҳмонхоналар, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш корхоналари ҳисобланади.

Шунингдек, кафедра мудири талабаларга уларнинг таълим йўналиши бўйича ёки талабанинг бакалавр битирув иши мавзуси бўйича илмий тадқиқот институтлари, илмий тажриба марказлари, музейлар, тарихий ва маданий обидалари халқ ҳунармандчилиги марказларига ҳам йўлланмалар бериши мумкин.

Талаба ўзи борган корхона фаолиятида бакалавр битирув ишига маълумотлар тўплаш ва бажаришни мақсад қилиб қўйиш лозим. Агар амалиёт ўтаётган корхона фаолиятида бакалавр битирув иши яқин бўлган дастурлар, ишлаш ҳаракатлари, бошқарув усуллари кабилар бўлса, талаба бу маълумотларни бакалавр битирув ишини шакллантиришда тўлиқ фойдаланиши мумкин.

Амалиёт вақтида талаба корхона фаолиятидаги йўналишларни «туризм менежери», «туризм маркетологи» ва «туризм оператори» таълим йўналишларига қараб танлайди ва ўзининг режасини бажаради.

4. Битирув олди амалиётнинг мақсади ва вазифалари

Амалиёт даврида талаба қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Амалиёт даврида талабанинг биринчи вазифаси амалиёт ўтадиган ташкилотнинг бошқарув таркиби, ижро қилиш усуллари ва ҳисоб - китоб бўлимлари билан яхши танишиб олиш ҳисобланади.

2. Амалиётнинг бошланишида талаба амалиёт ўтадиган ташкилотда ўзининг бакалавр битирув иши мавзусига яқин бўлган фаолиятларини тўлиқ ўрганиб чиқади ва қуйидаги ишларни бажаришга киришади:

- малакавий битирув ишларининг амалиёт билан боғлиқ қисмларини бажариш;
- институтда олган назарий билимларни амалда синаб кўриш;
- иқтисодий ислоҳатларни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида корхонанинг туризм сервис хизмати кўрсатиш йўналишларини ўрганиш ва умумлаштириш;
- ҳозирги замон технологиясидан фойдаланиб янги билимларга эга бўлиш;
- туркорхонанинг хизмат кўрсатиш борасидаги фаолиятини таҳлил этиб такомиллаштириш йўлларини кўрсатиш;
- малакавий битирув иши учун зарур бўлган ахборотларнинг барчасини йиғиш;
- малакавий битирув иши режасида кўрсатилган саволларнинг амалиёт билан боғлиқ қисмларининг ҳаммасини бажариш;
- зарур бўлса туристлик маҳсулотлар сифатини аниқлаш бўйича тажрибалар ўтказиш ва малакавий битирув ишидан келиб чиқадиган натижаларни амалиётга тадбиқ этиш;
- малакавий битирув ишини бажариш учун кафедрадан (илмий раҳбардан) махсус топшириқлар олиш, адабиётлар танлаш;
- илмий раҳбар билан биргаликда малакавий битирув ишининг батафсил режасини тузиш ва режани корхона фаолияти билан уйғунлаштириш, аниқлаштириш ва маҳаллий шароитга мослаштириш;
- корхонанинг ишлаб чиқариш кенгашида малакавий битирув иши натижаларини муҳокама қилиш ва корхонадан ишга тақриз олиш. агарда корхона маъмурияти ишга қизиқса ва рози бўлса улардан ишга буюртма ва ўтказилган тадқиқот ишларини қўллаш ҳақида далолатнома олиш (4 ва 5 иловалар);
- юқорида кўрсатилган вазифалардан ташқари ҳар бир талаба амалиёт вақтида корхонанинг умумий иқтисодий фаолиятини ўрганади ва унга тавсифнома беради. бунда корхонанинг камида охирги 3 йиллик фаолияти таҳлил этилиши шарт. тавсифномада камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилиши керак;
- ахборотлар манбаларини аниқлаш ва уларни қайта ишлаш усулларини белгилаш, ахборотларни йиғиш ва уларни қайта ишлаб малакавий битирув иши режасида кўрсатилган саволлар билан мослаштириш;

Малакавий битирув ишининг мукаммал режасини ишлаб чиқиш, режани илмий раҳбар маъқуллагандан кейин корхона фаолияти билан мослаштириш лозим.

5. Битирув олди амалиётга раҳбарлик қилиш

Талабаларнинг бакалавр битирув иши олди амалиётига раҳбарлик қилиш вазифасини асосан таълим йўналишлари бўйича фанларни ўқитаётган кафедранинг ўқитувчилари, туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган ташкилотлар, фирмалар ва меҳмонхоналарнинг раҳбарлари, билимдон, тажрибали мутахассислар амалга оширадилар.

Шунингдек, амалиётни ўташ объектлари рўйхатга келтирилган ва талаба амалиётни ўтаган, туризм соҳасига кирмаган ташкилотлар, илмий марказларнинг раҳбарлари, тажрибали олимлари ҳам амалиётга раҳбарлик қилиши мумкин. Масалан, меҳмонхона хўжалиги мавзусида бакалавр битирув иши олди амалиётига меҳмонхона раҳбарлари, менежерлари ёки меҳмонхона хўжалиги билан шуғулланувчи мутахассислар илмий раҳбар бўлиши мумкин.

Ушбу амалиётда талабаларнинг мавзуларига раҳбарлик қилиш асосан профессор, доцент, фан номзодлари ва тажрибали катта ўқитувчилар зиммаларига юклатилади.

Бакалавр битирув иши олди амалиётида талабанинг кўпроқ, самарали ишлашини илмий раҳбар мунтазам назорат қилиб туради. Талабани амалиёт ўтадиган корхона раҳбари билан таништириш, амалиёт мақсадини тушунтириш ва ўзаро ҳамкорликка чорлаш ҳам илмий раҳбар зиммасидадир.

6. Битирув олди амалиётини ўтиш натижаларини расмийлаштириш

Бакалавр битирув олди иши қуйидагича расмийлаштирилади:

1. Талаба амалиётни ўтиш вақтида кундалик тутади ва кундалиги талабларга ёзма равишда жавоб ёзиб боради. Кундаликдаги иш режаси, тақвим режа ва амалиёт вақтидаги бажарилган ҳамма ишлар кундаликда қайд қилиниши талиб қилинади (кундалик дафтарни талабга унинг илмий раҳбари расмийлаштириб олдидан топширади).

2. Талаба амалиёт даврида бажарган ишлари ҳақида ҳисобот тайёрлайди. Ҳисобот ҳажми қўлёзмада 30 бетдан кам бўлмаслиги лозим. Ҳисоботни шакллантириш қўйидагича:

Ҳисоботнинг биринчи бети (титул варағи):

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ВА ТУРИЗМ СЕРВИСИ» КАФЕДРАСИ

БАКАЛАВР БИТИРУВ ИШИ ОЛДИ АМАЛИЁТИ ҲАҚИДА ҲИСОБОТ

Мавзу:_____

_____

Бажарди: ТФТ, МХТ гуруҳи
талабаси _____

_____
(имзо)

Илмий раҳбар: _____

_____
(имзо)

Самарқанд – 20

Ҳисобот ёзишда қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим:

- биринчи бетда ҳисоботнинг дастлаб мавзуси, сўнгра режаси ёзилади. Ҳисоботнинг режаси қуйидагича ёзлиши мумкин:

Мавзу: Меҳмонхоналарнинг ташкилий-бошқарув тузилмаси
(«Азиа-Самарқанд» меҳмонхонаси мисолида)
Режа:

Кириш
1. Йирик ва кичик меҳмонхоналарнинг бошқарув тузилмаси
2.«Азиа-Самарқанд» меҳмонхонасининг сервис хизматларини ташкил этиш
3.«Азиа-Самарқанд» меҳмонхонаси фаолиятини ривожлантириш муаммолари
4.Хулосалар
5.Тавсиялар
6.Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

Қуйида келтирилган режани қандай ёзиш, ёритиш учун кўрсатмалар берилади:

Мавзу: Меҳмонхоналарнинг ташкилий-бошқарув тузилмаси
(«Азиа-Самарқанд» меҳмонхонаси мисолида)
Режа:

Кириш

(Йирик ва кичик меҳмонхоналар ҳақида маълумот, уларнинг умумий тавсифи, турлари, меҳмонхона фаолияти ҳақида сўз юритилади 3-4 бет).

1.Йирик ва кичик меҳмонхоналарнинг бошқарув тузилмаси

(Бу режада йирик ва кичик меҳмонхоналарнинг бошқарув таркиби, бўлимлар ва уларнинг фаолияти, унда фаолият олиб бораётган барча ишчи ходимлар ва мутахассислар ҳамда уларнинг фаолияти, вазифалари, алоқалари, даромадлари ва ҳоказолар 12-14 бет).

2.«Азиа-Самарқанд» меҳмонхонасининг сервис хизматларини ташкил этиш

(Бу режада мижозларга бевосита хизмат кўрсатадиган ходимлар, уларнинг вазифалари, хизмат қилиш турлари ва усуллари, бошқа хизмат

кўрсатувчи фирма ва корхоналар билан алоқаси, шартномалар, ва ҳоказолари 12-13 бет)

3.«Азиа-Самарқанд» меҳмонхонаси фаолиятини ривожлантириш муаммолари

(Бу режада «Азиа-Самарқанд» меҳмонхонаси фаолиятини ривожлантириш, унга таъсир этувчи омиллар, юзага келадиган муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари, келгусидаги режалар, рекламаси, нарс сиёсати ва бошқа маълумотлар ёзилади11-13 бет).

4.Хулосалар

(Хулосада талаба амалиётида кузатган жараёнлар, ҳисоботнинг асосий қисмидан келиб чиқилган фикрларни баён қилади,1-2 бет) .

5.Тавсиялар

(Талаба амалиётни ўташ вақтида, меҳмонхона фаолияти билан ишлаш жараёнида, унинг ҳужжатлари билан танишиш натижасида ёки ҳужжатлар кўрсатишдаги камчиликлар, институтда ўрганган назарий билимлари ва бошқаларини ҳисобга олиб эркин фикрда фирма фаолиятини яхшилаш учун тавсиялар беради, 1-2 бет).

6.Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

(Адабиётларни ёзишда дастлаб Президентимизнинг фармонлари, қарорлари, асарлари, иккинчи навбатда ҳукумат қароралари сўнгра адабиётлар муаллифлари алфавит бўйича ёзилади. Манбалар, нашриётлар, шаҳар, давлат, йили хатосиз ёзилишини шарт. Фойдаланилган адабиётлар 10 манбадан кам бўлмаслиги лозим). Адабиётлар алоҳида бетга ёзилади. (Адабиётлар рўйхатини расмийлаштириш ушбу курснинг 4-маърузасида кўрсатилганидек амалга ошириш лозим).

Ҳисобот стандарт оқ қоғозда махсус форматда ёзилади. Бунда варақнинг чап томондан 3 см, ўнг томондан 1 см, юқори ва пастдан 2 см қолдирилади, 1 бетда 22 қатор ёзув бўлиши лозим. Расмлар, графиклар ва диаграммалар 10 см бўйича 14 см энига (10х14) ҳажмида берилади ва пастки қисмига тартиб сони ва изоҳ ёзилади. Муқова махсус муқовасоз асбоблар ёрдамида чиройли қилиб муқоваланиши ҳисоботнинг ташқи кўринишини безайди.

Корхона раҳбари (корхонадан тайинланган мутахассис) талабага қисқача тавсифнома беради (бу тавсифнома шакли кундаликда келтирилган). Тавсифнома корхонанинг гербли муҳри билан муҳрланиб имзоланади.

Талаба кундаликни, корхона ҳақидаги ҳужжатларни, маълумотларни, иловаларни тўплаб ҳисобот билан муқовалайди, имзосини қўяди ва илмий раҳбарига топширади.

Илмий раҳбар ҳисоботни ўқиб чиқади,келтирилган маълумотлар, хулоса ва тавсияларни мукаммал таҳлил қилади, тақриз ёзади ва ҳимояга тавсия қилинади.

Талаба ўзининг ҳисоботни кафедра мудири томонидан тасдиқланган комиссия олдида ҳимоя қилади. Комиссия аъзолари талабанинг фаолиятни рейтинг тизими асосида баҳолайди ва қайдномани имзолаб факультет деканига топширилади.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Малакавий амалиётни ташкил этиш қандай амалга оширилади?
2. Малакавий амалиёт натижаларини якунлаш қандай амалга оширилади?
3. Талабанинг амалиёт ўтиш кундалиги қандай тўлғизилади?
4. Бакалаврлар битирув олди малакавий амалиётини ташкил қилиш қандай амалга оширилади?
5. Битирув олди амалиётнинг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
6. Битирув олди амалиётга раҳбарлик қилиш қандай амалга оширилади?
7. Битирув олди амалиётини ўтиш натижаларини расмийлаштириш нималардан иборат?

12-Мавзу. БАКАЛАВРЛАРНИНГ БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Режа:

1. Битирув малакавий ишини бажаришнинг мақсад ва вазифалари
2. Бакалаврнинг битирув малакавий ишини бажариш тартиби
3. Битирув малакавий ишини бажаришга раҳбарлик қилиш
4. Битирув малакавий ишининг бажарилиши
5. Битирув малакавий ишни ҳимоя қилиш

1. Битирув малакавий ишини бажаришнинг мақсад ва вазифалари.

Битирув малакавий ишни бажариш (кейинги сатрларда малакавий иш) – олий ўқув юрти бакалавриатида талабаларни ўқитишнинг якуний босқичидир. Битирув малакавий ишни бажариш мақсади: Таълим бўйича назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, олинган билимларни муайян илмий, техникавий, ишлаб чиқариш, икдисодий, ижтимоий, маданий вазифаларни ҳал этишда қўллаш;

Ижодий ишлаш, қўйилган масала (муаммо) қўйилиш жараёнидан бошлаб, уни тўла ниҳоясига етказиш бўйича қарор қабул қилишда бўлган масъулиятни ҳис этишга ўргатиш;

Замонавий хизмат кўрсатиш, иқтисодиёт, техника ва маданиятнинг риважланиши шароитида талабаларни мустақил ишлашга тайёрлигини таъминлаш.

Битирув малакавий ишларнинг мавзулари:

Битирув малакавий ишлар мавзуси муаммонинг замонавий ҳолатини ва иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш, ижтимоий соҳалар, фан, таълим ва маданиятнинг истиқболий риважланишини акс эттириши керак.

Битирув малакавий ишлар мавзулар ихтисослашган кафедралар томонидан белгиланади ва институт илмий кенгашида тасдиқланади, мавзулар ҳар ўқув йилида 50 % янгиланиши шарт.

Битирувчи талабаларга битирув малакавий иш мавзусини танлаш хуқуқи берилади. Битирув малакавий ишга раҳбар кафедранинг тақдимномаси асосида ректорнинг буйруғи билан расмийлаштирилади. Битирув малакавий иш раҳбари, малакавий ишнинг мавзусига мувафиқ талабага малакавий ишга тегишли материалларни тўплаш бўйича (жумладан, малакавий амалиёт ўтказиш даврида ҳам) топшириқ тўлдириладиган жадваллар макетларини беради.

2. Бакалаврнинг битирув малакавий ишини бажариш тартиби

Битирув малакавий ишнинг таркибий тузилиши ва мазмуни.

Ихтисослашган кафедра малакавий ишга қўйиладиган мажбурий талабларни белгилайди ва талабаларни таъминлайди. Битирув малакавий иш 7 минг сўз ҳажмида белгиланади ва унинг таркиби қуйидаги қисмлардан иборат:

- Кириш;
- 3 боб (хар бир боб 2-3 та параграф дан иборат булиши керак);
- Хулоса ва таклифлар,
- Фойдаланилган адабиётлар руйхати;
- Иловалардан иборат бўлади.

Битирув малакавий ишнинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, мавзунинг ўрганилганлиги, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий аҳамияти ва ишнинг тузилиш таркиби каби масалалар акс эттирилиши керак.

Битирув малакавий ишнинг 1-боби тадқиқотнинг илмий ва услубий жиҳатларига қаратилиши ва тадқикот олиб борилган объектнинг таснифини ўзида акс эттириши лозим.

2-бобда танланган мавзу буйича ўрганилаётган масалаларнинг таҳлили атрофлича баён қилинади.

3-бобда муаллиф таҳлиллар асосида мавзуни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар, услубий ёндошувлар ишлаб чиқилади, илгари сурилаётган таклиф ғоялар ҳам илмий ҳам амалий жиҳатдан асосланади.

Битирув малакавий ишнинг хулоса ва тавсиялар қисмида амалга оширилган ишларнинг натижалари умумлаштирилади ва аниқ таклифлар берилади. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида қонунлар, Президент фармонлари, асарлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа адабиётлар алфавит кетма-кетлигида берилади. Матнда фойдаланилган адабиётларга мурожаат этилган жойлар албатта ишора қилиниши шарт.

Иловалар қисмида битирув малакавий ишнинг объекти бўйича олинган умумий амалий ва ахборот маълумотлари берилади.

3. Битирув малакавий ишини бажаришга рахбарлик қилиш

Малакавий ишларга раҳбарлар ушбу олий ўқув юртининг профессор ва доцентлари ёки илмий ходимлари бошқа муассаса ва корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари сафидан тайинланади.

Малакавий иш раҳбари

- топшириқ беради;
- малакавий ишнинг бажарилиш жадвалини режалаштиради;

- асосий адабиётлар, маълумот ва архив материалларини ҳамда мавзу бўйича бошқа манбаларни тавсия этади;

- талабалар билан мунтазам равишда консультациялар ўтказади;

- малакавий ишнинг бажарилиш жадвалини назорат этади;

- талаба бажарган малкавий ишнинг сифати ва мауллифлигига жаваб беради, мавзуларининг қайтарилишига ёки кўчирилишига йўл қўймайди.

Малкавий иш раҳбарининг таклифига биноан, кафедра малакавий ишга раҳбарлик қилишга ажратилган вақт бюджети ҳисобидан ишнинг айрим бўлимлари бўйича консультантларни таклиф этиши мумкин.

Малкавий ишнинг бўлимлари бўйича консультантлар этиб, олий ўқув юртларининг профессорлари ва доцентлари, илмий ходимлар ҳамда бошқа муассаса ва корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари тайинланиши мумкин. Консультантлар талаба бажарган ишнинг мувафиқ қисмини текширадилар.

Мутахассис чиқарувчи кафедра малакавий ишга қўйилган мажбурий талаблар хажмини белгилаган ҳолда малакавий ишни бажариш бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқади ва талабаларни таъминлайди.

Малакавий ишда берилган топшириқ асосида шахсан талаба томонидан бажарилади. Малакавий ишнинг ҳар бир бўлими мувафиқ асослар, қарорлар ва хулосалар билан ёритилади. Малакавий ишда, илгари бажарилган мустақил ишларнинг натижалари ёки бошқа муаллифларнинг (илмий маърузалар ва мақолалари, ҳисоб-графика ишлари, курс ишлари ва лойиҳалари, албатта, номалари кўрсатилган ҳолда) ишлари акс эттирилиши ёки улардан фойдаланиш мумкин.

Тушунтириш қисми (пояснительная записка) малакавий ишнинг мазмунини қисқа ва муайян шаклда ифодалаши лозим. Зарурий ҳолларда тушунтириш қисмига графиклар, расмлар, эскизлар, диаграммалар, схема ва бошқалар, шунингдек, зарурий қўшимча ахборот ёзилган дискетлар илова этилиши мумкин.

Тушунтириш қисми қўл ёзма тарзида расмийлаштирилган бўлади.

Тушунтириш қисми камида 7-10 минг сўз хажмида белгиланади.

Чизмаларнинг формати, шартли белгилари, шрифт ва масштаблари амалдаги ГОСТ лар талабларига қатъий мувафиқ келиши зарур. Одатда, чизмалар А2 форматли қоғозда (5-6 варақ хажмида) қаламда (ёки тушда) бажарилади ёки техника васиталари орқали экранда кўрсатилади. Техник васиталари орқали экранда намойиш этилган слайдлар, программалар, сканер хужжатлари тегишлича шакллантирилган ҳолда (лазер дискларда) малакавий ишлар билан биргаликда топширилади.

Кафедранинг тавсиясига биноан малакавий иш чет тилларнинг бирида ҳам бажарилиши мумкин. Чет тилда бажарилган ишга давлат тилидаги аннотация илова этилади ва ҳимоя вақтида таржима таъминланади.

4. Битирув малакавий ишининг бажарилиши

Малакавий иш олий ўқув юртининг, одатда, ушбу мақсадда махсус ажратилган хоналарида бажарилади. Айрим ҳолларда, малакавий иш корхоналар, муассасалар, илмий лойиҳалаш ва бошқа муассасаларди бажарилиши мумкин.

Малакавий ишнинг бажарилиши буйича талабанинг ҳисобот бериш муддатларини деканат назорат этади.

Деканат белгилаган муддатларда, талаба малакавий ишнинг бажарилиши ҳақида раҳбар ва кафедра мудири олдида ҳисобот беради. Кафедра мудири малакавий ишнинг тайёргарлик ҳолатини белгилайди.

Талаба – иш муаллифи, танланган қарорнинг тўғрилигига ва унинг топшириққа мувафиқлигига, малакавий ишда кўчирмачилик ҳолатининг йўқлигига жаваб беради.

Битирув малакавий ишни расмийлаштириш ва ҳимояга тайёрлаш

Ректорат талаблари асосида Илмий кенгашда тасдиқланган шакл асосида битирув малакавий ишлар қўлёзма шаклида расмийлаштирилади.

5. Битирув малакавий ишни ҳимоя қилиш

Белгиланган тартибда расмийлаштирилган малакавий иш талаба томонидан раҳбарга тақдим этилади. Раҳбар малакавий иш талаб даражасида бажарилганлигига ишонч билдирганидан сўнг, ишни ташқи ва ўз тақризи билан кафедра мудирига тақдим этади. Кафедра мудири махсус комиссия таркибини кафедра мажлисига тақдим этади ва мажлис тасдиқлаган комиссия дастлабки ҳимояни ўтказади. Комиссия битирув малакавий ишни ДАКда ҳимоя қилишга киритиш ҳақида қарор қабул қилади ҳамда факультет деканига ҳимоя белгиланган кундан И хафта олдин тақдим этади. Факультет декани малакавий иш билан танишиб чиқиб, ДАКга киритиш ҳақида хулоса чиқаради.

Малакавий иш ҳимоядан сўнг (камида 10 йил) олий ўқув юртида сақланади. Малакавий иш ҳимоясига айрим сабабларга кўра кела олмаган талабалар 3 йил мобайнида Давлат аттестация комиссиясига БМИ ҳимоясига киритилади.

Битирувчи талабалар ва уларнинг илмий рахбарлари учун битирув малакавий ишларини амалиётга ҳамда ўқув жараёнларига қўлланилиши ва битирув малакавий ишнинг амалий тавсиялари буйича илмий раҳбар бошчилигида кичик ва хусусий бизнесни ташкил қилиш, янги иш ўринларини яратиш, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолиятидан қўшимча фойда олинганлиги ҳақидаги маълумотномани ДАКга тақдим этилади. Ушбу маълумотнома хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти томонидан берилади.

Ички ва ташқи тақризчилар битирув малакавий ишининг тавсияларидан илмий раҳбар ўзинииг маъруза матнларида, амалий машғулотларида ва кейс стадилар тайёрлашда фойдаланганлигини кўрсатиб ўтадилар. Улар ўз тақризларида БМИ нинг қайси боби, параграфи, жадваллари ва бетлари (сони кўрсатилган ҳолда) ўқув жараёнларида қўлланилаётганлигини кўрсатиб ўтишлари шарт.

Битирув малакавий ишларида бошқа муаллифлар фикри келтирилганда, адабиётлар ва диссертациялардан фойдаланилганда, шунингдек ўзга манбалардан олинган жадваллар, чизма ва расмларга ўша бетда албатта ишора (ссылка) берилиши шарт. Ички ва ташқи тақризчилар ўз тақризларида бу ҳолатни кўрсатиб ўтишлари керак.

Битирув малакавий ишларида сўнгги пайтларда университет кутубхонасига хориждан, Россиядан келтирилган ва айниқса ИНТЕРНЕТ оркали олинган энг янги адабиётлардан фойдаланганлиги курсатиб утилиши шарт.

Битирув малакавий ишлари сунгги беш йиллик маълумотлари асосида ёзилиши мақсадга мувафиқдир. Эскирган ёки мавҳум маълумотлардан фойдаланиш тақикланади.

Битирув малакавий ишининг кириш ҳамда ҳулоса ва таклифлар қисмида, ишнинг тавсиялари маъруза матнларида, амалий машғулотларда ва амалиётда қўлланилаётганлигини аниқ кўрсатиб ўтиш зарур.

Талабалар томонидан бажариладиган битирув малакавий ишлари (БМИ). институт Илмий Кенгашида куриб чиқилган ва тасдиқлангаг ўқув йилида БМИ тайёрлаш ва химоя қилшг буйича сизга берилган эслатмаларга қатьий риоя қилинган ҳолда бажарилиши шарт.

Битирув малакавий ишини тайёрлашга тавсиялар

Энг аввало бажарилиши лозим булган БМИ бевасита таълим йуналишлари ва мутахассисликлари буйича бўлиши, мавзунинг ўрганилганлик даражаси ва баҳосига албатта эътибор қаратилиши лозим.

Мавзу танлашда талабани кейинги илмий тадқиқот ишлари олиб боришини назарда тутган ҳолда БМИ мавзусининг номзодлик ва хатто докторлик диссертациялари ёзишда ҳам долзарб булишига эришиш лозим. (БМИ учун танланган мавзу номзодлик ва докторлик диссертациялари тайёрлашда ҳам давам этишини мақсад қилиб қуйилади).

Тавсия қилинаётган ва танланган мавзунинг ўқув жараёнида албатта фойдаланишини назарда тутмоқ лозим. Бунинг учун ўқилаётган маьруза ёки олиб борилаётган амалий машғулот дастурида ўз ифодасини топишига эришиш ва дарс жараёнида танқидий фикрлар билдирилиши алоҳида вазифа қилиб белгилаб қўйилиши лозим. БМИ мавзулари дарс ўқув йилида 20 - 30 % янгиланади.

Илмий рахбар ва маслаҳатчи танлаш жараёнида кейинги илмий фаолиятни давам эттиришда катта самара беришини мақсад қилиб қўйиш керак. Илмий раҳбар танлашда шу тавсияларнинг 2 – бандида таклиф қилинган мавзу танлаш билан бирга ҳал қилиши лозим. Шу муносабат билан илмий раҳбар (ишлаб чиқаришдан маслаҳатчи) танлашда ҳар бир профессор-ўқитувчининг илмий даражаси, унвани, фаолияти ва салоҳияти, педагогик тажрибаси, олдинги унинг раҳбарлигида бажарилган илмий ишлар натижалари хисобга олинса мақсадга мувафиқ булади. Илмий раҳбар сифатида хорижий ўқув юртларида таълим олиб қайтган, илмий салохияти ва ишлари тан олинган ҳамда ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган ёшларни танлаш ҳам мумкин.

БМИ ёзишда нафақат унинг асосий ҳолатларини, талабларини ва мазмунини билиши, балки илмий - тадқиқот ишларининг методолигияси, ташкилий асослари ва талаблари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши лозим. Илмий методология мазмунан тизимли бўлиши эътироф этилади. Бу тизимда таҳлил услублари, мантиқий хулоса, илмий фикрлаш ва уни изоҳлаш каби асосий қоидалар бажарилаётган илмий ишнинг асосини белгилаб олишга ёрдам беради.

Ёзилган ҳар бир БМИ энг аввало муаллифнинг бевасита шахсий бизнес фаолиятини ўзида акс эттириши лозим. Бунинг учун муаллиф ва унинг илмий раҳбари Давлат аттестацияси комиссиясига ишнинг натижалари ҳисобланган олинган даромад миқдори, янги очилган иш ўринлари, шахсий бизнеснинг истиқболини ўзида мужассамлаштирган ҳужжат (ишлаб чиқаришда фойдаланиш ҳақида далолатнома) ни тақдим этади.

Шунинг билан бирга илмий раҳбарнинг муаллифга унинг бизнесига кўрсатган қўшимча ёрдамлари ҳам алоҳида тақдим этилади. Бундай ёрдамлар сирасига банклардан кредит олиш, ҳуқуқий масалалар, солиқ ҳақида

маълумотлар ва маслаҳатлар, бизнес-режа тузиш, хорижий сармоядорларни топиб бериш киради.

Ҳар қандай тайёрланган ва ҳимоя қилиниши мўлжалланган илмий-тадқиқот ишларига, шу жумладан, БМИ (муаллиф педагогик фаолиятга ўтиши билан) ҳам қуйиладиган асосий талаблардан бири муаллифнинг илмий ва бошқа илмий тадқиқот ишилари натижаларидан ўқув жараёнида фойдаланиш даражаси хисобланади. БМИ натижаларининг кейинги битирувчи – талабалар томонидан таҳлил қилиниши, мулоҳаза юритилиши, ўз фикрини ифода этилиши муайян иш натижаларидан илмий максадларда фойдаланишни назарда тутади. Ҳар бир илмий тадқиқот натижалари ўқув жараёнида фойдаланилган, муайян фан мавзуси курсатилади. Шунингдек, фанга таалуқли ўқув, ўқув-услубий ҳужжатлар мажмуасида – иш дастур, маърузалар матнлари. Масалалар тўпламлари ишбилармонлик ўйинларида (мавзу ва бетлар кўрсатилиши шарт) ўз ифодасини топади.

Фойдаланилган адабиётлар (шу жумладан ўз илмий ишлари) рўйхати, адабиётлардан олинган маълумотлар, жумлалар, ахборотлар, фикр – мулоҳазалар, изланиш натижалари амалда қабул қилинган қоидалар асосида тузилади ва албатта матнда ишора берилади. Матнда Президента ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари номи тўла келтирилади.

Илмий ишларда (шу жумладан, БМИ да кучирмачилик ва илмийликни сохталаштиришни олдини олиш учун ҳар бир адабиёт манбалари (рисолалар, дарсликлар, мақолалар, БМИ, магистрлик номзодлик ва доктор, диссертациялари) иш охирида рўйхати келтирилади, матнда улардан олинган ҳар бир жумла охирида катта қавс ичига руйхатдаги қатор саноғи ва бети [бет] ёки фақат қатор саноғи [ ] ёзилади.

Юқорида келтирилган асосий қоидалар (талаблар)га ҳимояга қабул қилинган тадқиқотлар муаллифлари томонидан риоя қилиниши шарт. Ушбу қоидалар асосида бажарилган ишлар даъвагарга давлат аттестация комиссияси ёки ихтисослаштирилган илмий кенгаш томонидан малакавий ва илмий даражаС оя

бошқарув ташкилотларининг мансабдор шахслари ўзларининг ваколати доирасида қуйидагиларга йўналтирилган:

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган туристик саёҳатларни амалга оширишда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини атроф муҳитдан сақлаш, хавфсизлик ҳуқуқларини Ўзбекистон фуқаролари чегара доирасида ҳимоя қилиш;
- атроф- муҳитга зарар келтирмаган ҳолда туристларнинг (екскурсантларнинг) шахсий хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг мулкини сақлаш;
- мамлакатга вақтинчалик келган туристларнинг(екскурсантларнинг) туристик фаолиятни амалга оширишда субъектларнинг хавфсизлигига таҳдидлар ҳақида хабардор этиш;
- фавқуллодда вазият содир бўлганда туристларга(екскурсантларга) зарур бўлган ёрдамни кўрсатиш;
- туристларга (екскурсантларга) тиббий, ҳуқуқий ва бошқа кўринишдаги кечиктириб бўлмайдиган хизматлардан тўсқинликларсиз фойдаланиш ва алоқа воситалари билан таъминлаш;
- туризмдан ноқонуний миграция, меҳнат ва фуқароларни эксплуатация қилишнинг бошқа кўринишдаги мақсадларда фойдаланишни таъқиқлаш;
- Ўзбекистоннинг туристик ресурсларини, атроф -муҳитини ва маданий ёдгорликларини ўрнатилган тартиблар асосида ҳимоя қилиш;
- Туристларнинг (екскурсантларнинг) борадиган объектларини табиий ва техноген ҳалокатлардан ва бошқа фавқуллоддаги вазиятлардан хавфсизлигини таъминлаш ва ҳ.к.

Туристик корхона туристик фаолиятни амалга оширишда туристик субъектларни хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қуйидагиларга мажбур:

- саёҳат вақтида содир бўлиши мумкин бўладиган хавф тўғрисида ва умумий талабларни бажариш ёки эҳтиётдан кўрилган чора тадбирлар ҳақида туристларни(екскурсантларни) хабардор қилиш;
- туристик хизматларни тақдим этиш вақтида хавфсизлик шартларини яратиш, сафар, сайр ва экскурсия вақтида тегишли чоралар билан таъминлаш;
- юқори хавф-хатарли туристик хизматларни (автомобилли, тоғли, чанғили, сувли, велосипедли спелеотуризм ва бошқалар) тақдим этишда махсус хавфсизлик талаблари билан таъминлаш;

- туристларни(екскурсантларни) кўнгилсиз воқеалар ҳақида огоҳлантиришни, биринчи тиббий хизматни кўрсатишни, шикастланишдан сақланиш ва олдини олишнинг ўргатилишини таъминлаш;
- саёҳат вақтида жабр кўрган шахсларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилишини ва транспортировкасини таъминлаш;
- фавқуллодда вазиятдаги туристлар(екскурсантлар), йўқолиб қолган шахслар ҳақида маҳаллий орган ва масъул шахсларни зудлик билан огоҳлантириш.

Турист ва экскурсантларнинг қуйидаги ҳуқуқлари мавжуд:

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган фуқароларнинг дам олишга, ҳаракатларнинг эркинлигига, соғлигини тиклаш ва мустаҳкамлашга, маънавий эҳтиёжини қондиришга, шахсиятининг ҳурмат қилиниши ва ҳимояланишига ҳақлидир;
- вақтинчалик ташриф буюрадиган мамлакатда кириш ва чиқиш қоидалари, маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, табиати, маданияти, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлари, атроф -муҳит ҳолати ҳақида зарурий ва аниқ маълумотни олишга;
- туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини юритаётган субъектларнинг лицензияси, рухсатномаси, сертификатлари ва бошқа қонун томонидан белгилаб қўйилган ҳужжатларнинг мавжудлиги ҳақида маълумот олишга;
- шартномада киритилган туристик хизматларни олишга;
- шахсий хавфсизлигига, ҳаёти, соғлиги, истеъмол ҳуқуқи ҳамда мулкининг ҳимоя қилинишига;
- зарурий тиббий хизматни олишга;
- шартнома шартлари бажарилмаган ёки номувофиқ бажарилганда маънавий ва моддий зарарни ундиришга;
- бошқа ҳуқуқларни амалга оширишга.

Турист ва экскурсантларнинг ҳуқуқлари билан бир қаторда уларнинг хавфсизлигини таъминлашда асос бўлувчи мажбуриятлари ҳам борки, булар қуйидагилар:

- ташриф буюрган мамлакати ҳудудида амал қиладиган қонунлар, талабларни, бошқа шахсларнинг шахсий манфаатлари ва ҳуқуқларини бузмаслик;
- божхона, чегара, санитар ва бошқа қоидаларини бузмаслик;
- ташриф буюрган мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий тизимини, урф-одатлари, диний эътиқодини ҳурмат қилиш;

- ташриф буюрган мамлакатнинг атроф-муҳитини сақлаш, табиий ва маданий мерос объектларига ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш;
- туристик хизматларни тақдим этиш тўғрисидаги шартномага назарда тутилган шартлар ва қоидаларга амал қилиш;
- туристик хизматларни тақдим этиш учун зарурий бўлган ўзи ҳақидаги шахсий маълумотларни тақдим этиш;
- саёҳат давомида шахсий хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш;
- ноқонуний ҳаракатлар оқибатида етказилган зарарни қоплаш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйилган бошқа мажбуриятларни бажариш ва ш.к.

Экскурсия хизмати жараёнида баъзи бир туристик фирмалар томонидан экскурсантлар масъулиятини ошириш мақсадида улардан жавобгарлик хатини ҳам ёздириб олиши мумкин. Унинг мазмуни тахминан қуйидагича бўлиши мумкин.

4. Туристларга овқатлантириш хизматини кўрсатишдаги хавфсизликлар

Меҳнатни муҳофаза қилиш овқатлантириш корхоналари да хавфсизлик техникаси ва ёнғинга қарши тадбирлар билан узвий боғланган. Овқатлантириш корхоналари да меҳнат узлуксиз давом этиши учун ходимлар соғ-саломат бўлиши, кўнгилсиз тасодифларга дуч келмасликлари керак. Бу тадбирларни амалга ошириш ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида бир меъёрдаги иш шароитини яратишга имкон беради. Овқатланиш корхоналарида хавфсизлик техникасининг вазифалари-ишлаб чиқариш ва хизматларнинг ўзига хос хусусиятларини ўргатиш, бахтсиз ҳодисалар, касб касаллиги сабабларини таҳлил қилиш ва уларнинг олдини олишнинг аниқ чора-тадбирларини кўришдан иборат. Ёнғинга қарши техника воситалари ёнғинларнинг олдини олиш, уларни бартараф қилишда ва фойдали усулларни амалга оширишда ёрдам беради.

Соғлом ва хавфсиз меҳнат шароити Ўзбекистон Республикасида 1996-йилда қабул қилинган Меҳнат Кодекси билан амалга оширилади. Демократик ҳуқуқий тамойилларга асосланган мустақил давлатимизнинг бу кодекси ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат муносабатлари, меҳнатни муҳофаза қилиш меъёрларининг бажарилишини тартибга солади. Меҳнат Кодекси асосида хавфсизлик техникаси, соҳа санитарияси ҳақидаги қоидалар ишлаб чиқилади.

Меҳнат муҳофазасининг текширув ишларини давлат ва жамоат ташкилотлари амалга оширади. Меҳнат Кодексининг 9-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси худудида меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан назорат олиб бориш Ўзбекистон Республикаси

бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади. Давлатнинг бир қанча мутасадди ташкилотлари ҳам назорат ишларини олиб боради. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош санитария-епидемиология назорати амалга оширадиган ишлар бу соҳада энг муҳим ҳисобланади.

Техника инспексияси ишлаб чиқариш жараёнининг хавфсизлигини, оғир ишларнинг механизация даражасини, жиҳозларни ишлатишда хавфсизликка риоя қилиш қоидаларини текширади. Соҳа йўриқчилари меҳнат ҳақидаги қонунчиликни, хавфсизлик техникаси йўриқнома ва қоидалари, ишлаб чиқариш санитарияси, тасодифий ҳолатлар юз бериши, касб касаллигининг олдини олишни назорат қилади. Улар залнинг шамоллатиш тизимлари ишини, ёритиш техникаси ҳолатини, жиҳозлар, инвентар, асбоб-ускуналар тўғри ишлашининг техник ҳолати, тозалиги, иш жойларининг тартиби, ходимларнинг касб кийимлари (уни форма) билан ўз вақтида таъминланишини текширади. Ҳамма меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича зарурий тадбирлар жамоа шартномасига киритилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларини сақлаш ҳамма кўринишдаги анжомлардан фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга. Бу жиҳозларга қарайдиган ходимлар уларни ишлатиш бўйича йўриқномалар билан таъминланади, хавфсизлик техникаси ва жиҳозларини меъёрда ишлатилиши кўрсатилган бўлади.

Ҳар бир машинани ишга туширишдан олдин унинг созлигига ишонч ҳосил қилиш керак, назорат-ўлчов асбобларини ва сақлагич қурилмалар текшириб кўрилади. Машина ва аппаратлар ишлаб турган вақтда уларни тозалаш, мойлаш, созлаш ва таъмирлаш таъқиқланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларига мувофиқ носоз аппаратлар бўлса (манометр, сақлагич ва ҳаво клапани), иссиқлик берувчи жиҳозлардан фойдаланиш мумкин эмас. Манометр сиферблатида аппаратнинг меъёрий ишчи босимини кўрсатадиган қизил чизиғи бўлиши керак. Манометрлар ҳар 6 ойда бир марта текширувдан ўтказилади, сақлагич клапан ва продувка кранлари ҳар куни текширилади. Ҳар бир аппарат ёнида хавфсизлик техникаси ҳақида йўриқнома осиб қўйилган бўлиши керак.

Газда ишлайдиган иссиқлик аппаратларининг хавфсиз ишлаши учун горелкалардан газ чиққанда унинг олдини олиш учун махсус автоматик асбоблардан фойдаланилади. Буни хавфсизлик автоматикаси дейилади. Бундан ташқари технологик жараёнларни ва иссиқлик берувчи аппаратларнинг меъёрида ишлашини тартибга солувчи автомат асбоблар ўрнатилади. Ростловчи автоматика тегишли босимни ёки ҳароратни бир меъёрда сақлашни таъминлайди.

Буғ босими билан ишлайдиган аппаратларда манометрга бериладиган босимни назорат қилиб туриш керак. Босимни тегишли меъёрда ушлаб туриш учун аппаратлар олдига редуксион клапан ўрнатилади. Бу керакли босимни автоматик тарзда сақлаб туради. Унинг ёнига клапан носозлиги туфайли юз бериши мумкин бўлган авариянинг олдини олиш учун сақлагич клапан ва манометр қўйилади.

Електр қозонларда назорат-сақлагич арматурасидан ташқари буғни автоматик тартибга соладиган электрконтакт манометри ўрнатилади. Одатдаги манометрдан электрконтакт манометрининг фарқи шундаки, у иккита милга эга.

Овқатлантириш корхоналарида ёнғин чиқишининг кўпдан-кўп сабаблари бор. Кўп ҳолларда бу олов билан эҳтиёцизлик қилиш, рухсат этилмаган жойларда чекиш, электр симларидан учқун чиқиши, иситиш қурилмалари нотўғрилиги ёки бузуқлиги, электр жиҳозлар ва ёритгичлардан тўғри фойдаланмаслик натижасида келиб чиқади. Шунингдек, ёнғиннинг сабаби портлаш, момақалдироқ, чақмоқ ёнишлари ҳам бўлиши мумкин. Ёнғин чиққанда ҳарорат 800-1000°К гача етади ва атрофдаги нарсаларни ҳам куйдиради.

Оовқатланиш корхоналарида хизматчи ходимлар ҳам, мижозлар ҳам бинонинг ичида ва ташқарисида ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилишлари керак.

Овқатлантириш корхоналари омборларида ёнғинга қарши тадбир ўтказиш-у корхонанинг қаерида жойлашгани, кириш йўллаклари, ёнғинга қарши жиҳозларнинг созлиги, омборларда олов хавфи бўлган маҳсулотларнинг кўплиги ва бошқа сабабларга боғлиқ. Ёнғин учун хавфли жойлар: ёнилғи, ёғоч-тахта, енгил ёнадиган материаллар сақланадиган омборлардир. Бу омборлар олов ўтмайдиган материаллар билан жиҳозланади. Олов хавфи ҳар хил бўлган омборлар материалларни сақлашда бир-бирларидан олов ўтмайдиган деворлар ва тўсиқлар билан ажратилади.

Вентиляция қурилмалари ҳаводаги хавфли портловчи ва ёнувчи газларни ҳайдайди ва корхонада ёнғин хавфини пасайтиради. Лекин уларнинг носозлиги ёки тўғри фойдалана олмаслик натижасида ёнғин чиқиши ҳам мумкин. Табиий шамоллатиш ёнғинга нисбатан ҳавфли эмас, аммо ёнғин чиққанда аланга олишига ёрдам қилади. Сунъий вентиляция кўп ҳажмдаги ҳавони чиқариб, ёнғиннинг авж олишини кучайтиради. Бунинг натижасида олов вентиляция каналлари бўйича орқали бошқа объектларга ҳам ўтиши мумкин. Шунинг учун портлаш ёки ёнғин хавфи бор биноларнинг ҳамма ҳаво чиқадиган мўрилари ёнмайдиган материаллар билан жиҳозланиши шарт.

Вентиляция жиҳозларини ишлатишда қуйидаги ёнғин ҳавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш керак:

- камера ва ҳаво чиқарувчи мўриларни ўз вақтида тозалаб туриш;

- вақти-вақти билан чангини чиқариб ташловчи вентилятор ишини текшириб туриш;
- вентиляция анжоми ўрнатилган жой яқинидаги девор, шип, ҳаво тортқич сиртларини мунтазам равишда тозалаб туриш ва б.

Ёнғин чиққан тақдирда, энг аввало, ўт ўчириш хизматига хабар бериш зарур. Шу мақсадда телефон алоқаси ёки электр ўт ўчириш сигнализациясидан фойдаланилади (катта шаҳарларда), ички сигнализация маҳаллий ёнғинга қарши гуруҳини чақириш учун ишлатилади (катта корхоналарда).

Ёнғинга қарши гуруҳ келганига қадар корхонадаги имкониятлар ишга солиниб, ўтни ўчиришга киришилади: қум, курак, челаклар, сув, гидропултлар ва ўт ўчиргичлардан фойдаланилади. Гидропултлардан тизиллаб чиққан сув олов ёнаётган томон йўналтирилади. Ўт ўчиргичнинг пастки туб томони тепага кўтарилади, бош қисми ерга, қаттиқ нарсага урилади, бу иш оловдан 10 м узоқликда бажарилиши керак. Суюқлик кўпик ва карбонат ангидрид ҳосил бўлади. Карбонат ангидрид газ босими натижасида кўпик отилиб чиқади ва 8 м баландликка кўтарилади, бу ҳаракат 1,5 дақиқа давом этади. Шундан сўнг оловни ўчириш мумкин бўлади.

Ёнғин пайтида одамларни ва моддий бойликларни олиб чиқиш бинонинг чиқиш йўлакларининг кўплиги ва кенглигига боғлиқ. Ҳамма зиналарга ва чиқишга мўлжалланган эшиклар ташқарига очиладиган бўлиши керак. Ташқи зиналарга қаратилган ромларга панжаралар қўйиш ва қулфлаш мумкин эмас. Бундай ромлар қизилга бўялади ва «Зинопаяга чиқиш» деган ёзув қўйилади.

Таомлар тайёрлаш ва мижозларни озиқ-овқат билан таъминлаш жараёнида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникасининг белгиланган қоида талабларига риоя қилиниши официантлар зиммасига тушади:

- заллардаги ва таом тарқатиладиган жойлардаги полларнинг техник ҳолатини, уларнинг синган, нотекис ҳолатини сезган заҳотиёқ официантлар уларни таъмирлашларини талаб қилишлари керак;
- полга тўкилган мой, суюқлик, таом бўлаклари ва бошқаларни тезлик билан артиб, йиғиштириб олиш;
- ешиклар, кириш йўлакларида эҳтиёт ва эътиборли бўлиш;
- консерва қутиларини махсус очқичлар билан очиш;
- иссиқ таомлар солинган идишларни каттароқ идишлар устига қўйиб патнисларда олиб бориш;
- таом кўтариб зинапоялардан юрганда эҳтиёт бўлиш;
- рақсга тушиш жойида патнис кўтариб зал бўйлаб юрмаслик;

- чети учган, сири кўчган, ёрилган идишларни ишлатмасдан топшириб юбориш;
- мижозларга хизмат кўрсатилаётган пайтда таом тарқатиш жойида навбат тартибини сақлаш;
- патнисга фақат бир қатор таом териш;
- пичоқ, санчқиларнинг ўткир томонини олдинга қилиб олиб юрмаслик, уларни тарелкаларда олиб бориш;
- шишаларни махсус очқич билан очиш;
- кийимларга тўғноғич тақмаслик, чўнтакларга синадиган, кесадиган ўткир буюмлар солмаслик ва б.